

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**О.МУРТАЗАЕВ, И.М.ҒАНИЕВ,
Ш.Т.ҲАСАНОВ, Ф.Б.АҲРОРОВ**

АГРАР СИЁСАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК БОЗОРЛАРИ

Олий ва ўрта махсус, касбий-хунар таълими илмий методик бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2005 йил 2 июлдаги мажлис қарорига асосан 4-блок фани сифатида Институт илмий кенгашида 2008 йил 29 августдаги муҳокама қилиниб, №1 -сонли баённома билан маъқулланган ва чоп этишга тавсия қилинган.

САМАРҚАНД-2009

О.Муртазаев, И.М.Ғаниев, Ш.Т.Ҳасанов, Ф.Б.Ахроров - Аграр сиёсат ва қишлоқ хўжалик бозорлари. (Ўқув қўлланма) – С.: 2009 - 186 бет.

Масъул муҳаррир:

**Такризчилар: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,
Иқтисодиёт кафедраси мудири, и.ф.н., доцент
Б.А.Абдукаримов
Тошкент Давлат Аграр Университети, Фермер
хўжалигини бошқариш факултети декани, и.ф.н.
А.А.Абдувасиков**

КИРИШ

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг қандай даражада ривожлантирилганлиги ва унинг самарадорлик даражасига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини ҳал қилиш, шунингдек, пахтачилик, тамакичилик ва чорвачиликнинг қатор тармоқларини ривожлантириш орқали саноатни хом ашёга бўлган талабини қондириш орқали мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришга қўшадиган ҳиссаси билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самараси яқунда мамлакат иқтисодий салоҳиятини ҳам оширишга ҳисса қўшади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида, жумладан, қишлоқ хўжалигида қатор иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотларнинг асосий мақсади, қишлоқда ҳақиқий мулк эгаларини шакллантириш, бозор муносабатларини онгли равишда ҳис қилган ҳолда ишлаб чиқаришни амалга ошириш ва самарали фаолият юритишларини таъминлашга қаратилган.

Кейинги йиллардаги глобал иқтисодий ўзгаришлар бозор иқтисодиёти асосида ривожланиш билан биргаликда, бозор муносабатларини тартибга солишнинг заруриятини, иқтисодий ривожланишни тартибга солишда давлатнинг роли бениҳоя катта эканлигини, яъни иқтисодий ривожланишда Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: «давлатнинг бош ислоҳотчи» бўлиши заруриятини тасдиқлади.

Аграр сиёсат мамлакат ҳукуматининг аграр соҳада олиб бораётган ислоҳотларининг мазмунидир. Аграр сиёсат ўзида қишлоқ аҳолисини моддий, ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларини шакллантирадиган давлат фаолиятини қамраб олади. Аграр сиёсатнинг аниқ вазифаларига қуйидагилар киради:

- мамлакат аҳолисини иқтисодий асосланган баҳолардаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;

- қишлоқ хўжалигининг умумий даромад яратиш соҳасидаги иштирокини таъминлаш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиш.

Мазкур ўқув қўлланма қишлоқ хўжалиги олий ўқув юр்தларининг 5340100 – «Иқтисодиёт»(қишлоқ хўжалиги), 5340900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» ва 5610100 – «Фермер хўжалигини бошқариш» таълим йўналиши талабаларига мўлжалланган бўлиб унда аграр сиёсатни юритиш усуллари, асосий тамойиллари ва ривожланган мамлакатларда бу борадаги тажрибалар кенг ўрин олган, шунингдек, қишлоқ хўжалик бозорларини ташкил этиш ва ривожланиш хусусиятлари ҳамда уларни ички ва халқаро даражада ривожлантириш имкониятлари кенг очиб берилган.

Ўқув қўлланма мазмунан икки қисмдан таркиб топган бўлиб биринчи қисмда аграр сиёсатни шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган бўлса, иккинчи қисмда, қишлоқ хўжалик бозорларининг моҳияти, турлари, халқаро иқтисодий ташкилотлар талаблари асосида уларни шакллантириш ва ривожлантириш имкониятлари очиб берилган.

Ўқув қўлланмада муаллифлар жамоасининг кўп йиллик илмий, амалий ва ривожланган мамлакатларга қилинган илмий амалий тажриба алмашишлари натижалари ҳам ўз аксини топган.

1-мавзу: ”Аграр сиёсат ва қишлоқ хўжалик бозорлари” фанининг мазмуни, предмети, услубиёти ва вазифалари.

Асосий саволлар:

1. ”Аграр сиёсат ва қишлоқ хўжалик бозорлари” фанининг мазмуни ва зарурияти.
2. Фаннинг предмети, услуби ва услубиёти.
3. Аграр сиёсатнинг асосий вазифалари.
4. Аграр сиёсатнинг ривожланиш тарихи ва кўринишлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Аграр иқтисодиёт, аграр сиёсат, аграр бозор, аграр таркиб, фаннинг предмети, фанни ўрганиш услуби ва услубиёти, аграр қонунчилик.

1. ”Аграр сиёсат ва қишлоқ хўжалик бозорлари” фанининг мазмуни ва зарурияти.

Аграр сиёсат - иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у қишлоқ хўжалиги ва унга боғлиқ хўжалик соҳаларини қамраб олади. Аграр сиёсатни давлатнинг аграр иқтисодиёт доирасида ҳаракатга келтириладиган жараёнлар шакли ва методлари кўринишидаги фаолияти деб ҳам тушуниш мумкин. Аграр сиёсат ўзида қишлоқ аҳолисини моддий, ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларини шакллантирадиган давлат фаолиятини қамраб олади. Аграр сиёсатнинг асосий соҳалари куйидагилардир:

- аграр бозор;
- инвестиция;
- кредит;
- молия;
- илмий техникавий ва технологик фаолият;
- солиқлар ва солиққа тортиш;
- ижтимоий муҳит;
- мақсадли ва таркибий қайта шаклланиш.

Аграр сиёсат базасида аграр қонунчилик ва аграр таркиб шаклланади. Аграр қонунчилик - қишлоқ хўжалигида ва қишлоқ аҳолиси ҳаёти билан

боғлиқ ҳолда амалга ошаётган жараёнларга таъсир ўтказадиган ҳуқуқий меъёрлардир. Аграр қонунчилиқнинг муҳим соҳаларига қуйидагилар киради:

- ерга эгалиқ муносабатлари;
- меҳнат муносабатлари;
- аграр кредит;
- солиққа тортиш;
- ҳуқуқ ва мерос масалалари;
- қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари товар обороти;
- ўқитиш ва йўл-йўриқ бериш шартлари;
- ижтимоий таъминот ва бошқалар.

Аграр сиёсатнинг асосий вазифаларидан бири сифатида аграр қонунчиликка таъсир ўтказиш, у орқали ер ва ер билан ишловчиларнинг манфаатини кўзлаб иш олиб бориш ҳисобланади.

Аграр таркиб - мамлакат ривожланиши билан боғлиқ ҳолда қишлоқ хўжалиғини табиий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг натижасидир. Аграр таркиб - аграр қонунчиликка асосланган, қишлоқ хўжалиғи ривожланиши, аҳолининг яшаш ва ишлаш шароити хусусиятлари ҳисобга олинган, ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ аграр соҳанинг иқтисодий, техник ва ижтимоий элементлари йиғиндисидир. У мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда ифодаланади.

Аграр сиёсатнинг асосида аграр бозор ётади. Аграр бозор аграр сиёсатни ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмолчи манфаатларига мос амалга оширилишига ёрдам қилади. Қишлоқ хўжалиқ бозорлари қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқариши учун зарур бўладиган омиллар, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва ишлаб чиқарувчилар манфаатларини бирлаштирадиган иқтисодий воситадир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги дастлабки масала иқтисодиётни тезроқ барқарорлаштириш ҳисобланади. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалиғини ривожлантириш ва самарадорлиғини ошириш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиғида бозорларни тўғри ташкил

қилиш ва аграр сиёсатни тўғри олиб бормасдан иқтисодий самарадорликка эришиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам иқтисодиёт факултети талабалари учун “Аграр сиёсат ва қишлоқ хўжалик бозорлари” фани ўқув дастурига киритилган. Фаннинг асосий мақсади талабаларда аграр сиёсат ҳақида тасаввур уйғотиш, олиб борилаётган аграр сиёсатларни ўзаро солиштира олиш кўникмасини яратиш ва мутахассис хулосасига эга бўлишини таъминлашдир. Фан бошқа иқтисодий, иқтисодий-математик ва технологик фанлар билан чамбарчас боғлиқдир.

2. Фаннинг предмети, услуби ва услубиёти.

“Аграр сиёсат ва қишлоқ хўжалик бозорлари” фани ҳам бошқа фанлар катори кишиларга атроф-муҳитни билиш ва ўрганишни тақозо қилади. Аммо ҳар бир фанда бўлгани сингари бу фаннинг ҳам ўз предмети ва услубиётини аниқлаб олиш лозим, ақс ҳолда тадқиқотлар нима ҳақида бораётганлигидан ўрганувчи адашиши мумкин.

Авалло объект ва предмет терминларига аниқлик киритиб олиш лозим. Объект муаммоли жараён вужудга келган ва изланиш учун танланган жараён ёки қараш бўлса, предмет – объект чегарасида жойлашган барча воситалардир. Объект ва ўрганиш предмети илмий жараён категорияси сифатида умумий ва хусусий каби мослашади. Объект доирасида ўрганиш предметига хизмат қиладиган қисмигина ажратиб олинади ва айнан ўша қисмга эътибор қаратилади. Аграр сиёсатнинг объекти бўлиб аграр иқтисодиётнинг жорий жараёнлари намоён бўлади. Аграр сиёсатнинг предмети бўлиб эса, қишлоқ хўжалигини амал қилиш шартларини аниқлаб берадиган давлат ва жамоатчилик тадбирлари ва ҳаракатлари тизими ҳисобланади.

Аграр муаммоларни тўлароқ ўрганиш учун **услубиёт** асосий рол ўйнайди. Услубиёт– жараён ва қарашларни ўрганиш методлари ҳақидаги фандир. Услубиёт асосий масалани, яъни қайси илмий усул билан у ёки бу

тизимнинг ҳақиқий фаолиятига ва унинг келажакдаги ривожига баҳо бера олишга ёрдам беради.

Услугиётни бир нечта асосий йўналишларга бўлиш мумкин:

биринчиси - субъектив, бунда хўжалик юритувчи субъект бир нечта вариантларнинг ичидан танлаб олинади;

иккинчиси - эмпирик, бунда билим фақат тажриба натижасида олинади, фақатгина кузатиш асосий рол ўйнайди, маълумотлар таҳлил ҳам қилинмайди, ўзаро алоқадорликда кўриб ҳам чиқилмайди;

учинчиси - рационалистик йўналиш, қайсики бу йўналиш ишлаб чиқариш ва тақсимотни кўпроқ ишончлироқ тартибга солишга ёрдам берадиган қонунларни очишни устун қўяди, масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини. Бунга мисол тариқасида Ф.Кеннинг иқтисодий жадвалини келтириш мумкин.

тўртинчиси - диалектик-материалистик йўналиш. Бу йўналиш кўпроқ илмий ҳисобланади, чунки бу йўналишда объектив таҳлил амалга оширилади, ҳақиқатда мавжуд қарашлар ва уларнинг ривожланиши тавсифланади. Диалектик йўналишнинг моҳияти; барча жараёнлар ва қарашлар доимо вужудга келади, ривожланади ва ўлади, яъни ҳамма вақт ҳаракатда бўлади.

Услугиёт ва услубни бир-бири билан чалқаштирмаслик керак. Услублар–фанда қўлланиладиган категория ва қонунлар тизимида қайта ишланадиган тадқиқот усуллари дидир. Аграр сиёсатни ўрганишда қуйидаги услублардан фойдаланилади:

1. Илмий абстракциялаш методи. “Абстракция” сўзи четлашиш маъносини беради. Тадқиқотчи иккинчи даражали қарашлардан четлашади ва мавжуд ҳамда доимий такрорланадиган қарашлардан фойдаланади.

2. Анализ ва синтез методи. Анализ – бу ўрганилаётган қарашларни таркибий қисмларга бўлиш ва уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганишдир. Синтез эса жараён ёки қарашни ягона бир бутун ҳолатга келтиришдир.

3. Индукция ва дедукция. Индукция алоҳида маълумоти ўрганишдан умумий қоидалар ва хулосаларга келишдир. Дедукция умумий хулосалардан алоҳида хулосаларга ўтиш имкониятидир.

4. Тарихий ва мантиқий усуллар. Тарихчи ҳеч қандай ҳолат ёки қарашга таъсир ўтказиши олмайди. Мантиқий тадқиқотларда иккинчи даражали, тўсатдан пайдо бўлган қараш ва жараёнларга ҳам таъсир ўтказиши мумкин.

5. Математик ва статистик усуллар. Улар ёрдамида хўжалик ҳаётидаги жараёнлар ва қарашларнинг миқдорий томонини аниқлаш ва уларни янги сифатга ўтказишга ёрдам беради.

3. Аграр сиёсатнинг асосий вазифалари.

Аграр сиёсат маълум бир мустақилликларга эга ва у фаол тарзда аграр иқтисодиётга таъсир кўрсатиб боради. Аграр сиёсатнинг аграр иқтисодиётга таъсири одатда икки хил бўлади: у ривожланишни ёки тезлаштиради, ёки секинлаштиради. Аграр сиёсатнинг аграр иқтисодиётга ижобий таъсири илмий асосланган сиёсат бўлгандагина билинади.

Аграр иқтисодиёт ва аграр сиёсатнинг ўзаро алоқадорлигини ёки бирининг иккинчисидан айна ҳолатда устунлигини сиёсий ёки хўжалик йўналишидаги масала биринчи кўйилаётганлиги билан ажратиш олиш мумкин. Бунда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

- биринчидан, бир бутунлик, яъни аграр иқтисодиёт ва аграр сиёсатнинг ўзаро мустаҳкам алоқада ва муносабатда эканлиги;
- иккинчидан, аграр иқтисодиётнинг бирламчи, аграр сиёсатнинг иккиламчи эканлиги;
- учинчидан, аграр сиёсатнинг аграр иқтисодиётга фаол таъсир кўрсатишини.

Аграр сиёсатнинг аграр иқтисодиётга фаол таъсири аграр сиёсатнинг фаолият доирасини белгилаб олишга ёрдам беради. Аграр сиёсатнинг моҳиятини кўриб чиқишда, қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- аграр сиёсат сиёсий муносабатлар доирасига киради, чунки у ўзида давлат, давлатлараро ва шу каби доирадаги муносабатларни мужассамлаштиради;

- аграр сиёсатнинг хусусиятлари аграр иқтисодиётнинг махсус хусусиятларидан келиб чиқади. Аграр иқтисодиётнинг асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, тақсимоти, айирбошлаши ва истеъмолчини бошқариш билан боғлиқ иқтисодий қонунлар ётади. Шунинг учун ҳам аграр сиёсат ҳам шу қонунлар ҳукмронлиги остида олиб боради;

- аграр сиёсат умумжамият муносабатлари тизимида муҳим ўринга эга. Бошқача айтганда, у аграр иқтисодиётга яқин жойлашган, унинг ифодаси ва яқуни сифатида намоён бўлади.

Аграр сиёсатнинг асосий вазифаси – аграр соҳадаги жараён ва қарашларни акс эттирибгина қолмасдан, балки кишиларнинг шу соҳадаги қарашлари, жараёнлари ва қонунлари тизимидаги фаолиятини очиб беришдир.

Аграр сиёсатнинг бошқа бир муҳим вазифаларидан бири аграр қонунчиликка таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Аграр соҳада бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида давлат, биринчи навбатда, аграр бозордаги ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасини қўяди. Иқтисодий фаолият бир меъёрда кетиши учун фаолият кўрсатувчи субъектлар қонуний ҳимоя қилинган бўлиши керак. Аввало, хўжалик юритувчиларнинг ерга нисбатан ва мулкка нисбатан фаолиятларини эркин бўлишига эришиш лозим. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига мулк ҳуқуқини кафолатлайдиган аграр қонунчилик зарур.

Аграр сиёсатнинг аниқ вазифаларига қуйидагилар киради:

- мамлакат аҳолисини иқтисодий асосланган баҳолардаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;

- қишлоқ хўжалигининг умумий даромад яратиш соҳасидаги иштирокини таъминлаш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиш.

Доимий иқтисодий ривожланиш аграр-сиёсий тадбирлар қўлланилиши лозим бўлган нуқталарни кўпайишини тақозо қилади. Қишлоқ хўжалиги бўлмаган соҳалардаги тадбирларнинг қишлоқ хўжалигига таъсирини, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларга таъсири ҳам ҳисобга олиниши керак. Кўп сонли ўзаро алоқалар доирасида аграр-сиёсий тадбирларнинг ютуғи бир қатор шароитларга боғлиқ бўлади. Бу шарт-шароитлар қуйидагилардир:

- экологик тоза бўлиши;
- иқтисодий омиллар билан боғланганлик, яъни ўз соҳасига тўғри келишлиги;
- ўз мақсадларининг ва бошқа ёндош мақсадларнинг бир-бирига мослиги;
- ўз моҳиятига тўғри келишлик, яъни техник кетма-кетлилик;
- ўз вақтида бўлишлик.

Аграр сиёсатда бу қоидалар ҳамма вақт ҳам бир текис бажарилавермайди. Қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг етарлича ҳисобга олишнинг қийинлиги аграр сиёсатни олиб боришни ҳам қийинлаштиради, лекин аграр сиёсатнинг вазифаси вазиятни тўғри баҳолаб, керакли қарорни қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

4. Аграр сиёсатнинг ривожланиш тарихи ва кўринишлари.

Аграр сиёсат ҳақида фикр юритганда турли мамлакатларда унинг ривожланиши мамлакат иқтисодий тараққиётининг даражасига қараб ҳар хил бўлишини ҳисобга олиш лозим, масалан, Америка Қўшма Штатларида ёки Европа Иттифоқи мамлакатларида қишлоқ хўжалигининг роли умумий давлат иқтисодиёти барқарорлигига кам таъсир кўрсатади, лекин қишлоқ хўжалиги мамлакат ҳаёти учун, иқтисодиёти учун ва аҳолиси учун муҳим аҳамият касб этади. Япония иқтисодиёти учун қишлоқ хўжалиги жуда кам

улушдаги қисмни ташкил этсада, давлат бу тармоққа катта аҳамият беради, уни ривожлантиришга катта эътибор қаратади, самарали аграр сиёсат олиб боришга ҳаракат қилади. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиёти учун ҳам қишлоқ хўжалиги, мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш учун муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатларини эътиборга олиб, аграр сиёсатнинг ривожланиш тарихини ўрганиш ва унинг асосий тамойилларини мукамаллаштириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётида аграр сиёсатнинг ривожланиш тарихини шартли равишда бир неча даврларга бўлиш мумкин (Ўзбекистон аграр сиёсати деганда ҳудудий нуқтаи назардан қараш мақсадга мувофиқдир):

1. 1920 йилларгача бўлган давр. Бу даврда қишлоқ хўжалиги тарқок ҳолда ривожланган. Қишлоқ хўжалиги асосан озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш ва қисман хорижий бозорларга муҳим товарларни айирбошлаш воситаси бўлиб хизмат қилган. Ерга асосан маълум гуруҳ эғалик қилган ва уларнинг шахсий манфаатлари аграр сиёсатнинг моҳиятини ташкил қилган. Аграр сиёсат солиқлар ва тўлов воситалари орқали амалга оширилган.

2. 1920-1991 йиллар. Мамлакат аграр сиёсати асосан пахта яккаҳокимлиги сиёсатига қаратилган, ерга эғалик давлатнинг қўлида, ишлаб чиқариш ва мулк муносабатлари умумийликка асосланган. Аграр сиёсат давлат томонидан, асосан саноатнинг манфаатларига асосланган ҳолда амалга оширилган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши давлат, жамоавий ва қисман шахсий мулкка асосланган ҳолда амалга оширилган. Бу даврда қишлоқ хўжалигида қатор илмий тажрибалар амалга оширилган, аммо ишлаб чиқариш ва фан ўртасида узилиш пайдо бўлган, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга қўллаш ҳаддан ташқари қийинлашиб кетган, яъни олиб борилган аграр сиёсат илмий асосларга эмас, балки айрим манфаатларга хизмат қилган.

3. 1991-1997 йиллар. Бу йиллар давомида аграр соҳага эътибор анча пасайиб кетди. Барча соҳаларда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар

мулкни давлатсизлантиришга қаратилаётган пайтда қишлоқ хўжалигида ҳам бу жараён амалга оширилишга ҳаракат қилинди, аммо эски тузум психологияси кишиларни, яъни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларида бу жараёнга илмий ёндошиш имкониятини бермади, аксинча ҳамма ўз манфаатларидан келиб чиқиб мулкни давлатсизлантиришга ҳаракат қилди, натижада тан олиб айтиш керак, чегара худудларида жойлашган вилоятлардан анча яхши қишлоқ хўжалиги техникаси бошқа давлатларга чиқиб кетди, янгилари эса деярли саноқли сотиб олинди, мамлакатда янги техника ишлаб чиқариш салмоғи сезиларли камайди. Нотўғри олиб борилган аграр сиёсат натижаси чорвачиликка кескин таъсир қилди. Маҳаллий даражада олиб борилган мулкни давлатсизлантириш сиёсатининг амалга оширилиши натижасида чорва ҳайвонларининг туёқ сони кескин камайди, унинг наслчилиги даражаси эса ҳалокатли даражада йўқолди ҳисоб. Натижада қишлоқ хўжалигида аграр сиёсатда кескин ўзгаришлар қилиш зарурияти пайдо бўлди.

4. 1998 йилдан кейинги давр. Бу давр мамлакат ҳукуматининг қишлоқ хўжалигига кескин эътибор қаратиши билан бошланди. Мамлакат Олий Мажлисида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни кескин чуқурлаштириш борасида қатор қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши бу тармоққа эътиборнинг кучайишидан далолат берди. Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги мавжуд иқтисодий кризисни йўқотиш ва уни самарали ривожлантиришнинг қатор дастурлари ишлаб чиқилди ва улар даврий равишда такомиллаштирилиб амалга оширилмоқда. Бу даврдаги аграр сиёсатнинг асосий хусусиятларига ерга муносабатнинг кескин ўзгартирилиши, ривожланган мамлакатлар тажрибалари ва мамлакат ички хусусиятлари эътиборга олиниб амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, ишлаб чиқаришни фан ютуқлари асосига қуриш, янги технологиялардан фойдаланиш каби бир қатор хусусиятлар ҳосдир.

Мамлакат аграр сиёсатини самарали амалга ошириш учун бир қатор қийинчиликлар ҳам мавжудки, уларни эътиборга олмасдан ривожланиш

стратегиясини танлаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам аграр сиёсатни тўғри танлаш иқтисодий ислохотларнинг самарали бориш гаровидир. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда аграр сиёсатни давлат томонидан тартибга солиб турилиши мақсадга мувофиқдир. Давлат томонидан аграр сиёсатни тартибга солишнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- агросаноат мажмуи маҳсулотлари ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва ривожлантириш;

- Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;
- аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш;
- қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш;

- аграр соҳа ва саноат соҳалари ишлаб чиқарувчилари даромадлари даражасини бир-бирига яқинлаштириш;

- маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш.

Давлат томонидан аграр сиёсатни тартибга солиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- озиқ-овқат, хом-ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларини шакллантириш ва ривожлантириш;

- молия, кредит, суғурта, имтиёзли солиққа тортиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятда маҳаллий ишлаб ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоялаш;

- агросаноат ишлаб чиқариш соҳаларида илмий фаолиятни қўллаш ва фанни ривожлантириш;

- қишлоқ жойларда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш.

Назорат саволлари:

- 1) Аграр сиёсат нима?
- 2) Аграр сиёсатнинг асосий соҳалари ўзида нималарни қамраб олади?
- 3) Аграр қонунчиликнинг муҳим соҳалари қайсилар ҳисобланади?
- 4) Аграр қонунчилик ва аграр таркиб деганда нимани тушунасиз?
- 5) Фаннинг предмети, услуги ва услугиётини тушунтириб беринг.

- 6) Аграр иқтисодиёт ва аграр сиёсат бир-бири билан қандай боғланган?
- 7) Аграр сиёсатнинг аниқ вазифаларига нималар киради?
- 8) Аграр-сиёсий тадбирлар нима ва уларга нималар киради?
- 9) Ўзбекистонда аграр сиёсатнинг ривожланиш тарихи қандай даврларга бўлинади?
- 10) Давлат томонидан аграр сиёсатни тартибга солишнинг асосий вазифаларига нималар киради?
- 11) Давлат томонидан аграр сиёсатни тартибга солиш қайси йўналишларда амалга оширилади?

2-мавзу. Ўзбекистон аграр сиёсатининг асосий йўналишлари.

Асосий саволлар:

1. Ўзбекистон аграр сиёсатининг ҳуқуқий асослари.
2. Аграр таркиб сиёсати: мақсади, воситалари ва элементлари.
3. Хўжалик юритишнинг самарали шакллари танлаш.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: аграр сиёсатнинг ҳуқуқий асослари, аграр таркиб сиёсати, аграр таркиб сиёсати элементлари, аграр таркиб сиёсати воситалари, аграр таркиб сиёсати омиллари, хўжалик юритиш шакли.

1. Ўзбекистон аграр сиёсатининг ҳуқуқий асослари.

Замонавий аграр иқтисодиёт мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Унинг ривожланиш ҳолати доимий эътиборга моликдир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг иқтисодий инқирозга юз тутганлигини бир қатор сабаблари мавжуд:

- кўп йиллар давомида ерга нисбатан давлат мулки муносабатлари ҳукмронлик қилгани ва кишиларда эски психологиянинг ҳукмронлик қилиши иқтисодий ислохотларни амалга ошишига салбий таъсир кўрсатганлиги;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига фан-техника ютуқларини қўллаш ва уни амалга оширишнинг қийинлашиб қолганлиги;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида керагидан ортиқча меҳнат ресурсларининг йиғилиб қолганлиги, уларни бўшатиш ва бошқа иш билан таъминлаш ҳукумат олдига яна бир улкан муаммони қўйганлиги;
- қишлоқ хўжалиги техникаларининг эскилиги ва тармоқда механизациялаштириш даражасининг пасайиб кетганлиги, янги техника сотиб олиш ва ишлаб чиқаришга жалб қилиш қимматлиги ва ишлаб чиқарувчиларда бунинг учун керакли маблағнинг йўқлиги;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш учун керакли миқдордаги ссуда ва кредитларнинг етишмаслиги ёки уларни олишнинг хаддан ташқари қийинлиги.


Аграр сиёсатнинг асосий вазифаси бу каби муаммоларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш ва иқтисодий ислохотларнинг самарали амалга оширилишига эришишдир. Шу мақсадда кейинги йилларда мамлакат аграр тармоғини ривожлантириш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Улар ичида энг муҳимларидан бири мамлакат аграр сиёсатининг ҳуқуқий асослари яратилди (1-чизма). Ўзбекистон аграр сиёсатининг ҳуқуқий асосларини қуйидагилар ташкил этади:

- Ер Кодекси;
- Меҳнат Кодекси;
- Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги қонун;
- Фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонун;
- Деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги қонун;
- Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ундаги ишлаб чиқариш, молия, солиқ, кредит ва бошқа муносабатларни такомиллаштириш борасидаги қонунлар, фармонлар, қарорлар, меъёрий ҳужжатлар ва бошқа қонуности ҳужжатлари.

Танланган йўл асосида Ўзбекистонда аграр соҳани ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгилаб олинган (2-чизма). Умуман олганда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг қуйидаги икки муҳим стратегик мақсадни амалга ошириш асосида қурилган:


- Пахта толасини етиштиришнинг барқарорлигини таъминлаш;
- Дон ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва дон мустақилликка эришиш.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳани барқарор ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Президентнинг 2009 йил 13 февралда бўлиб ўтган 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш



1-чизма. Қишлоқ хўжалигида аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий омиллари.

АГРАР СОҲАДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ МОДЕЛИ



2-чизма. Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг чуқурлаштириш модели.

яқунлари ва 2009 йилда иқтисодий ва барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги «Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби» маърузасидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг ижросини ташкил этиш, уларнинг ўз муддатларида ва тўлақонли бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ҳайъат қарори билан қуйидаги махсус ишчи гуруҳлари ташкил этилди:

1. Тизимдаги корхоналарни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш, сифат ва нархлар борасида рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш масалалари бўйича.

2. Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни хорижга сотиш кўламини ошириш, импорт ҳажминини оптималлаштириш масалалари бўйича.

3. Хорижий инвестицияларни жалб этиш, улардан мақсадли фойдаланиш ва лойиҳалар мониторингини ташкил этиш масалалари бўйича.

4. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ҳамда туманлар Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича.

5. Қишлоқ инфратузилма объектлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда фермер хўжаликлари билан таъминотчи, хизмат кўрсатувчи, тайёрлов идоралари ўртасида шартнома мажбуриятларининг бажарилиши устидан мониторинг юритиш масалалари бўйича.

6. Сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, сув ресурсларини оқилона бошқариш ва сувдан самарали фойдаланиш ҳамда томчилатиб суғориш тизимини ташкил қилиш масалалари бўйича.

7. Пахтачилик, ғаллачилик ва мойли экинлар масалалари бўйича.

8. Сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, ички истеъмол бозорини тўлдириш ҳамда экспорт қилиш ҳажмларини кучайтириш масалалари бўйича.

9. Ўсимликларни химоя қилиш, биолабораториялар ва агрокимё-станциялар фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича.

10. Чорвачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш масалалари бўйича.

11. Паррандачиликни ривожлантириш масалалари бўйича.

12. Балиқчиликни ривожлантириш масалалари бўйича.

13. Асаларичиликни ривожлантириш масалалари бўйича.

14. Пиллачилик масалалари бўйича.

15. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури бўйича.

Мазкур ишчи гуруҳларига ҳудудларда юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши борасида амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш, жойларда аниқланган хато-камчиликларни маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари раҳбарлари билан биргаликда бартараф эти шва иуаммоларни ҳал қилиш вазибалари юклатилган.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ўзларидаги мавжуд муаммолар ҳамда ушбу йўналишлар бўйича вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларини Ишчи гуруҳларига тақдим қилишлари мумкин.

Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф

этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, республикаimizдаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Асарда Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган:

1) мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

2) таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

3) қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

4) аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

5) мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

6) банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

Президентимизнинг ушбу асарларида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсиясига кўра Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларини талабалар томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш, 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларини билиш мақсадида мазкур махсус курснинг жорий этилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон аграр сиёсатининг ҳуқуқий асослари яратилган, фақат уни тўғри амалга ошириш муҳим, шундагина олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар керакли даражадаги самарани бериши мумкин.

2. Аграр таркиб сиёсати: мақсади, воситалари ва элементлари.

Аграр таркиб – қишлоқ хўжалигини ташкил қилишга табиий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий таъсирларнинг натижасидир. Аграр таркибга асосан қуйидагилар киритилади:

- ишлатиладиган омилларнинг таркиби, сифат таркиби ва тақсимланиши;
- тармоқларининг ишлаб чиқариш таркиби;
- аграр соҳадаги хўжаликлар таркиби ва тақсимотининг сони;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотиш соҳасининг таркиби.

Ўз навбатида аграр таркиб техник, иқтисодий ва ижтимоий элементлардан ташкил топади. Техник элементларга қуйидагилар киради:

- қишлоқ хўжалик корхоналари;
- ишлаб чиқариш омиллари: экин турларининг бўлиниши, майдонларнинг тақсимланиши, транспорт билан таъминланиш, экин турларининг мутаносиблиги, деҳқончилик тизими, маҳсулот турларининг мутаносиблиги;
- ҳайвонларни сақлаш, ишлаб чиқариш, харид қилиш, сотиш шакллари.

Иқтисодий элементларга қуйидагилар киради:

- аграр секторнинг барча корхоналари;
- молиялаштириш;
- меҳнатни рағбатлантириш;
- даромад;
- фойда.

Ижтимоий элементларга қуйидагилар киради:

- турмуш даражаси;
- меҳнат шарт-шароитлари;
- маориф, маданият;
- соғлиқни сақлаш;
- ахборот, алоқа.

Аграр сиёсатнинг қандай самара бериши кўп жиҳатдан юқоридаги элементлардан қандай фойдаланишга боғлиқдир. Мулк шаклининг кескин ўзгариши корхона таркибий сиёсатининг ҳам кескин ўзгаришига олиб келади, шу жиҳатдан, корхона таркибий сиёсатини танлашда техник элементларни тўғри танлаш муҳимдир.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги салоҳияти, фойда миқдори ва аграр таркиб ўртасида мустаҳкам боғлиқлик мавжуд. Шундай экан, аграр таркиб сиёсатида иқтисодий элементлардан тўғри фойдаланиш ҳам иқтисодий самарадорликка таъсир кўрсатади.

Аграр-сиёсий тадбирларнинг муваффақияти бир қатор ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларнинг бажарилиши билан боғлиқдир:

- ижтимоий тадбирлар иқтисодий омилларга мос ҳолда амалга оширилиши керак, яъни, ўз таркиби бўйича тўғри бўлиши керак;
- ижтимоий мақсадлар иқтисодий ва сиёсий мақсадларга тўғри келиши керак;
- ижтимоий қарорлар ўз моҳияти бўйича тўғри бўлиши керак, яъни техник кетма-кетлик сақланиши лозим;
- ижтимоий қарорлар керакли вақтда қабул қилиниши ва амалга оширилиши лозим, яъни ўз вақтида бўлиши лозим.

Аграр таркиб сиёсатининг мақсади мавжуд шароит ва ишлаб чиқариш даражасига қараб белгиланади. Аграр таркиб сиёсатининг мақсади қуйидагилар асосида келиб чиқади:

- табиий шароитлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш мураккаблигига;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг кўп йиллик ишлаб чиқариш анъаналарига;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилишга;
- содир бўладиган мураккабликларга.

Ўзбекистонда аграр таркиб сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- аҳолига керакли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноати учун хом ашё етказиб беришни таъминлайдиган ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш;

- истеъмол бозорларини барқарорлаштириш;

- қишлоқ аҳолисининг ижтимоий муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш имкониятларини шакллантириш;

- аграр тармоқ самарадорлигини таъминлаш ва унинг аста-секинлик билан мамлакат иқтисодиётининг барқарор бўлишидаги ҳиссасини оширишга эришиш.

Бу мақсадларга эришиш учун қуйидаги асосий воситалардан фойдаланиш лозим:

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги мулк шакллари турларидан самарали фойдаланиш. Бунда рақобатга асосланган мулкчилик тизимидан фойдаланиш, яъни, қаерда қайси мулк шакли энг кўп самара берса, ўша ерда шу мулк шаклидан фойдаланиш тамойили асосида иш юритиш муҳим аҳамият касб этади.

2. Аҳолининг даромадларини ошишига хизмат қиладиган аграр сектордаги меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш.

3. Иш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, бу ўз навбатида меҳнат шароитлари ва уларнинг натижаларини ўзгартиради.

4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, қайта ишловчи корхоналар ишчилари ва уларни ташкил қилувчиларига тизимли равишда йўл-йўриқлар бериб бориш, шу билан биргаликда ишлаб чиқаришга кўпроқ такомиллашган ва тежамли омиллардан фойдалана бориш, маркетингни жорий қилиш.

5. Ички аграр ишлаб чиқаришни ҳимоя қилиш, молиялаштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, давлат ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш.

6. Қишлоқ ҳаёти ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши инфраструктурасини шакллантириш.

7. Аграр-саноат ишлаб чиқаришида бозор механизмини такомиллаштириш ва корхоналар рақобатбардошлигини таъминлаш.

8. Баҳо тизимини такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барча турларини самарали бўлишига эришиш, махсус фондларни ташкил қилиш орқали эса қишлоқ хўжалигининг кам самарали, ammo ҳаёт учун зарур тармоқлари ишлаб чиқаришини барқарорлигини сақлаб қолиш.

9. Қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқлари, айрим ҳудудлар ишлаб чиқариши ёки айрим қишлоқ жойларини алоҳида ёки бир бутун ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу орқали ер фондини, ер унумдорлигини, чорва моллари генетик салоҳиятини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги имкониятларини ошириш.

Аграр таркиб сиёсатида бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатади. Объектив омилларга асосан қуйидагилар киради:

- қишлоқ хўжалигини мавжудлик ва ташкил этиш хусусиятлари;
- аграр сектордаги биоклимат салоҳияти даражаси;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг катта меҳнат сиғимида эга эканлиги;
- аграр секторда бозор муносабатларининг тўла ривожланмаганлиги ва уни қишлоқ аҳолисининг қабул қилиши қийин бўлаётганлиги;
- аграр соҳа фаолиятини ташкил қилиш жараёнига давлатнинг аралашувининг зарурлиги.

Аграр таркиб сиёсатида субъектив омиллар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Субъектив омилларга кишилар, яъни ишлаб чиқарувчилар, раҳбарлар, истеъмолчилар ва бошқалар киради. Шунингдек, аграр таркиб сиёсатида қуйидаги умумий омиллар ҳам таъсир кўрсатади:

- корхона ҳажми йириклашувининг технологик самараси;
- техник ривожланиш (биологик, механик, ташкилий-техник);
- тадбиркорликнинг махсус омиллари;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш омилларини ўз вақтида таъсир кўрсатишини таъминловчи жиҳатлар;

- умумий иқтисодий ривожланиш (талабнинг ўсиши, товар ва хизматлар баҳоси);

- сиёсий ўзгаришлар.

Қишлоқ хўжалигида ҳамма вақт ташкилий-сиёсий тадбирлар даромадларнинг тақсимланишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун моддий ресурсларни турли хўжалик бўғинлари ўртасида тақсимлаш мақсади ва даромадлар сиёсати бир-бирига қарама-қарши эмас.

3. Хўжалик юритишнинг самарали шаклларини танлаш.

Мамлакат аграр сиёсатида хўжалик юритиш шаклларини танлаш иқтисодий ислохотларни хўжалик бўғинида самарали амалга ошишига олиб келади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, кўпгина мамлакатлар (асосан, ривожланган мамлакатлар) фермер хўжаликларини ривожлантиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади. Ўзбекистонда олиб борилаётган аграр сиёсат натижасида хўжалик юритишнинг бир қатор шакллари синаб кўрилди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари маълум маънода бир қатор ишлаб чиқариш шаклларини ўз фаолиятларида синаб кўришган ва хулосаларга эга бўлишган.

Биз хўжалик юритиш шакллари ҳақида яна ҳам яхшироқ хулосага эга бўлиш учун яқин ўтмишда бизнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларимиз фаолият юритган хўжалик шаклларини санаб ўтамиз:

- **давлат хўжаликлари.** Давлат хўжаликлари давлат мулкига асосланган, ишлаб чиқаришда бригада тизимида, бошқаришда яккаҳокимлик тамойилига асосланган хўжалик юритиш шаклидир. Бу хўжалик юритиш шакли ишлаб чиқарувчиларни фақат режани бажаришгагина рағбатлантиради, маҳсулот сифати, уни истеъмолчига, бозорга мос ишлаб чиқариш масалалари ишлаб чиқарувчи учун фарқсиз, айнан шу нарса ишлаб чиқарувчиларни янгиликларни жорий қилиш, ишлаб чиқаришга нисбатан онгли муносабатда бўлиш каби муносабатлардан бегона қилиб қўяди;

- **жамоа хўжаликлари.** Жамоа хўжаликлари – ер давлат мулки, ишлаб чиқариш муносабатлари жамоавий тамойилга асосланган, ишлаб чиқариш шакли бригада тизимида ташкил қилинган хўжалик юритиш шаклидир. Давлат хўжаликларидан фарқли равишда жамоа хўжаликларида жамоа аъзоси ишлаб чиқариш натижаларидан манфаатдор бўлади, лекин бунда ҳам манфаатдорлик кўп жиҳатдан режа бажарилишига боғлиқ бўлиб қолаверади, шунинг учун ҳам маҳсулот сифати иккинчи даражали масала бўлиб қолаверади.

- **шахсий (томорқа) хўжаликлар.** Бу хўжаликлар алоҳида ҳисоб-китоб счётига эга бўлмаган, кишиларнинг томорқаларида маҳсулот етиштириш тамойилига асосланган ишлаб чиқариш шаклидир. Бу хўжалик юритиш шаклининг асл мақсади қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, кишилар ўз томорқаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уй ҳайвонларини боқиш каби ишларни амалга ошириб, ўзларининг бу маҳсулотларга бўлган талабларини қондиришган, маълум ортиқча қисмини бозорда сотиб ўз эҳтиёжлари учун керак бўладиган бошқа маҳсулотлар сотиб олиш имкониятига эга бўлишган. Лекин маълум вақтларда олиб борилган нотўғри аграр сиёсат натижасида кишиларда маҳсулот етиштиришга нисбатан қизиқишлари сусайиб кетган. Масалан, 70-йилларда боғ, токзорлар ва мевали дарахтлар ҳосилига нисбатан ҳаддан зиёд ортиқча солиқ солиниши бу экинларнинг кесиб юборилишига олиб келган бўлса, 80-йиллардаги ҳар бир бош чорва моллари ва парранда учун солинган маҳсулот солиғи қишлоқ аҳолиси чорва моллари сонининг кескин камайиб кетишига олиб келди;

- **ижара хўжаликлари.** Ижара хўжаликлари Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда пайдо бўлган кооператив (жамоавий) хўжалик юритиш шаклларида ҳисобланади. Давлатдан мулк ва асосий ишлаб чиқариш воситаларини ижарага олиб бригада тизими асосида хўжалик юритиш шакли ҳисобланади;

- **халқ корпорациялари.** Мустақилликнинг дастлабки йилларида синов тариқасида ташкил қилинган бу хўжалик юритиш шакли ҳам эски давлат хўжаликлари ўрнида ташкил топган эди. Давлатдан ерни ижарага, бошқа воситаларни аста-секинлик билан маълум вақтда сотиб олишга асосланган бу хўжалик юритиш шаклига асосан ишлаб чиқариши ривожланган, шу билан бирга саноатнинг айрим тармоқларини ҳам ривожлантираётган хўжаликлар ўтказилди, аммо улар ҳам бозор иқтисодиёти қонунларига бардош бера олмади;

- **агрофирмалар.** Агрофирмалар асосан илмий-ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уруғчиликни самарали ташкил қилиш мақсадида ташкил қилинган хўжалик юритиш шаклидир. Бу хўжаликларга давлат томонидан анча енгилликлар берилган бўлиб, уларга имтиёзли кредитлар берилган, шунингдек, энг яхши шароитлар яратилган, ҳамда ишлаб чиқарилган уруғлик маҳсулотлари бошқа шаклда фаолият юритаётган хўжалик маҳсулотларидан қимматроқ баҳода сотиб олинган. Эскидан қолган психология бу хўжалик аъзоларининг ҳам қалбаки ишлашларига, яъни уруғликни етарли сифатда ишлаб чиқармасдан, паст нав маҳсулотларини юқори қилиб кўрсатишга мажбур қилди ва бу бошқа ишлаб чиқарувчиларда норозичилик келтириб чиқарди;

- **ёпиқ турдаги хиссадорлик жамиятлари.** Бу жамиятлар паст рентабелли жамоа хўжаликлари ўрнига ташкил қилинди. Аммо акцияларни жамоа аъзоларининг ўзи ҳам сотиб олишни хоҳламагач, чорвачилик комплексларини шундай жамиятларга айлантириш ва сотиш сиёсати амалга оширилди. Ҳозирги кунда бунақа жамиятлар айрим чорвачилик корхоналарида сақланиб қолган;

- **агрокомбинатлар.** Бу корхоналар ўз маҳсулотларини асосан ўзи қайта ишлаш ва сотиш, шу билан бирга ҳудудий яқин жойлашган хўжаликлар маҳсулотларининг бир қисмини ҳам шартнома асосида қайта ишлаб беришга асосланган. Бозор иқтисодиёти шароитида бу тартибдаги корхоналарнинг ҳам мавжуд бўлиши рақобатни оширишга хизмат қилган бўларди.

Биринчидан, бу корхоналар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини бозорда ўзи хоҳлаганидай сотади, иккинчидан, маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар учун ҳам рақобатчи бўлиши, ҳамда, шу асосда бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам манфаатлари маълум даражада ҳимоя қилинган бўларди. Аммо бу корхоналарни ташкил қилишнинг яна бир қийин тарафи борки, у ҳам бўлса кучли рақобат шароитида агрокомбинатлар ўз ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан йирик саноат корхоналари вужудга келтирадиган рақобатга бардош беролмаслиги ва натижада анча қийинчиликлар келиб чиқиши мумкин.

- **қишлоқ хўжалик ширкатлари.** Мулкчиликда пай усулига асосланган, меҳнатни ташкил қилишда оила пудратига асосланган йирик қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчисидир. Қишлоқ хўжалик ширкатлари йирик ишлаб чиқариш майдонларини сақлаб қолиш ва қишлоқ аҳолисининг мулкка нисбатан тасаввурини ўзгартириш учун ташкил қилинган ва фаолият юритган. Мамлакатимиз аграр сиёсатининг мақсадига кўра бу тартибдаги хўжаликлар ўрнига кейинроқ фермер хўжаликлари ташкил қилинган; аммо айрим қоракўлчилик хўжаликлари фаолият юритмоқда.

- **фермер хўжаликлари.** Фермер хўжаликлари ўз меҳнати ва ёлланма меҳнатга асосланган, банкда ҳисоб-китоб счётига эга бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи мустақил хўжалик юритиш шаклидир. Фермер хўжаликлари мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ фаолият юрита бошлаганди. Унинг дастлабки кўринишлари икки хил, яъни, мустақил фермер хўжаликлари шаклида, ҳамда, хўжаликлар ичидаги ўз ҳисоб-китоб счётига эга бўлмаган кичик фермер хўжаликлари шаклида фаолият юрита бошлади. 1998 йилдаги махсус қонун қабул қилингач, фермер хўжаликлари фақат мустақил хўжалик юритиш шакли сифатида фаолият юрита бошлади. Фермер хўжаликларининг ҳажми ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланди. 2002 йилдан бошлаб эса аста-секинлик билан фермер хўжаликларини имкон қадар йириклаштириш сиёсатини амалга ошириш бошланди. Фермер хўжаликлари олимлар ва мутахассисларнинг фикрича,

келажакда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида энг устун даражада фаолият юритадиган, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил қилиш механизмидир. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ҳам, амал қилаётган хўжалик юритиш шакллари моҳиятидан ҳам, хўжалик юритиш шакллари бўйича самарадорликни таҳлил қилиш натижасидан ҳам келиб чиққан ҳолда юқоридаги фикрга қўшилиш мумкин. Фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдонлари 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига пахтачилик ва ғаллачиликда ўртача 37 гектардан 93,7 гектаргача кўпайди ёки 2,5 баробардан зиёдрок ошди. Бу кўрсаткич сабзавотчиликда 10 гектардан 24,7 гектаргача ёки 2,5 баробар, чорвачиликда эса 154 гектардан 164,5 гектаргача кўпайди;

- **деҳқон хўжаликлари.** Деҳқон хўжаликлари - ишлаб чиқарувчининг ўзининг ва оиласининг шахсий меҳнатига асосланган, банкда ҳисоб-китоб счётига эга бўлган ёки бўлмаган мустақил хўжалик юритиш шаклидир. Деҳқон хўжаликлари ўзига ажратилган ер майдонларига асосан ўз истеъмоли учун, ортиқчасини бозорга сотиш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Деҳқон хўжаликлари ўз моҳияти жиҳатидан шахсий томорқа хўжаликларига жуда ўхшайди. Аммо деҳқон хўжаликларининг фарқи шундаки, уни юритмоқчи бўлган шахс, алоҳида янги ер майдонларига эга бўлади, умумий асослардаги солиқ тўлайди, агар хоҳласа банкда ҳисоб-китоб счётини очиб юридик шахс мақомини олиб фаолият юритиши мумкин. Деҳқон хўжаликларининг ташкил қилиниши мамлакат миқёсида қуйидаги муаммоларни ҳал қилишга анча ёрдам беради:

- ортиқча иш кучларини қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришга йўналтиради;
- қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишга кўмаклашади, яъни оила даромадини оширади;
- қишлоқ аҳолиси, шу билан бирга мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга ҳисса қўшади.

2009 йил 1 январигача шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқувчиси сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сони

1100 мингдан кўпроқни ташкил этди. Шулардан 54 минг кишига янги меҳнат дафтарчаси берилди, 111 минг фуқаронинг эса мавжуд меҳнат дафтарчасига иш стажи тегишли тартибда қайд этилди.

Аграр сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бири қишлоқ хўжалигида амал қилаётган хўжалик юритиш шаклларида энг мақбуллари танлаш ва доимий равишда такомиллаштириб боришга кўмаклашишдир. Чунки ҳаётда ҳамма нарсанинг мукаммали бўлмаганидек, маълум вақтда ҳар бир хўжалик юритиш шакли ҳам ўз камчиликларини намоён қилиб қўяди. Самарали аграр сиёсат уни ўз вақтида пайқай олиши ва керакли тадбирларни ишлаб чиқиб амалга ошира олиши лозим. Шундагина қишлоқ хўжалиги ҳам, мамлакат иқтисодиёти ҳам бир бутун ҳолда самарали ривожланади, иқтисодиёт барқарор ва мустаҳкам бўлади.

Назорат саволлари:

- 1) Ўзбекистон аграр сиёсатининг ҳуқуқий асосларини ўзгартиришга сабаб бўлган омиллар қайсилар ҳисобланади?
- 2) Ўзбекистон аграр сиёсатининг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчиларга қайси ҳужжатлар киради?
- 3) Аграр таркиб сиёсати нима?
- 4) Аграр таркиб сиёсатининг техник элементларига нималар киради?
- 5) Аграр таркиб сиёсатининг иқтисодий элементларига нималар киради?
- 6) Аграр таркиб сиёсатининг ижтимоий элементларига нималар киради?
- 7) Аграр таркиб сиёсатига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
- 8) Аграр таркиб сиёсатининг воситаларига нималар киради?
- 9) Хўжалик юритиш шакли нима?
- 10) Мамлакатимиз аграр тармоғида мавжуд хўжалик юритиш шакллари сананг ва уларни тушунтиринг.

3-мавзу. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ислохотларини чуқурлаштириш.

Асосий саволлар:

1. Ер ва сув ресурсларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тутган ўрни.
2. Ер ва сув ислохотларининг асосий йўналишлари ва уларни амалга ошириш босқичлари.
3. “Ер Кодекси”нинг моҳияти ва аҳамияти.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: ер ресурслари, сув ресурслари, ер ва сув ислохотларининг асосий йўналишлари, бонитет бали, ер сифати.

1. Ер ва сув ресурсларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тутган ўрни.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бошқа ислохотлар каторида ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этди. Чунки, ер халқ хўжалигининг барча тармоқлари тизимида, шунингдек, қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштиришда асосий восита ва манба ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг Ер фонди 44413,3 минг гектарни ташкил қилади. Бу майдоннинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган қисми 25 млн. гектардан ошиқроқни ташкил қилади. Шундан, қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган, яъни, суғориладиган майдонлар 4,28 млн. гектар бўлиб, бу умумий ер майдонинг 9 фоизини ташкил қилади.

Тупроқнинг табиий унумдорлиги, суғориладиган ерларнинг унумдорлик бўйича салоҳияти ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олиниб, мамлакатимизда суғориладиган ерлар сифати жиҳатидан ўнта синфга бўлинган, улар ўз навбатида 5 та қишлоқ хўжалиги кадастр гуруҳларига бўлинган.

Кейинги йилларда тупроқ хариталари ва тупроқ бонитировкасига тузатишлар киритиш натижаси шуни кўрсатадики, ерларнинг сифат даражаси

анча ёмонлашган, тупроқларнинг шўрланиш даражаси, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши жараёнлари давом этмоқда, сув ва шамол эрозияси ривожланмоқда. Охириги йилларда ерларнинг сифати анча ўзгарди. 1990 йилга нисбатан Самарқандда 10 балл (67-57), Фарғонада 10 балл (66-56), Сурхондарёда 8 балл (68-60), Навоийда 7 балл (59-52), Наманганда 7 балл (66-59), Тошкентда 7 балл (66-59), Сирдарёда 4 балл (53-49) ва бошқа вилоятларда ҳам сезиларли даражада пасайди. Тўртинчи ва бешинчи кадастр гуруҳларига кирувчи, бонитет баллари 60 баллдан юқори бўлган энг қиммат ерлар миқдори 10,4 фоизга қисқарди, шундан тўртинчи гуруҳ ерлари 4,9 фоизга ва бешинчи гуруҳ ерлари 5,5 фоизга камайди ва табиий ҳолатда паст балли ерлар миқдори эса ошди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ер билан бир қаторда сув ресурсларининг ҳолати ҳам катта таъсир кўрсатади. Ўзбекистон шароитида сув ресурсларининг энг катта истеъмолчиси - бу суғориладиган деҳқончиликдир.

Умуман олганда, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида мавжуд сув ресурслари 133,6 куб км.ни ташкил қилади. Бунинг мамлакатимизга тўғри келадигани 72,4 куб км. бўлиб, шундан 61,1 куб км. суғоришга ва 11, 3 куб км. бошқа истеъмолчиларга сарф қилинмоқда.

Сув ресурслари миллий ва транс чегара сувларига бўлинади. Миллий сув ресурслари ўз ичига маҳаллий дарё сувлари, ер ости ва қайтиб келадиган сувлардан, шунингдек, бир мамлакат чегарасида пайдо бўладиган сувлардан иборат бўлади. Транс чегара сув ресурслари – булар икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар ҳудудида жойлашган, гидравлик транс чегара дарёлари билан боғланган, шунингдек, сунъий сув ҳавзалари ҳисобланади. Мамлакатимизда мавжуд ер ва сув ресурсларининг ҳолати ва сифати бу ресурслардан имкон қадар тежаб-тергаб фойдаланишни тақозо қилади.

2. Ер ва сув ислохотларининг асосий йўналишлари ва уларни амалга ошириш босқичлари.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ерларининг кўпгина қисми мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва қайта тиклашга муҳтождир. Шу каби бир қатор ҳолатлар ва сабаблар ер-сув ислохотларини амалга оширишни тақозо қилади. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ислохотларини қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- ер ресурсларига нисбатан мулк муносабатларини такомиллаштириш. Бунда ерни ҳақиқий эгаларига бериш, яъни, ердан ким энг самарали фойдалана олса ўшаларга бериш масаласи бош масала қилиб қўйилди ва бу аста-секинлик билан амалга оширилмоқда;

- ер ресурсларини баҳолаш ва қайта баҳолаш. Бу масалада мамлакатимизнинг кейинги йилларда ернинг сифат даражасини ўрганиш ердан олинадиган тўловлар миқдорини тўғри ташкил қилиниши ва ишлаб чиқарувчилардан бозор қонунларига мос ҳолда фаолият юритишларини таъминлаш мақсади бош масала қилиб қўйилади;

- ер ресурслари сифатини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва реконструкциялаш ишлари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишга ва шу билан бирга ер сифатини доимийлигини сақлаб қолишга ҳам асос бўлади;

- сув таъминотини яхшилаш ва сув иншоотларини яхшилаш тадбирлари. Бу соҳада мамлакатимизда ошиб бораётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб миқдорини қондиришга асос бўладиган экинларни сув таъминоти билан яхшилаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу соҳада янги сув иншоотларини қуриш ва мавжуд сув етказиб берувчи иншоотларини таъмирлаш ишларини келтиришимиз мумкин;

- сув ресурсларини тежаш тадбирлари. Бу тадбирлар сирасига қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини қайта кўриб чиқиш ва кам сув талаб қиладиган экинлар миқдорини ошириш, кам сув талаб қиладиган қишлоқ

хўжалик экинлари навларини яратишга ва амалда тадбиқ қилишга ҳаракат қилиш, мавжуд сув ресурсларини беҳуда сарф қилмасликка оид тадбирларни киритишимиз мумкин.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ер ва сув ислоҳотларининг амалда яхши натижаларни бериши учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини мамлакат бўйича қандай амалга оширилаётганлигини ва қандай самара бераётганлигини билиш учун мониторингни доимий амалга ошириш ва оммага эълон қилиш, шунингдек, ерларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш;

- қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни экинлар таркибини қайта қуриш асосига қайта қуриш, қишлоқ хўжалигида ер тузишни ихтисослаштириш;

- давлат фискал сиёсатини қишлоқ хўжалигига тааллуқли қисмини қайта кўриб чиқиш;

- ер участкаларига доир битимлар тузиш (ер участкаларини аукцион асосида кишиларга сотиш ва шу каби бир қатор масалаларни аниқ ҳужжатлар асосида расмийлаштириш ва шу асосида ишлаб чиқарувчиларда мулк муносабатлари масаласида ишонч уйғотиш);

- давлат кадастрлари ягона тизимини барпо қилиш, барча соҳаларда кадастр тизимини юритишни йўлга қўйиш;

- деҳқон, фермер ва бошқа турдаги хўжаликларда ерга эгалик ҳуқуқини тўла реализация қилиш имкониятларини таъминлаш;

- мамлакат сув хўжалиги ва иқтисодий инфратузилмани хавфсизлиги даражасини ўрта ва узоқ муддатли таъминлаш. Бунинг учун қўшимча сув омборлари қуриш ва сув чиқариш иншоотларини такомиллаштириш;

- сувни тежашнинг бошқа асосий захираси иқтисодий асосланган сув бериш тартибига ўтиш;

- иқтисодий жиҳатдан экин структурасини такомиллаштириш асосида мавжуд сув ресурсларини тежаб ишлатиш;

- сувни тежамли ва самарали ишлатишни рағбатлантириш;
- асосланган сув истеъмоли лимитини аниқлаш ва унга риоя этилишини назорат қилиш.

Юқорида қайд қилинган ва бошқа ижобий тадбирларни амалга ошириш, шубҳасиз, мамлакатимизда ер ва сув ислохотларини самарали бўлишини таъминлайди.

3. “Ер Кодекси”нинг моҳияти ва аҳамияти.

Мамлакатимиз ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш ва бу соҳадаги ислохотларни самарали боришини таъминлаш кўп жиҳатдан унинг ҳуқуқий асоси бўлмиш “Ер Кодекси” ва “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун”нинг жойларда тўғри йўлга қўйилиши билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер Кодекси” 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган. У ўзида 14 та боб, 91 та моддани қамраб олади ҳамда мамлакатимизда ер ва ер билан боғлиқ муносабатларни кенг қамровли очиб беради. Ундаги бўлимлар куйидагича номланади:

1-боб. Умумий қоидалар.

2-боб. Ер фонди.

3-боб. Ер тузиш.

4-боб. Ерга бўлган мулкчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари.

5-боб. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

6-боб. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар.

7-боб. Аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари.

8-боб. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар.

9-боб. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ерлар.

10-боб. Ўрмон фонди, сув фонди ерлари ва захира ерлар.

11-боб. Ерларни муҳофаза қилиш.

12-боб. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назорат.

13-боб. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш.

14-боб. Ер хусусидаги низоларни ҳал этиш ҳамда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Назорат саволлари:

- 1) Ер ва сув ресурсларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тутган ўрни нима билан белгиланади?
- 2) Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер ресурслари ҳолатини қандай баҳолайсиз?
- 3) Мамлакатимизда фойдаланиладиган сув ресурслари қандай манбалар ҳисобига шаклланади?
- 4) Ер ва сув ислоҳотларининг асосий йўналишлари қайсилар?
- 5) “Ер Кодекси”нинг моҳияти ва аҳамияти нималарда ўз аксини топади?

4-мавзу. Ишлаб чиқариш сиёсати.

Асосий саволлар:

1. Ишлаб чиқариш сиёсатининг моҳияти ва вазифалари.
2. Фойда ва харажатлар функциялари, уларнинг аграр сиёсатга таъсири.
3. Технологик сиёсат: зарурияти, тамойиллари, ривожлантириш йўналишлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш функцияси, фойда функцияси, харажатлар функцияси, минимал харажатлар функцияси, технология, технологик сиёсат, технологик сиёсат тамойиллари.

1. Ишлаб чиқариш сиёсатининг моҳияти ва вазифалари.

Ишлаб чиқариш сиёсати деганда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш стратегиясини танлаш, уни амалга ошириш ҳамда унга таъсир кўрсатувчи воситалар тушунилади. Ишлаб чиқариш сиёсатини тўғри танлаш зарурияти қуйидаги шартлардан келиб чиқади:

- қишлоқ хўжалиги соҳасининг табиий шароитларга ўта боғлиқ эканлигидан;
- озиқ- овқат маҳсулотларига талабнинг кам эластиклигидан;
- айланма маблағларнинг айланиш тезлиги пастлигидан;
- даромад даражасининг пастлигидан;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий таркибнинг янгиланишига эҳтиёжнинг кучлилигидан.

Ишлаб чиқариш сиёсати, бир томондан, қишлоқ хўжалик иқтисодиётини барқарорлаштиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини ҳам таъминлашга хизмат қилиши керак. Ишлаб чиқариш сиёсатини белгиланаётганда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишловчи саноат учун эса хом ашё етиштириш манбаси эканлигини ҳам унутмаслик керак.

Ишлаб чиқариш сиёсати юқоридагиларни ҳисобга олган ишлаб чиқарувчи, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиси ўз фаолиятида нималарни эътиборга олиши лозимлигини баён қилиши керак. Демак, ишлаб чиқариш сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- ишлаб чиқарувчига ўз фаолиятидан фойда олишини таъминлаши лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхона фойда олиб ишлаши лозим, акс ҳолда ўз фаолиятини тўхтатишига тўғри келади. Шу билан биргаликда фойда миқдорини имкон қадар кўпайтириш йўллари хам ишлаб чиқариш сиёсатини белгилаш орқали таъминлаши лозим;

- харажатларлар функциясини ишлаб чиқиш. Бунда харажатлар, уларнинг ўзгариш имкониятлари, ишлаб чиқариш ресурслари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳоларидаги мумкин бўлган ўзгаришлар ва уларнинг харажатларга ва ишлаб чиқаришга таъсирини аниқлаш;

- талабга мос ҳолда таклиф миқдорини аниқлаш ва ишлаб чиқарувчиларга тавсия қилиш. Баҳо ўзгаришларининг талаб ва таклифга таъсирини аниқлаш ва ундаги ўзгаришларга тайёр турган ҳолда керакли вақтда керакли тадбирни амалга ошириш;

- истеъмол бозорини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш ва унинг талабга мослигини таъминлаш;

- қишлоқ аҳолисини турмуш даражасини яхшилаш масаласини ҳал қилишга эришиш;

- қишлоқ хўжалигида ва у билан боғлиқ соҳалардаги технологик жараёнларни тўғри бошқариш, технологик жараёнларнинг энг самаралиларини танлаш ва амалга ошириш;

- фойда ва харажатлар, баҳо ўзгаришларига мос ҳолда эластик ҳаракат қилиш ва такрор ишлаб чиқариш қобилиятини сақлаб қолишга эришиш.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш сиёсатини белгилаш ва тартибга солишда давлатнинг ҳам роли ва таъсири бўлиши лозим. Аграр ишлаб

чиқаришни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатининг устувор вазифаларига қуйидагилар киради:

- мақсадли тизимлардан фойдаланиб тармоқлараро иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш;
- маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни ички бозорда импорт сиқувларидан ҳимоялаш;
- эркин бозорда сотилмай қолган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишни ва гаровни ташкил қилиш;
- молиялаштиришнинг самарали лойиҳаларини дастурли-мақсадли механизмдан фойдаланиш ҳамда киритилган молия-кредит тизимини яхшилаш;
- лизинг асосида техника ва ускуналарни етказиб беришни давлат ва маҳаллий бюджетдан молиявий қўллаб - қувватлаш;
- мамлакат миқёсида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, хом-ашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб беришни ягона қонуний асосларини яратиш;
- бозор инфратузилмасини тезроқ ривожланиши ва ҳаракат қилиши учун ташкилий ва молиявий асосларни яратиш, шу билан биргаликда йирик улгуржи озиқ-овқат, кичик маҳаллий бозорлар, товар биржалари, аукционлар, ярмаркалар ва бошқа турдаги улгуржи ва чакана савдо турларини бевосита ишлаб чиқарувчилар чиқа оладиган асосда ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги учун керак бўладиган саноат воситаларининг МДХ давлатлари бўйича “умумий бозор” ни яратиш.

2. Фойда ва харажатлар функциялари, уларнинг аграр сиёсатга таъсири.

Ишлаб чиқариш сиёсатини белгилашда фойда ва харажатлар функциялари муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий таълимотлардан

маълумки, харажатларсиз ишлаб чиқаришнинг ўзи бўлиши мумкин эмас, фойда олмасдан фаолият юритишни эса бозор қонунлари тан олмайди.

Ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз фойдасини оширишни бош масала қилиб қўяди, бозордаги эҳтиёж ва технология эса чекланган. Бундан ташқари, барча харажатлар(меҳнат, ер ва капитал) ўрнатилган, яъни ўзгармас бўлади. Демак, қишлоқ хўжалигига тегишли бўлган ва бўлмаган капитал, ер ва меҳнат миқдори ҳамда уларнинг уй хўжалигидаги манбалари ўзгармасдир. Бундан келиб чиқиб, фермер қисқа муддатли фойдасини максимум қилишга ҳаракат қилади. Узоқ муддатли фойдани максимумлаштириш ҳолатида ишлаб чиқарувчи омилга қилган харажатларини бошқариши мумкин. Технологик чегара кўрсатишича, ишлаб чиқарувчининг технологик имкониятлари фойдани максимумлаштириш учун етарли эмас. Технология харажатларни маҳсулотга айлантириш воситаси ҳисобланади. Аммо ресурслар ва маҳсулот баҳосини технология эмас, балки бозор чегаралари белгилайди. Демак, баҳони ўрнатиш мумкин эмас. Фойдани максимумлаштириш жараёни натижаси(маҳсулот қиймати минус ўзгарувчан харажатлар ёки технологияни қўллаш харажатлари ва баҳоси) фойданинг қисқа муддатли ва чегараланган функциясини беради. Бу функция тўлалигича барча омиллар миқдори, баҳо функцияси ва ўзгарувчан харажатларни рағбатлантиради. Фойда функцияси қуйидагича ҳисобланади:

$$p(p_1, \dots, p_N, w_1, \dots, w_M, z_1, \dots, z_K) = \max_{x, y} \left\{ \sum_{n=1}^N p_n y_n - \sum_{m=1}^M w_m x_m / T(x, y, z), p > 0, w > 0 \right\} \quad (1)$$

бу ерда:

$p(\dots)$: - қисқа муддатли ёки чекланган фойда функцияси,

p_i : - (i) маҳсулот баҳоси,

w_j : - (j) ўзгарувчан харажат миқдори,

z_k : - харажат қилинган (k) омил миқдори,

$T(x, y, z)$: - технологик танлов: ўзгарувчан харажатлар, ўзгармас харажатлар ва маҳсулотнинг имконий комбинацияси,

x, y, z : - ўзгарувчан харажатлар, ўзгармас харажатлар ва маҳсулотнинг мос равишдаги вектори.

Фойда функциясининг бир нечта танланган хусусиятлари:

- Маҳсулотнинг баҳоси камаймайдиган, харажатлар баҳоси эса ошмайдиган ҳолатга эришиш (агар маҳсулот баҳоси ошганлигидан фойда миқдори ошса, харажат омиллари баҳоси пасайишидан ҳам фойда миқдори ошади).

- Соф фойда келтирадиган баҳо тизимини бир поғонали жойлаштириш. $p(tp) = tp(p)$ барча $t > 0$ учун. (Бу шуни англатадики, t - эркин сон билан барча турдаги баҳоларнинг ошиши фойдани ҳам t га кўпайишига олиб келади).

- Соф маҳсулотлар баҳосидаги даврий (бунда аввал ошиб кейин тушиш) ўзгаришлар. Олайлик, $p'' = tp + (1-t)p'$, $0 \leq t \leq 1$ учун. Унда $p(p'') \leq tp(p) + (1-t)p'$. Соф маҳсулотлар баҳосидаги даврий ўзгаришлар шуни кўрсатадики, агар маҳсулотлар баҳоси ошса фойданинг ошиши паст даражада бўлади. Ресурслар баҳосининг айланиши шуни кўрсатадики, ресурслар баҳосининг пасайиши ҳам фойда даражасининг пасайишига олиб келади.

- Соф баҳоларнинг доимийлигини сақлаш. Бу хосса бир қатор кўрсаткичларнинг одатда бир хил бўлишига эришишни тақозо қилади (масалан, талаб ва таклифни).

Фойда функциясини максималлаштириш жараёни яратилган маҳсулот қиймати ва **харажатлар функцияси** ўртасидаги фарқдан иборат бўлади. Минимал харажатлар функцияси минимум қийматда керакли маҳсулотни u (игрек) даражада ишлаб чиқаришни тақозо қилади. Харажатлар функцияси, агар маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси ёки технология доимий қайтимга асосланган ўлчамга эга бўлганда жуда фойдали концепциялардан биридир. Технологик жараёнлар шароитида хўжалик учун унинг ишлаб чиқариш

даражаси аҳамиятсиз бўлади, бундан эса янги корхоналар ишлаб чиқаришга кўшилиши натижасида фойда барибир нолга тенг бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам фойда функцияси аниқланмай қолади. Қисқа муддатли фойда функциясини қуйидаги кўринишда бериш мумкин:

$$p(p, w, z) = \max_y \left\{ \sum_{n=1}^N p_n, y_n - C(y, w, z) / p > 0, w > 0 \right\} \quad (2)$$

бу ерда:

$C(y, w, z)$ - харажатлар функцияси.

Бундан, харажатлар функцияси қуйидагича топилган:

$$C(y, w, z) = \min_x \left\{ \sum_{m=1}^M w_m, x_m : T(x, y, z), w > 0 \right\}$$

Харажатлар функциясининг бир қатор муҳим хусусиятлари:

- Ресурслар баҳолари камаювчи эмас (агар ресурслар баҳолари ошса, харажатлар ҳам ошади).
- Соф фойда келтирадиган баҳо тизимини бир поғонали жойлаштириш. $C(t, w, y) = tC(w, y)$ барча $t > 0$ ҳолатлар учун. (Бу шуни англатадики, агар барча баҳолар (t) га ошса, харажатлар ҳам (t) га ошади).
- Омиллар баҳосидаги даврий (бунда аввал тушиб, кейин ошади) ўзгаришлар. Олайлик, $w'' = tw + (1-t)w'$ барча $0 \leq t \leq 1$ учун. Унда $C(w'', y) \geq tC(w, y) + (1-t)C(w', y)$. Омиллар баҳосида ўзгариш шуни кўрсатадики, агар омиллар баҳоси ошса харажатлар ҳам ошади.
- Омиллар баҳосидаги узлуксизлик. Бу хосса шуни кўрсатадики, бир қатор баҳолар ҳам одатда ягона натижага олиб келади.

Фойда ва харажатлар функциялари ишлаб чиқариш сиёсатини белгилашнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Фойда миқдорини белгилаш ва шу асосда ҳаракат қилиш қишлоқ хўжалик корхонасининг келгусидаги

фаолиятини кенгайтирилган ҳолда ёки ҳеч бўлмаганда ҳозирги ҳолатини сақлаган ҳолда давом эттириш имкониятини таъминлайди. Харажатлар функцияси эса бир томондан маҳсулотлар баҳосининг ошиб кетмаслиги орқали маҳсулотни бозорда мустаҳкам жойлаштириш, тезроқ сотиш, шунингдек, рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилса, иккинчи томондан, айнан, харажатлар фойда миқдорининг қай даражада бўлишини таъминлайди ва уни оширишга таъсир кўрсатувчи асосий омил ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда фойда ва харажатлар ишлаб чиқариш сиёсатини белгиловчи асосий мезонлар ҳисобланади.

3. Технологик сиёсат: зарурияти, тамойиллари, ривожлантириш йўналишлари.

Агросаноат мажмуини самарали ривожлантиришга сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни таъминлаш билан биргаликда техник қайта қуроллантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги техник қуролланиш ва технология нуқтаи-назаридан фан янгиликлари ва жаҳондаги ривожланган мамлакатлар даражасидан анча орқада қолиб кетган. Фанда яратилаётган илмий янгиликлар аксари ҳолатда ишлаб чиқаришгача секин етиб борди. Натижада, агросаноат маҳсулотларига ҳаддан зиёд ортиқча харажатлар ва вақт сарфланади, айнан шу нарса ишлаб чиқариш натижасидан келадиган даромадларнинг пасайиши ва маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқишига ҳам тўсиқ бўлади. Бундан ташқари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатига ҳам таъсир кўрсатапти. Шунинг учун ҳам **технологик сиёсат** ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш сиёсатини тўла амалга ошириш гарови ҳисобланади.

Янги ишлаб чиқариш шароитларида барча тармоқлар сингари аграр тармоқда ҳам ишлаб чиқариш ва технологик сиёсатни илмий-техника тараққиёти асосида шаклланади ва ривожлантирилади. Турли иқтисодий шароитларда технология ривожланиш даражаси ва технологик укладлар деб

номланувчи маълум даврларда ривожланиши ва шаклланиши. **Турли технологик укладлар** қуйидаги турларга бўлинади.

1. **Биринчи технологик уклад (1785-1835 йй)**. Текстил саноатидаги янги технологиялар ва сув энергиясидан фойдаланишга асосланган.

2. **Иккинчи технологик уклад (1830-1880 йй)**. Темир йўл транспортининг ривожланиши ва буғ двигателидан фойдаланишга асосланган ишлаб чиқаришни механизациялаштириш билан боғлиқ. Кичик фирмалар билан биргаликда мингдан ортиқ ишчиларга эга бўлган катта корхоналар ривожланган тадбиркорликнинг янги шакллари пайдо бўлди, кўпгина ҳиссадорлик жамиятлари пайдо бўлди.

3. **Учинчи технологик уклад (1880-1940 йй)**. Электр энергиясидан фойдаланиш, оғир машинасозлик ва электротехника саноатини ривожланиши, химия соҳасидаги янги кашфиётларга асосланади. Бозорда ҳукмронлик ҳолатини монополия ва олигополия эгаллади. Банк ва саноат капиталининг йириклашуви ва марказлашуви вужудга келди, уларнинг бирлашуви ва қўшилиши натижасида молия капитали пайдо бўлди. Биринчи жаҳон урушидан кейин давлат бу жараёнларда фаол иштирок этди.

4. **Тўртинчи технологик уклад (1940-1985 йй)**. Нефт, нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишга асосланган энергетиканинг ривожланиши, алоқа воситаларининг ривожланиши, янги синтетик материалларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Компьютерлар ва уларнинг дастур маҳсулотлари, радарлар, ҳарбий ва тинчлик мақсадларида атомдан фойдаланиш пайдо бўлди ва кенг тарқалди. Бозор учун олигополистик рақобат ҳосилдир, трансмиллий банклар пайдо бўлди ва ўсиб борди. Ишлаб чиқариш, айирбошлаш, мулкчилик муносабатлари байналминал доирага эга бўлди.

5. **Бешинчи технологик уклад** 90 - йилларда шаклланиди. Унинг асоси бўлиб микроэлектроника, информатика, биотехнология, ген инженерияси, энергиянинг янги турлари, космик фазони эгаллаш, спутникли алоқалар соҳасидаги ютуқлар ҳисобланади. Бу технологик ютуқлар турли тарқоқ

фирмаларни йирик ва кичик корхоналарни бирлашган электрон тўрли ягона занжирига ўтишига, инвестицияларни қаттиқ ўзаро алоқаларга асосланишига ҳамда товар етказиб беришни «аниқ муддатда» тамойили асосида қуришга асос бўлди.

Ишлаб чиқариш сиёсатини белгилашда илмий-техника тараққиёти муҳим аҳамият касб этади. Илмий-техника тараққиёти асосида ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёти ётади. Ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёти эса ўзида тўртта босқични қамраб олади:

- **табiiй-техник босқич**, ишлаб чиқаришнинг дастлабки умумлашган усуллари пайдо бўлиши ва дастлабки босқичларига тўғри келадиган, яъни меҳнат воситаси сифатида табиат предметларининг оддий ишланган турлари хизмат қилган (таёқ, тош, суяк);

- **техник босқич**, кўмирдан фойдаланиш ва меҳнат қуролларини металллардан (мис, бронза, темир) тайёрлаш билан боғлиқ ва ишлаб чиқаришнинг дастлабки-умумлашган усулининг тарқалиши ва ривожланишининг юқори даражасини қамраб олган давр, қулдорлик ва феодалчилик асосида ишлаб чиқариш усуллари;

- **илмий-техник босқич**, феодализм даврида пайдо бўлди ва капитализмда ялпи тус олди. У тажрибавий билимларнинг илмийга айланишини ифодалайди, улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш XVII аср охири - XIX аср бошларида техник ва саноат ютуқларини олиб келди, у йирик машинали ишлаб чиқаришни вужудга келтирди, ўз навбатида бу капитализмнинг моддий-техникавий базасининг асоси ҳисобланди;

- **илмий-техника революцияси босқичи**, XX асрнинг 50 йилларида бошланди, табиатшуносликдаги фундаментал тадқиқотлар ва улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш жамиятдаги ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда принципал сифат сакрашига сабаб бўлди, бу ўз навбатида жамият ишлаб чиқариш кучларининг барча компонентлари ривожлантириши, ишлаб чиқаришни автоматлаштиришга тўртки бўлди. Фан бевосита жамиятнинг ишлаб чиқариш кучига айланиб қолди.

Илмий –техника тараққиётининг объектив омиллари:

- жамиятчилик муносабатлари, улар асосида моддий ва рухий ишлаб чиқариш пайдо бўлади, жумладан, билим олиш ва улардан фойдаланиш;
- фан ва техникани ривожлантириш қонуниятлари;
- билиш воситаларининг ривожланиш даражаси (назария, экспериментал ва тажриба базалари, ускуналар);

Илмий –техника тараққиётининг субъектив омиллари:

- билим ва техник ижод субъектлари (олимлар, инженерлар, конструкторлар, ишчи-яратувчилар, уларнинг расмий ва норасмий ташкилотлари);
- илмий ижод қилувчиларнинг дунёқараши ва психологияси.

Илмий –техника тараққиёти қуйидаги қисмлардан ташкил топган:

- фан;
- илмий ишлаб чиқариш;
- техника;

Илмий –техника тараққиётининг таъсирида ижтимоий ишлаб чиқариш босқичларининг таркибий сифат ўзгариши.

Босқич	ИТТ таъсирида ижтимоий ишлаб чиқариш босқичининг мазмуни
Ишлаб чиқариш	ИТТ ишлаб чиқариш технологик усуллари барча томонларини қайта шакллантиради. Замонавий ИТТнинг тизимли ва мажмуавийлиги шунда намён бўладики, у ишлаб чиқариш жараёнларида бошидан охиригача ёрдамчи ишларни ҳам қамраб олган ҳолда қайта шакллантирилади. Меҳнат предметлари тавсифида туб ўзгаришлар пайдо бўлди. Турли хусусиятга эга бўлган сунъий ва синтетик материалларнинг кўплаб шакллари яратилади. Ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган ва шахсий омиллари ўзгариши баробарида, ИТТ ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил қилиш бўйича ҳам радикал ўзгаришларни шарт қилиб қўяди.
Тақсимот	ИТТ ишлаб чиқариш таркибига, ишлаб чиқариш маблағларининг тақсимоти ва мос равишда ишлаб чиқариш соҳалари ва тармоқларига таъсир кўрсатади. Аста-секинлик билан ресурсларнинг қатта қисми юқори технологияли, илмий ҳажмли тармоқларига оқа бошлайди. Меҳнат маҳсулини турли индивидуумлар ўртасида тақсимланиши ИТТ шароитида илмий асосда амалга ошади, бу ўз навбатида ишлаб чиқаришга ижобий таъсир кўрсатади.

Айирбош -лаш	Айирбошлаш, тақсимот сингари, ишлаб чиқаришда ҳам, ундан ташқарида ҳам амалга ошади, шу асосда товар харакатининг мустақил функциясини намоён қилади. Биринчи ҳолатда, яъни фаолият ва имкониятларни айирбошлашда гап ишлаб чиқариш операцияларини бажариш кетма-кетлиги билан боғлиқ ишловчилар ўртасидаги муносабатлар ҳақида боради. Ишлаб чиқаришга юқори технологиялардан фойдаланиш, мураккаб техникаларда ишловчилар ўртасида айирбошлаш жараёнларини чуқурлаштириш ва ихтисослашувини кенгайтиришга олиб келади. Иккинчи ҳолатда, маҳсулотларни айирбошлаш тақсимот томонидан ўрнатилган улушлар бўйича ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасига, унинг ҳар бир звеносига маълум манфаатларни келтириши лозим. Кўпгина иқтисодий жараёнларнинг ахборотлашуви алоҳида хўжалик субъектлари ўртасида технологик занжирдаги узилишларни йўқотишда келишувларни таъминлайди, бунда мавжуд маҳсулотни янги имконий етказувчиларни излашдан фойдаланилади.
Истеъмол	ИТТ таъсирида истеъмол ижтимоий ишлаб чиқаришнинг якуний босқичи сифатида муҳим аҳамият касб этади. Истеъмол, ишлаб чиқариш ва шахсий турда бўлишидан қатъий назар истеъмол предметларининг такомиллашиши даражасида такомиллашади. Истеъмол усули ўзгаради, истеъмолнинг асосий мақсади ўзгаради. У фақатгина такрор ишлаб чиқариш ролини бажарибгина қолмайди. ИТТ истеъмолчиларни устувор танловларини янада сифатли, тежамкор маҳсулот томон ўзгартириш имконини яратади.

Технологик сиёсат деганда, товар ишлаб чиқарувчи томонидан ўз ишлаб чиқаришини ташкил қилиши учун зарур бўладиган техника, воситалар ҳамда технологияни танлаш, уни замон талабига мос равишда ўзгартириб бориш тушунилади. Ишлаб чиқариш шароитида янги технологик сиёсат қўйидаги тамойилларга асосланган бўлиши лозим:

- **экологик соф бўлишлик.** Қишлоқ хўжалиги технологияси экологик жихатдан соф бўлиши лозим, чунки жаҳон миқёсида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экологик тоза ишлаб чиқариш сиёсати қўлланила бошланганига анча бўлди, бозор шуни талаб қилгач, ишлаб чиқариш ҳам шунга мос бўлиши лозим;

- **мослашувчанлик.** Технология агросаноат ишлаб чиқаришининг турли даражаларига қўллай олинishi, ишлаб чиқариш-ресурслар салоҳияти ва турли шаклдаги амалдаги меҳнатни ташкил қилиш шаклларига мослашган бўлиши лозим;

- **бир неча вариантлик.** Технология сиёсати ҳамма вақтда бир неча вариантдаги технологияларнинг мавжудлигини таъминлаши лозим;

- **сифатнинг кафолатланганлиги.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси, машиналар, давлат, маҳаллий ва бошқа шу каби ваколатли ташкилотлар томонидан сифати текширилиб, сертификатлаштирилган бўлиши керак;

- **ташкилий қулайлик.** Технология илмий-техника тараққиёти ютуқларини қамраб олган ва интенсив бўлиши ҳамда ташкилий жиҳатдан қулайлигини кўрсата олиши керак.

Технологияларни янгилаш ва янги техникани ишлаб чиқаришга жорий қилишда зарурий шарт-шароитларни яратиш агросаноат мажмуини қайта қуроллантириш асосида амалга оширилади. Технологик ўзгаришлар ва уларга ишлаб чиқарувчиларнинг доимий равишда тайёр бўлишларига мос тадбирлар ишлаб чиқиш аграр сиёсатда муҳим аҳамият касб этади. Илмий-техник тараққиёт натижаларини ва замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга қўллаб бориш учун ривожланган мамлакатларда бир қатор марказлар хизматларидан фойдаланилади. Мисол тариқасида, Дания, Россия каби мамлакатларда улар Ахборот Консултатив Марказлари деб аталса, Голландияда Илмий Ривожлантириш ва Тадқиқотлар Маркази деб аталадиган марказлар фаолиятдан фойдаланилади. Бунақа марказларда маълум тоифадаги мутахассислар фаолият юритади, улар илмий муассасалар билан ҳамкорликда иш олиб боришади ва қуйидаги ишларни амалга оширади:

- тажриба ва ишлаб чиқариш далаларида янги яратилган технологияларни намойиш қилиш;

- товар ишлаб чиқарувчиларни ўқитиш;

- йўл-йўриқлар бериш;

- жойларда амалий ёрдамлар кўрсатиш.

Марказлар томонидан илмий-техника янгиликларини намойиш қилиш кўргазмалари, мутахассисларни ўқитиш курслари, доимий йўл-йўриқ

марказлари, компьютерлашган ахборот тизимлари ташкил қилинади. Улар томонидан реклама ва маркетинг технологиялари, техника, ускуналар, уруғ, ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ташкил қилинади, сармоядорлар фаолияти тартибга солинади. Шунинг билан биргаликда марказ бевосита қуйидаги фаолиятларни ҳам амалга оширади:

- товар ишлаб чиқарувчиларга хорижий ва маҳаллий фирмалар томонидан таклиф қилинаётган хизматларни танлаб олишга ёрдам беради;

- маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режа, лойиҳалар, технологияларни моддий-техник таъминотини молиявий ва ташкилий жиҳатларини ишлаб чиқади;

- маҳсулотлар бозори конъюктурасини ўрганишнинг ахборот тизимини яратади;

- технологияларнинг халқаро лойиҳаларини амалга оширишни ташкил этади;

- тупроқшунослик қоидаларига амал қиладиган агросаноат технологияларини экологик жиҳатдан яхшилаш сиёсатини амалга оширади;

- илмий-техника маҳсулотларини ҳудудий марказлар томон йўналтиради.

Технологик сиёсатни амалга ошириш ишлаб чиқарувчилар, ҳамда ташкил қилинаётган марказларнинг салоҳиятига ҳамда уларнинг биргаликда амалга оширадиган тадбирларининг натижасига қараб самара беради. Шундай бўлсада, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, технологик сиёсатга ва унинг катта самара беришига маълум йўналишлар бўйича давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдам ҳам катта аҳамиятга эгадир. Технологик сиёсатнинг самарадорлиги ва умуман ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилишнинг давлат томонидан амалга ошириладиган тадбирларига қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқариш ресурсларига имтиёзли баҳолар;
2. Маҳсулотларни давлат томонидан харид қилиш бўйича фойдали шартномалар;

3. Имтиёзли кредитлар;

4. Консултатив ва бошқа хизматларни давлат ҳисобидан амалга ошириш.

Давлат харажатларини камайтириш ҳамда технологик жараёнларга қизиқтиришни орттириш, шунингдек ишлаб чиқаришга самарали технологияларни қўллаш мақсадида давлат томонидан технологияларни танлаб молиялаштириш сиёсатини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Технологияларни танлаб олишда мезон қилиб қўлланилаётган технология асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати, иқтисодий ва экологик кўрсаткичларнинг оптималлиги олиниши лозим. Бу сиёсатни асосан, АҚШ ўз қишлоқ хўжалигида анча йиллардан бери қўллаб яхши натижаларга эришиб келмоқда. Айнан илмий салоҳият ва ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлигининг бирлаштирилиши қишлоқ хўжалигида унумдорликнинг ошиши ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилишга асос бўлади. Шунинг учун ҳам технологик сиёсатни аграр сиёсатнинг асоси дейишди ва ҳар бир мамлакат ўз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг технологик сиёсатларини тўғри танлашлари тарафдори бўлишди.

Назорат саволлари:

- 1) Ишлаб чиқариш сиёсати деганда нима тушунилади?
- 2) Ишлаб чиқариш сиёсатини тўғри танлаш зарурияти нимадан келиб чиқади?
- 3) Ишлаб чиқариш сиёсатининг асосий вазифаларига нималар киради?
- 4) Ишлаб чиқариш сиёсатига давлатнинг таъсири нималарда намоён бўлади?
- 5) Фойда функцияси қандай аниқланади?
- 6) Харажатлар функцияси нима ва у қандай аниқланади?
- 7) Фойда ва харажатлар функцияларининг аграр сиёсатга таъсири нималарда ифодаланади?
- 8) Технологик сиёсат нима?
- 9) Янги технологик сиёсат қандай тамойилларга асосланади?
- 10) Технологик сиёсатнинг самарадорлиги қандай омилларга боғлиқ?
- 11) Технологик сиёсатни белгилашда давлатнинг роли нималарда намоён бўлади?

5-мавзу. Аграр сиёсатнинг асосий воситалари.

Асосий саволлар:

1. Аграр сиёсат воситалари ҳақида тушунча ва самарали аграр сиёсатнинг асосий мезонлари.
2. Аграр сиёсат воситаларининг асосий турлари.
3. Солиқлар ва кредит.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Аграр сиёсат воситалари, аграр сиёсат мезонлари, аграр сиёсат воситалари турлари, солиқлар, солиқ тизими, субсидиялар, кредит, кредитлаш механизми.

1. Аграр сиёсат воситалари ҳақида тушунча ва самарали аграр сиёсатнинг асосий мезонлари.

Аграр сиёсатни амалга ошириш натижалари уни амалга ошириш воситаларини қандай даражада қўллаш ва такомиллаштириш билан боғлиқдир. Шу жиҳатдан олганда, аграр сиёсатнинг воситаларини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Аграр сиёсатнинг воситалари эса бутун аграр сиёсат, шу билан бирга мамлакат миқёсидаги қишлоқ хўжалиги, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш каби қатор умумдавлат миқёсидаги муаммоларни ҳам қамраб олади.

Аграр сиёсатнинг асосий воситалари деганда аграр сиёсатни ташкил этувчи ва уни самарали ўзгартиришга ёрдамлашувчи воситалар тушунилади. Аграр сиёсатнинг асосий воситалари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- тартибга солиш;
- ахборот билан таъминланганлик, асосланганлик, қамраб олинганлик;
- технологик ва институционал ўзгаришлар;
- самарали тадбирлар;
- иқтисодий воситалар;
- хусусий қонунчилик воситалари.

Алоҳида аграр сиёсат ёки унинг бирор воситаси ҳақида ижобий ёки салбий фикр билдириш учун аввало, баҳолаш мезонларини билиш лозим.

Қайси восита қандай аҳамиятга эга, аграр сиёсатни қайси вақтда, қайси восита орқали амалга ошириш лозимлигини билиш учун қуйидаги мезонлар асосий ўрин тутади:

- **Натижавийлик.** Бир неча воситалар орқали маълум мақсадга эришиш мумкин. Бунда мақсад миқдорий жиҳатдан қўйилган бўлса, аниқлик киритиш мумкин, мана бу олинган восита, ёки бир неча восита биргаликда қўлланилса энг кўп натижа беради.

- **Самарадорлик.** Бу мезон асосан харажатлар томонидан ёндошади, яъни қўйилган мақсадга эришиш учун фойдаланиладиган воситалар қанча харажат эвазига амалга ошишини ҳисобга олади. Бу харажатлар ҳар бир воситани амалга оширувчи томониданми, ёки жамият томонидан умумий бўладими, бу ҳам аҳамият касб этади. Харажатлар ҳар қандай ҳолатда жамият манфаатларига таъсир кўрсатади. Бу харажатлар ижтимоий таъминот ва жорий харажатлардан таркиб топади. Бюджет харажатлари давлат учун аграр сиёсатни бошқариб бориш учун зарурдир.

- **Қулайлик.** Қулайлик, қўлланилаётган воситани бир қатор аграр сиёсатни белгилашда муҳим рол ўйнайдиган, кишилар томонидан яхши қабул қилинишини белгилайдиган мезондир. Масалан, профессионал экспертлар ва кенг оммани хабардор қилиш орқали жамиятни маълум сиёсатга тайёрлаб, қайси воситадан фойдаланиш лозимлигини белгилаб олиш мумкин.

- **Қонуний кучга эга эканлик.** Бу мезон икки томонлама аспектга эга. Биринчиси, кишилар айрим сиёсат натижасида юқори харажатга тушаётганликларидан ҳукуматга норозилик билдиришлари мумкин, бунинг натижасида сиёсат мақсадга мувофиқ эдими, деган мулоҳаза келиб чиқади ва бу масала судга тортадиган масала ҳисобланади. Иккинчи томондан, алоҳида шахс аграр сиёсат натижасидан норози бўлиши ва судга мурожаат қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам аграр сиёсат воситаларини танлашда ҳуқуқий асосланган воситалардан фойдаланиш, шунинг билан биргаликда

харажатларни назорат қилган ҳолда қонун-қоидаларни қўллаб-қувватлаш лозим.

- **Институционал кетма-кетликка асосланганлик.** Бу мезон аграр сиёсат воситаларини бошқа дастурлар ва қонунчилик, шунингдек жамиятнинг умумий мезонларига мос ҳолда қўллаш лозимлигини таъминлайди. Бунда даромадлар ва мулк ҳуқуқига доир ҳеч қанақа тартибсизликлар бўлмаслиги лозим.

- **Мулк ҳуқуқи ва даромадлардаги тартибсизликларнинг юқори бўлмаслиги.** Бу мезон қонун чиқарувчи гуруҳнинг ишини ҳам баҳолаб, ўзгартирилаётган сиёсатга нисбатан қўлланилаётган воситанинг ишончилигини таъминлашга асосланади, яъни қонун чиқарувчилардан муҳим самарали ишлашни талаб қилади.

2. Аграр сиёсат воситаларининг асосий турлари.

Аграр сиёсатнинг асосий воситалари юқорида санаб ўтилди. Бу воситалар фақат қишлоқ хўжалигининг ўзигагина тегишли бўлиб қолмасдан, кенг миқёсдаги диапазонни ҳам қамраб олади, лекин биз уларнинг фақат аграр сиёсат доирасида амал қиладиган жиҳатларига тўхталиб ўтамиз. Энди аграр сиёсатнинг турларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз:

- **Тартибга солиш.** Тартибга солиш асосан қабул қилинган стандартлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бу асосан, минерал ўғитлардан фойдаланиш, сотиш ва сақлашга бўлган талаблар, озиқ-овқат маҳсулотларига талаблар, ишчиларнинг ишлаш хавфсизлиги шароитларига бўлган талаблар, шунингдек, ичимлик суви ва грунт сувлари стандартлари кабиларни белгилаш ҳамда бошқариб бориш кабилар киради. Тартибга солиш, умуман олганда, белгиланган қонун-қоидалардан чекинган ишлаб чиқарувчилар фаолиятини тартибга солиш бўлиб ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, ўрнатилган жараён, одатда ахборот асосида берилади ва ишлаб чиқарувчи уни ўзлаштириб, фаолиятини унга мослаштириши лозим.

- **Ахборот билан таъминланганлик, асосланганлик, қамраб олинганлик.** Ахборот барча соҳаларда бўлгани сингари, аграр сиёсатда ҳам

асосий ўрин тутади. Олиб борилаётган сиёсатнинг моҳияти оммага етказилиши ва улар ахборотнинг ўзи билан барча тадбирларни онгли равишда амалга ошириши лозим. Бунда аҳолининг билим даражаси ва кенгайишни тушунишлари ўз хоҳишлари билан ўзгаришларни амалга оширишда асосий рол ўйнайди. Умумий ғоя кишиларни ўзгаришлар қилишга ундаши лозим.

- **Технологик ва институционал ўзгаришлар.** Технология ва институционал тадбирлар алоҳида қарор қабул қилиш учун шартларни белгилаб беради. Бу ўзгаришларни таъминлаш учун давлат доимий равишда маълум маблағларни ажратиб бориши керак бўлади. Янги самарали технологияларни қўллаш ва самарали техникани жорий қилиш зарурияти илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни тақозо қилади. Технологик ва институционал ўзгаришлар одатда доимий тартибга солиб туришни, тўғри иқтисодий барқарорлик ва яхши ахборотларни талаб қилади. Аграр сиёсатнинг технологик ва институционал ўзгаришлар воситаси ишлаб чиқарувчиларга ишлаб чиқаришнинг янги усуллари ҳақида хабар беради ва ишлаб чиқариш усулларини такомиллаштиришни ўргатади.

- **Самарали тадбирлар.** Самарали тадбирларни давлат ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқалар тарзида ҳам тушуниш мумкин. Бу воситанинг асосий вазифаси ўзаро манфаатлар доирасида шаклланган мақсадларни бирлаштириш бўлиб ҳисобланади. Агар бу мақсадлар қимматга тушадиган бўлса, унда аграр сиёсатнинг бошқа воситаларига ҳам салбий таъсир этиш хавфи бўлади, баъзан эса нимагадир ишлаб чиқарувчилар бошқа воситаларга қизиқишади ва уларга аксари ҳолларда бу қимматга тушади. Бу сиёсат воситасининг асосий камчилиги шундан иборатки, сиёсатнинг асл мақсадига эришиш воситаларидан бири бўлган алоҳида корхоналарнинг харажатлари устидан назоратнинг қийинлиги ва ахборот олишнинг қийинлиги ҳисобланади.

- **Иқтисодий воситалар.** Воситаларнинг бу категорияси иқтисодий воситаларни экологик ва бошқа мақсадларга эришиш йўлида фойдаланишда

кўлланилади. Асосий тамойил хусусий манфаатларни жамият манфаатлари асосида таъминлашга қаратилади. Иқтисодий воситаларга солиқлар, субсидиялар ва квоталар киради.

• **Хусусий қонунчилик воситалари.** Умумжамят қонуний тадбирларидан ташқари ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари ҳам қўнгилли асосдаги тадбирларни ҳам белгилашлари мумкин. Бунга мисол тариқасида минерал ўғитлар ва пестицидлардан фойдаланишни чеклаш кабиларни киритиш мумкин. Бундай тадбирларнинг йирик диапазондаги имконий тадбирлари мавжудки, улар сирасига – шартномалар, мулк ҳуқуқи ва ҳуқуқий ягоналикни яратиш кабиларни киритиш мумкин. Шартномавий келишувда қишлоқ хўжалик амалиёти аниқланиши мумкин (бир қатор қоидалар бир-бирига тўғри келиши, масалан, товар маркаси билан сотиладиган товар экологик тоза маҳсулот бўлиши каби). Хусусий қонунчилик воситалари мулк ҳуқуқи қоидаларини ҳам айрим ҳолда чеклаб ўтишга рухсат беради (масалан, фермер давлатдан ёки туристик фирмадан компенсация олиш шarti билан, туристларни ўз ерида дам олишига рухсат беради) ёки савдо маркалари ва экологик ёрлик сингари янги мулк ҳуқуқларини вужудга келтиради. Ҳуқуқий қонунчилик воситалари суд тизими орқали расмийлаштирилиши ҳам мумкин.

3. Солиқлар ва кредит.

Солиқ тизими аграр муносабатларга таъсир кўрсатишнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб, солиққа тортиш аграр сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланади. Солиқлар оптимал шаклда ва ҳажмда бўлса, кўпроқ таъсирчан ва давлатнинг бошқа молия тизимларига қараганда инфляцияга кам таъсир кўрсатади. Солиқлар макродаражада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосини тартибга солувчи восита ҳисобланади. Бундан ташқари, солиқлар бевосита қишлоқ хўжалиги корхонасининг иқтисодий ривожланишига ҳам таъсир кўрсатувчи восита ҳам ҳисобланади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, давлат солиқ тизимини тартибга солиш орқали қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ҳам тартибга сола олади.

Ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида дифференциал солиқ тизимидан фойдаланилади ва қишлоқ хўжалиги корхоналари улардан айримларини танлаш имкониятига эгадирлар. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ер солиғи тизимидан фойдаланилади.

Иқтисодий адабиётлардаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига нисбатан қўлланиладиган солиқ тизими ҳақидаги қуйидаги хусусиятларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

- тармоқ хусусиятини ҳисобга олишнинг биринчи галдаги вазифа эканлиги;
- бошқа тармоқлар билан солиштирганда солиқлар миқдорининг анча паст даражаси;
- қишлоқ хўжалиги корхонасига даромадлилигини ва инвестиция фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш;
- солиққа тортишнинг энг оддий усулларини қўллашнинг зарурлиги;
- давлатнинг марказлаштирилган фондларига тўланадиган взнослар бўйича муддати ўтган қарзларни қисқартиришга эҳтиёж.

Қишлоқ хўжалигида солиқ тизимини такомиллаштириш пировард натижада аграр сиёсатни такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш имкониятини беради. Шу жиҳатдан олганда, солиқ тизими аграр сиёсатнинг воситаси сифатида уни ривожлантириш учун ёрдам қилиши лозим.

Қишлоқ хўжалигида давлатнинг аграр сиёсатга чуқурроқ таъсир кўрсатадиган механизмларидан бири бу - кредитлаш механизмидир. Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсатида давлатнинг роли айнан кредитлаш сиёсати орқали амалга оширилади. Давлат кредитлаш сиёсатини амалга оширишда икки йўналишдаги механизмдан фойдаланади. Биринчиси, қишлоқ хўжалигида амал қиладиган кредитлаш тизими бўлса, иккинчиси, бевосита қишлоқ хўжалигини ёки унинг айрим тармоқларини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган субсидиялардан фойдаланади.

Кредит сўзма-сўз таржима қилганда (латинча “средо” сўзидан) ишонч маъносини беради. Кредитни капиталнинг бегона қўлларда айланиши деб

хам тушуниш мумкин. Ссуда молиячилар тили билан айтганда марказлаштирилган фонддир. Қишлоқ хўжалигида ссуда деганда давлат ва бошқа ҳомийликка тенглаштирилган ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган маблағ тушунилади.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида амал қилаётган кредитлаш механизмини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- тижорат банклари томонидан таклиф қилинаётган маълум фоизларга асосланган тижорат кредитлари механизми;
- давлат томонидан қишлоқ хўжалигининг айрим соҳаларини ривожлантиришга қаратилган имтиёзли кредитлаш механизми;
- ҳар хил ички ва хорижий фондлар томонидан таклиф қилинаётган қишлоқ хўжалигининг айрим соҳаларини ривожлантиришга қаратилган имтиёзли кредитлар ва бошқа кўринишдаги беғараз ёрдам кўрсатиш тизими.

Қишлоқ хўжалигида кредитлаш сиёсатини амалга оширишда жуда ҳам эҳтиёткорлик талаб этилади. Кредитлаш тўғри ва самарали амалга ошиши учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- ишлаб чиқариш жараёнининг секин айланувчанлиги;
- ички айланманинг катта улушга эга эканлиги;
- мавсумий ишлаб чиқариш заҳираларининг катта ҳажмда ташкил қилишнинг зарурлиги ва бу ўз навбатида катта ҳажмдаги маблағ сарфлашни тақозо қилади;
- аста-секинлик билан, тенг бўлмаган улушдаги харажатларнинг ўсиб бориши ва йил якунида бирдан-бир вақтда маҳсулотни сотиш шарти билан қайтиши;
- ёмон об-ҳаво ва табиий фалокатларнинг ишлаб чиқаришга катта талофат кўрсатиши, бунинг натижасида эса режалаштирилган маҳсулот олинмаслиги хавфи ҳам борлиги, бунинг учун эса суғурта тизимининг зарурлиги.

Кредитлаш механизмини ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш бугунги кунда мамлакатимиз аграр сиёсатининг олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Солиқ ва кредит тизимини қўллашнинг айрим хусусиятлари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- Солиқлар фақатгина солиқ йиғишнинг ўзи билангина чекланиб қолмасдан, балки давлат даромадларининг яратувчиси ҳам ҳисобланади. Энг яхши солиқлар шундай солиқларки, қачонки улар ҳеч бўлмаганда кичкинагина бўлсада аҳолининг турмуш даражасини оширишга самара келтирса. Агар талаб ва таклифнинг эластиклик даражаси паст бўлса бунақа товарларга солиқ миқдорини юқори қўйиш мумкин. Солиқ учун яхши объект бўладиган товарларга пиво, сигарета ва меҳнатни киритиш мумкин.

- Солиқ ва кредит моҳият нуқтаи назаридан ижтимоий таъминотга қарама-қарши воситалар ҳисобланса ҳам, умуман олганда ижтимоий таъминот яхшиланиши мумкин, мисол тариқасида мамлакатдаги экология сифатининг ошиши ҳисобига. Ижтимоий таъминотга салбий таъсир кўрсатадиган натижалар сирасига бир қатор мақсадларга эришишга қилинадиган харажатлар учун ўз вақтида пул ололмаслик кабиларни киритиш мумкин.

- Шунинг англаш лозимки, назарий жиҳатдан олганда, агар ишлаб чиқарувчилар солиқ тўлайдиган бўлса ва кредит олса ижтимоий таъминотга ҳеч қанақа таъсир кўрсатмаслиги мумкин. Бунини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$p^d = p^s + t$$

$$p^s = p^d - t$$

Бу ерда: t - солиқ миқдорини ифодалайди. Иккала формула бир-бирига боғлиқдир.

- Солиқни айнан кимга нисбатан қўллаш ва кредитни кимга бериш маъқуллигини ҳам аниқлаб олишлик муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун,

хорижий яхши истеъмолчиларни солиққа тортишнинг имконияти йўқ. Бундан ташқари, кредит беришни сут ишлаб чиқаришга бергандан кўра, пишлоқ ёки ёғ ишлаб чиқаришга берган маъқул, чунки бунда ишлаб чиқарувчиларнинг сони камроқ бўлади.

Назорат саволлари:

- 1) Аграр сиёсатнинг воситалари деганда нима тушунилади?
- 2) Аграр сиёсатнинг асосий воситалари қайсилар ҳисобланади?
- 3) Аграр сиёсат воситаларига таъриф беринг.
- 4) Аграр сиёсат воситаларини баҳоловчи мезонлар қандай вазифани бажаради?
- 5) Аграр сиёсат воситаларини баҳоловчи мезонлар қандай турларга бўлинади?
- 6) Солиқлар ва солиқ тизимига таъриф беринг.
- 7) Кредитлар ва кредитлаш механизмига таъриф беринг.
- 8) Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида солиқлар ва кредитлаш тизимини такомиллаштиришни қайси йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсиз?

6-мавзу. Квоталар.

Асосий саволлар:

1. Квоталарнинг моҳияти ва зарурияти.
2. Ишлаб чиқариш ва сотишга ўрнатиладиган квоталар.
3. Квоталарни қўллаш натижасидаги ўзгаришлар ва унга мос тадбирлар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: квота, ишлаб чиқаришга квоталар, савдога қобилиятлилиқ, импорт чекловлари, экспортни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш чекловлари, химоя воситалари.

1. Квоталарнинг моҳияти ва зарурияти.

Ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш ва бошқа кўпгина фаолиятларга нисбатан кўпгина чеклов воситаларидан фойдаланишади. Чекловлар асосан бозорни ўрганиш ва унга мос тадбирларни ишлаб чиққан ҳолда фаолият юритишни таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Давлат бир қатор сабабларга кўра қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда квоталарни қўллайди. Баъзи ҳолатларда, айниқса, қишлоқ хўжалигида квоталарни миқдорий чекловлар ҳам деб тушуниш мумкин. Қишлоқ хўжалигида таклифга нисбатан квоталар белгиланади ва у ишлаб чиқариш миқдорининг юқори даражасини белгилаб беради. Таклифга бўлган квота Европа Иттифоқи “Умумий бозор”и қишлоқ хўжалик сиёсати асосида қўлланилади ва Европа Иттифоқи бюджети харажатларини бошқаришда фойдаланилади. Мисол учун, сут ва шакар таклифига нисбатан қўлланиладиган квоталар экспорт субсидиялари харажатларини тежашга ёрдам беради. Бошқа яна бир ҳолатда, олма бозори таклифига нисбатан қўлланилган квоталар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосини қўллаб-қувватлаш мақсадига хизмат қилади, чунки ишлаб чиқаришни чеклаш, баҳосини бошқариш имкониятини яратади. Таклифга нисбатан квоталарни белгилашнинг яна бир муҳим хусусиятларидан бири, ишлаб чиқариш натижасида вужудга келадиган атроф-муҳитни ортиқча зарарлашнинг олдини ҳам олади. Масалан, Нидерландияда тупроқнинг таркибида азот ва фосфор миқдорининг кўпайиб кетиши ва бунинг натижасида ернинг

шўрланиш ва кислота миқдори ошиб кетишини олдини олиш мақсадида чўчқалар ва уй паррандаларини сақлаш квотаси ўрнатилган. Бу бир томондан атроф-муҳитни сақлаш вазифасини бажарса, иккинчи томондан бозорни ортиқча маҳсулот миқдоридан ҳам ҳимоя қилади. Европа Иттифоқи давлатларида таклифга нисбатан квоталар ер майдонлари ҳажми ва маҳсулот миқдорига нисбатан қўлланилади, шунингдек, умумий ҳолда ҳаттоки, ер майдонига нисбатан тўловлар, суғурта ҳажми ва бошқа жиҳатлар ҳам ҳисобга олиниб чекловлар ўрнатилади. Квоталар ҳар бир давлатнинг ўз бюджети ҳисобидан қопланади ва қўллаб-қувватланади.

Квотанинг энг асосий жиҳатларидан бири уни бажаришнинг жуда қийинлиги бўлиб ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам квоталарни тўлақонли бажаришнинг ҳамма вақт ҳам иложи йўқ. Масалан, Европа Иттифоқи аъзоси бўлган мамлакатларнинг айримларида импорт миқдорини чеклашнинг имконияти йўқ. Бундан ташқари айрим квоталарни бажариш айти бир мамлакат учун жуда катта харажатларга тушади. Агар ишлаб чиқарувчиларнинг сони кам бўлса квоталарни қўллаш харажатлари ҳам кам бўлади ва уларни назорат қилиш ҳам осон бўлади. Шу билан биргаликда сутга нисбатан квоталарни қўллаш ҳаддан ташқари қийин, бунинг бир неча сабаблари мавжуд. Биринчидан, сут миқдори ҳайвонларга боғлиқ ва мавсумий ўзгариб туради, иккинчидан, фермерлар ишлаб чиқариш жараёнини ўзларига мос ҳолда ташкил қилишади ва уларни назорат қилиш қийин. Бундан ташқари, Европа мамлакатларидаги турли мамлакатларда сутга ҳар қил маҳсулотлар қўшиб истеъмол қилиш миқдори ҳар қил ва буни ҳам ҳисобга олиш муҳимдир. Умуман олганда, квота қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини назорат қилиш ва такомиллаштиришнинг ҳозирча энг яхши шаклларида бири ҳисобланади.

2. Ишлаб чиқариш ва сотишга ўрнатиладиган квоталар.

Ишлаб чиқаришга ўрнатиладиган квоталарга ҳам ижобий, ҳам салбий томондан қараш мумкин. Квоталарни қўллаш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг савдога қобилиятлиликларини чеклаб қўйиши ҳам

мумкин, шу билан биргаликда келажакда айрим қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларидан бу фаолиятларини ўзгартиришга мажбур ҳам қилиши мумкин. Квоталар қўлланилиши ишлаб чиқарувчиларининг савдо қобилиятлиликларига турлича таъсир кўрсатади. Савдога қобилиятлиликлни ҳисобга олиш лозимлигини белгилайдиган сабаблар:

- Маълумки, савдога қобилиятлиликл шуни келтириб чиқарадики, паст харажатлар эвазига ишлаб чиқаришни йўлга қўядиган фермерлар квоталарни сотиб оладилар ёки ижарага оладилар. Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш катта харажатлар эвазига амалга оширадиган ишлаб чиқарувчилар эса ўз улушларини бир қисмини сотиш ва ижарага беришга ҳаракат қилади. Бу эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги умумий харажатларни камайишига олиб келади. Шу усулда қишлоқ хўжалигидаги умумий рақобатбардошлик таъминланади.

- Савдога қобилиятлиликл ҳисобга олинган квоталар қишлоқ хўжалигини таркибий ривожлантириш учун анча фойдалидир. Чунки савдога қобилиятлиликл натижасида вужудга келадиган рақобат асосида айрим фермерлар ўз имкониятларига қараб фаолиятларини қисқартиради, ёки тўхтатади ва ўз фаолиятини кўпроқ фойда оладиган тармоққа йўналтиради. Бунинг натижасида юқори самара олаётган фермерлар ўз фаолиятларини кенгайтириш имкониятларига эга бўладилар.

- Технологик ўзгаришлар ишлаб чиқарувчиларни янги қўшимча ташвишларни вужудга келтиради. Савдога қобилиятлиликл бу қўшимча ташвишларни имкон қадар пасайтириш самарали ишлаб чиқариш шакллари йўлга қўяди.

- Савдога қобилиятлиликл ва қобилиятли эмасликнинг раҳбарият томонидан белгиланиши энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Аммо бу бюрократияга олиб келиши ҳам мумкин. Бошқача айтганда белгиланадиган савдога қобилиятлиликл умумий ва хусусий жорий харажатлар эвазига эркин савдога қобилиятлиликлни юқори харажатли савдога қобилиятлиликлка айлантириб қўяди.

Савдога қобилиятлиликини рад этадиган сабаб ва омиллар:

- Савдога қобилиятлилики ҳисобга олинмаган квоталар бир қатор хуудлар ва тармоқларни иқтисодий ҳаётлилигини сақлаб туришга хизмат қилади. Савдога қобилиятлилики ҳисобга олинмаган квоталар давлатнинг хуудий сиёсатларига қиладиган харажатларини камайтириш имкониятини беради. Бундан ташқари ишлаб чиқариш мадания, ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши ёки бошқа иқтисодий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалики ишлаб чиқариши кўп функцияли бўлиши мумкин.

- Савдога қобилиятлилики ҳисобга олинмасдан квота беришга сабаб даромад ва активларнинг қайта тақсимланиш воситаси ҳисобланиши мумкин. Агар давлат кичик, янги ва бошқа турдаги ишлаб чиқарувчилар гуруҳига эътибор қаратадиган бўлса, уларга ҳам шундай ҳолатда квота ажратиши мумкин. Бу даромад ва активларни қайта тақсимлашга ҳам олиб келади.

- Савдога қобилиятлилики ҳисобга олинган квота агар ишлаб чиқариш бир соҳадан иккинчи соҳага ўтиб кетадиган бўлса қайта ишлаш саноатига қилинадиган инвестицияларнинг бирданига ошиши ёки камайишини тақозо қилади. Савдога қобилиятлилики ҳисобга олинмаган квоталар эса буни таққикий амалга ошириши мумкин. Аммо иқтисодиёт ўзгармас эмаслигини ҳар қандай ҳолда унутмаслик лозим.

- Савдога қобилиятлилики ҳисобга олинган квоталар аспекти шундан иборатки, квоталар агар сотиб олинса ёки ижарага олинса молиялаштирилиши керак. Шунинг учун ҳам узок муддатли квоталар умумий харажатларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу ҳолат фермаларни қўшиб олишни қийинлаштиради, чунки ишлаб чиқаришнинг ўртача даражаси йирик фермердан квоталарни тўлашни ўртача қийматини белгилаб беради. Савдога қобилиятлилики қишлоқ хўжалигидан капиталнинг чиқиб кетишига олиб келади. Миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан олганда албатта, бу ҳеч қандай йўқотиш эмас.

- Квоталарни бекор қилиш жуда қийин, чунки бу жуда катта миқдордаги капиталнинг йўқолишига олиб келади. Бундан имкон қадар қутулиш

мақсадида Голландияда квоталар 8 йиллик муддатга қўлланилади, аммо келишувга кўра банклар квоталардан мулк гарови сифатида фойдаланишлари мумкин эмас.

Квоталар мақсадга мувофиқми ёки йўқ? Танлаш имконияти бўлганда савдога қобилиятлилики нимага имконият яратишини аниқлаш лозим, асосий иқтисодий келишмовчилик нимада, даромадни қайта тақсимлаш ва самарадорликми, ёки активлар ва натижавийликми эканлигини аниқлаб олиш лозим. Айтиш мумкинки, бир қатор мақсадларга эришиш учун (масалан, янги фермер хўжаликлари ёки айрим ҳудудларни қўллаб-қувватлаш учун) иқтисодий самарадорликнинг айрим қисмидан воз кечиш мумкин ва бу қандайдир қиймат туради. Шундай савол туғилади, агар қиймат турса қимдир тўлаши керакку. Натижа эса мамлакатлар ва маҳсулотлар бўйича фарк қилади. Аммо савдога қобилиятлилики даражаларидан шу нарса келиб чиқадики, ҳар бир ҳолатдан ютадиганлар ва ютқазадиганлар бўлади. Квоталарнинг давлат томонидан тақсимланиши ёш фермерлар учун яхши бўлса, бизнестан чиқаётган эски фермерлар учун ёмондир.

3. Импортга чекловлар ва экспортни рағбатлантириш.

Бир қатор мамлакатларда кўпчилик ўртасида квоталар ҳақиқатдан ҳам савдони тезлашишига таъсир кўрсатадими, агар таъсир кўрсатса қандай даражада деган квоталарга нисбатан қарама-қарши фикрлар мавжуд. Иқтисодий қизиқишлар нуқтаи назаридан буни тушуниш мумкин. Асосий келишмовчиликларнинг объекти – бу албатта, квоталарнинг баҳосидир. Кўпгина фермерлар, асосан, бирон фермани қўшиб олиб кенгайтишни хоҳлаганлари, баҳоларни ҳамма вақт юқори деб ҳисоблайдилар. Квоталарнинг баҳоси юқори бўлишига энг асосий сабаблардан бири бўлиб, квоталар бозорининг яхши амал қилмаётганлиги ҳисобланади. Яхши амал қилаётган бозор истеъмолчилар ва хом-ашё етказиб берувчиларнинг кўплиги, такомиллашган ахборотлар ва паст меҳнат харажатлари билан тавсифланади. Агар бозор кичик бўлса ёки монополлашган бўлса, бозордаги бир неча брокерлар, талаб ва таклиф бир-бирига араллашиб кетганлигидан фойдаланиб,

квоталарни аукцион асосида сотиб, фойда олиш учун унинг баҳосини оширишлари мумкин. Бунда шундай савол туғилади, мавжуд квоталар бозори, самарали бозорми ёки йўқлигини аниқлаш лозим. Агар квоталар бозорида айирбошлаш масаласи ечилмаган бўлса, шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳамма вақт ҳам квоталар айирбошлаш бозори такомиллашмаган бозор ҳисобланади. Фақат бунда хавф шундаки, кишилар квоталарни айирбошлашда кўплаб хатоликларни амалга оширсалар, бир гуруҳ фермерлар гуруҳи уларни эгаллаб олади ва савдо чекловлари қўллашга ўтиб оладилар ва бунинг натижасида монополия ривожланиб кетади.

Назорат саволлари:

- 1) Квоталарнинг моҳияти нималарда ўз аксини топади?
- 2) Квоталарнинг иқтисодий аҳамияти нималардан иборат?
- 3) Ривожланган мамлакатлар квоталарнинг қайси турларидан фойдаланишади?
- 4) Ишлаб чиқаришга ўрнатиладиган квоталар нималардан иборат?
- 5) Савдога ўрнатиладиган квоталар нималардан иборат?
- 6) Савдога қобилиятлилик деганда нима тушунилади ва у квоталар ўрнатишга қандай таъсир кўрсатади?
- 7) Импортга чекловлар нима ва унинг иқтисодиётга таъсири нималарда акс этади?
- 8) Экспортни рағбатлантириш тадбирларига нималар киради ва уларнинг қишлоқ хўжалигига таъсири қандай бўлади?

7-мавзу. Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсатлари.

Асосий саволлар:

1. Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсатларининг хусусиятлари.
2. АҚШ аграр сиёсатининг хусусиятлари.
3. Япония аграр сиёсатининг хусусиятлари.
4. Европа Иттифоқи мамлакатлари аграр сиёсатининг хусусиятлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсати, АҚШ аграр сиёсати хусусиятлари, Япония аграр сиёсати хусусиятлари, Умумий Аграр Сиёсат.

1. Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсатларининг хусусиятлари.

Ҳар бир мамлакат иқтисодиётида аграр соҳанинг ўзига хос ўрни мавжуд. Чунки аграр тармоқ мамлакат аҳолисини муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш асосидир. Ривожланган мамлакатлар аграр тармоқларини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу мамлакатлар қишлоқ хўжалиги умумий иқтисодиёт тармоқларида кам улушни ташкил қилади, аммо бу билан қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги ўрни йўқолиб қолмайди. Умуман олганда, ривожланган мамлакатлар аграр сиёсатини ўрганишни 3 гуруҳга бўлиб ўрганиш лозим деб ҳисоблаймиз. Улар қуйидагича гуруҳланади:

1. Биринчи гуруҳга Европа Иттифоқи давлатлари киради, бу давлатлар аграр сиёсатларининг хусусиятлари шундай нозик ва мустаҳкам тузилганки, ҳали аграр сиёсат амалиётида улардан ўтадиган мукамал тизим яратилмаган;

2. Иккинчи гуруҳга АҚШ ва Канада қишлоқ хўжалигини киритиш мумкин, улар аграр сиёсати хусусиятлари бир-бирига жуда ўхшаш бўлганлиги учун АҚШ аграр сиёсати мисолида унинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қиламиз;

3. Япония аграр сиёсати. Бу мамлакат қишлоқ хўжалигининг ҳам ўзига хос жиҳатлари борки, уларни ўрганиш ҳам ўрганувчиларни анча мушоҳада қилишга чорлашига шубҳа йўқ.

Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсатларига баҳо беришни алоҳида-алоҳида кўриб чиқишни лозим топдик, бу саволда эса умумий ўхшаш жиҳатларига эътибор қаратамиз. Ривожланган мамлакатлар аграр тармоғини ўрганиш уларнинг қуйидаги ўзига хос умумий томонлари борлигини кўрсатади:

- аграр иқтисодиёт ривожланиши асосан юқори унумдорликка эга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, юқори сифатли қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати ишлаб чиқаришига асосланади;

- аграр иқтисодиёт юқори даражада такомиллашган агросаноат интеграциясига бирлашган;

- аграр иқтисодиёт ривожланиши илмий ҳажм юқори бўлган технологиялар, биотехнология ва информатика каби юқори унумли ва экологик тоза технологияларга асосланган;

- ишлаб чиқарувчилар капитал қўйилмалари унумдорлигини оширишда ишлаб чиқаришдаги моддий-техник элементларнинг роли пасайиб, уларнинг ўрнига биологик омилларнинг кўпроқ рол ўйнаётганлиги;

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида капитал сиғимининг пасайиб меҳнат унумдорлигининг ошаётганлиги.

Кейинги йилларда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида аграр тармоқнинг улуши анча пасайганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, 2000 йилда АҚШда бу кўрсаткич 1,8 % ни ташкил қилган бўлса (1960 йилда 20 % бўлган), Европа Иттифоқи давлатларида ўртача 3,5 % ни ташкил қилган. Бу мамлакатлар аграр иқтисодиётининг мустаҳкам ривожланишини таъминлаган аграр сиёсат шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

- аграр иқтисодиётда ривожланган АСМ тизимининг мавжудлиги;
- ишлаб чиқаришнинг фермерлик тизимида ташкил қилинганлиги;

- давлат томонидан тартибга солишнинг мукамал тизими ишлаб чиқилганлиги;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига илмий-техника ютуқларининг тижорат асосида жорий қилиш ва илмий ишларни мукамал ташкил қилишнинг юқори натижавийлиги.

Ривожланган мамалакатлар иқтисодий ривожланишига ва аграр тармоқнинг ҳам бозор қонунлари асосида такомил ривожланишига замонавий йирик ҳудудий савдо блоklarининг шаклланиши ва ривожланиши ҳам катта таъсир кўрсатади. Ривожланган мамлакатлар ва уларнинг ҳамкорлари иқтисодий ҳамкорлигини таъминловчи асосий иқтисодий блоklари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Европа Иттифоқи;
2. Шимолий Америка эркин савдо келишуви (НАФТА);
3. Европа очиқ савдо ассоциацияси (ЕАСТ);
4. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги (АИЭС);
5. Меркосур (Бразилия, Аргентина, Парагвай, Уругвай);
6. Жанубий Африка ривожланиш қўмитаси (САРК);
7. Ғарбий Африка иқтисодий ва валюта иттифоқи (ЮЭМОА);
8. Анд пакети;
9. Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO).

Бундай иқтисодий блоklarнинг ривожланиши мамлакатлар ва улар билан ҳамкорлик қилувчилар иқтисодиётини, шу жумладан аграр секторини глобаллашув жараёнларини тезлаштиради.

2. АҚШ аграр сиёсатининг хусусиятлари.

АҚШ иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутадиган тармоқлардан бири ҳисобланади. АҚШ қишлоқ хўжалиги ҳам бошқа ривожланган мамлакатлар сингари ривожланган агросаноат тизимига эга. Бу тизим мамлакатга 1960 йиллардан бошлаб ривожлантирила бошлаган. Мамлакат АСМ ташкилий таркиби 3 та соҳадан таркиб топган. **Биринчи соҳага** қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган

ва моддий-техник хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олади (тракторсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимё саноати, озуқа саноати, ҳайвонлар фармацевтикаси саноати, уруғчилик саноати). **Иккинчи соҳага** қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзи киради. **Учинчи соҳага** эса функцияси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тармоқлар, яъни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, етказиб бериш ва сотиш билан боғлиқ бўлган тармоқлар киритилади. Бу тармоқлар сирасига озиқ-овқат саноати, тара ва омбор хўжалиги, транспорт, озиқ-овқат маҳсулотларини улгуржи ва чакана савдо қилиш, умумий овқатланиш кабиларни киритиш мумкин.

АҚШ қишлоқ хўжалигида давлатнинг таъсири жуда каттадир ва бунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларига талабни шакллантириш, ички аграр бозорни жаҳон бозори билан мустаҳкам алоқадалиги, шунингдек, жуда катта миқдордаги ўрта ва кичик товар ишлаб чиқарувчиларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Мамлакат аграр сиёсатининг асосий йўналишларига қуйидагилар киради:

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари даромадларини кафолатланган баҳолар орқали қўллаб-қувватлаб туриш;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш инфраструктурасини қуриш ва ривожлантириб бориш (йўл қурилиши, мелиоратив объектлар, электрлаштириш ва телефонлаштириш, омбор бинолари);
- фермерларга кредит хизматини кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалиги ўқиши, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга тадбиқ қилишни ташкил қилиш ва молиялаштириш;
- ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш;
- озиқ-овқатлар сифати ва атроф-муҳитнинг ҳолати бўйича назоратни амалга ошириш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ва импортини тартибга солиш.

Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида улуши анча паст бўлсада, давлат томонидан унга кўрсатилаётган ёрдам ҳажми анча каттадир.

Умуман мамлакат бўйича 50 % ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар баҳоси давлат томонидан қўллаб-қувватланади, бу кўрсаткич маккажўхори учун 100 % ни, ғалланинг 33 % ини, пахтанинг 50 % ини қамраб олади.

АҚШ қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг ривожланишида кейинги 20 йилда энг асосий омил илмий-техника прогресси бўлди. Жаҳон аграр фанида асосий ўринни АҚШ эгаллайди, унда барча аграр соҳа олимларининг 2/3 қисми фаолият кўрсатади ва барча аграр фанга сарфланадиган маблағларнинг 80 % ини ташкил қилади. Аграр фанини ривожлантиришда асосий ролни давлат ўйнайди. Урушдан кейинги йилларда давлат аграр тармоқ фани харажатларининг 50 % ини молиялаштирган бўлса, ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 35 % ни ташкил қилади. Умуман, давлатнинг аграр сиёсатдаги таъсирини қуйидаги фаолиятларда ифодалаш мумкин:

- давлат интеллектуал мулкни патентлаштириш, лицензиялаш, ҳалқаро келишувлар орқали ҳимоя қилади;
- махсус давлат тадбиқ қилиш маркази орқали илмий–техника ютуқларини қишлоқ хўжалик амалиётига жорий қилишни ташкил қилади;
- ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулоти сифати, сақлаш, транспортировка шартлари, қўлланилаётган кимёвий ва ветеринария препаратлари устидан кучли экологик назорат ва назорат – лаборатория ишларини олиб боришни ташкил қилади.

Шунингдек, амалий характердаги ва тез самара берадиган, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари ва ҳайвонлар наслини янги турларини яратиш, қишлоқ хўжалик машина ва ускуналари, ўғитлар, пестицидларнинг янги турларини ишлаб чиқиш каби тадқиқотларга саноат корпорациялари ҳам маблағ ажратишади. Охирги йилларда бу каби тадқиқотлар сирасига биотехнология ҳам киритилиб, хусусий секторнинг фанга инвестициялари миқдори давлатникидан икки бараварга ошиб кетди. Аграр фанга корпорациялар молиясининг улуши 65 % га етди.

АҚШ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши ички ва ташқи бозор талабларига боғлиқдир. Миллий бозордаги шахсий истеъмол

таркибининг ўзгариши, даромадлар даражаси ва демографик омиллар аграр сиёсатга катта таъсир кўрсатади. Ички бозорда озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган таркибий талаб ўзгариши унчалик катта муаммо туғдирмайди, чунки давлат томонидан тартибга солинадиган аграр сиёсат деярли ўз олдидаги муаммоларни ҳал қилиб бўлган.

АҚШ аграр сиёсатида ташқи сиёсат асосий роллардан бирини ўйнайди. Мамлакат Уругвай роунд гуруҳига кирган мамлакатлар билан энг кўп ташқи алоқаларни амалга оширади. ГААТ(савдо ва бож тўловлари бўйича бош шартнома) доирасидаги келишувга кўра АҚШ бошқа шу роундга кирувчи мамлакатлар билан қуйидаги масалаларни келишиб олган ҳолда фаолият юритади:

- экспорт субсидияларини қисқартириш;
- қатнашчи-мамлакат миллий бозорларидаги ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражасини қисқартириш;
- аграр иқтисодиётда бозор муносабатларини кучайтириш;
- халқаро савдони либераллаштириш ва қаттиқ фитосанитария регламентларини ўрнатиш.

Ҳозирги кунда жаҳон хўжалигидаги қийинчиликларга қарамай АҚШ ўзининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йирик экспортчиси мақомини сақлаб қолиши мумкин, чунки мамлакатдаги ишлаб чиқариш харажатларининг бошқа мамлакатлар билан таққослаганда анча паст даражаси бундай имкониятни сақлаб қолиш учун етарлидир. Яқин келажакда товар экспорт қилиш таркиби ўзгаради – ғалла ва соя чиқариш барқарорлашиб, гўшт ва мевалар экспорти ошиши кутилаяпти. АҚШ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташқи савдосида асосий савдо ҳамкорлари бўлиб Япония, Канада ва Мексика ҳисобланади.

80 – йиллардан бошлаб, АҚШ қишлоқ хўжалигида инвестицияларнинг ресурслар ва технологияларни такомиллаштиришга йўналтириш бошланди. 90 – йиллардан бошлаб асосий капитал ҳажмини қисқартириш сиёсати аграр

тармоқ ривожланиши учун янги босқич бўлди. У асосий воситалар самарадорлигининг ошиши ишлаб чиқаришга анъанавий техникалар ўрнига электрон техниканинг қўлланиши, баҳонинг ошиб кетмаслигини таъминлаш (бу ҳам электрон техниканинг арзонга тушиши билан боғлиқ), моддий капитал элементларининг қисқартирилиши (тракторлар, машиналар, ишлаб чиқариш қурилишлари) ва биологик омилларнинг (қишлоқ хўжалик экинлари нави ва ҳайвонлар наслини яхшилаш) ишлаб чиқаришдаги ролини ошириш билан тавсифланади.

Янги технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан “инсон омили” га, тўғрироғи, унинг малакасига талаб ҳам ошади. Кейинги йилларда аграр тармоқда ишловчиларнинг сон даражаси қисқариб, малака даражаси оширилаётганлиги тенденциясига эътибор қаратиш мумкин.

Бошқа ривожланган мамлакатлар сингари, АҚШда ҳам агросаноат мажмуини ривожлантириш кучли озиқ-овқат саноатини ривожлантириш билан чамбарчас боғланган. Мамлакатда бу саноат кучли ривожланган мажмуани ташкил этиб, ўзида 40 дан ортиқ тармоқни жамлаган 22000 та корхонадан таркиб топади. Тармоқда асосий ўринни 100 та йирик фирма тутиб, уларнинг 60 таси мамлакатнинг 500 та йирик корпорациялари қаторидан жой олган ва дунё бўйича уларнинг кўплаб филиаллари мавжуддир.

Кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати масаласи энг асосий муаммолар даражасига кўтарилгач, мамлакат аграр сиёсатида физиологик ва экологик хавфсизликни таъминлаш бош масала қилиб қўйилди. Экспертларнинг хулосаларига кўра инсон ҳаётига тиббиёт 8-9 %, озиқ-овқатлар эса 40-50% таъсир кўрсатар экан. Шунинг учун ҳам озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондириш зарурияти, тармоқни технологик ва функционал ривожлантиришни фан-техника ютуқлари асосига қуришни асосий ҳаракатга келтирувчи куч даражасига чиқаради.

3. Япония аграр сиёсатининг хусусиятлари.

Аграр сиёсатларни таҳлил қилганда Япония аграр сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини кўриш мумкин. Япония аграр сиёсатининг фақат унгагина хос бўлган хусусиятларидан бири шундаки, унда ҳеч қачон асосий масала сифатида экспорт масаласи қўйилмайди. Аграр тармоқ ривожланиши ва тараққиётига назар ташлайдиган бўлсак, Японияда бошқа тармоқлар сингари қишлоқ хўжалигида ҳам ҳамма вақт ресурслар танқислиги бош масала бўлиб келган. Шунинг учун ҳам Япония аграр сиёсати олдига ҳамма вақт мамлакат иқтисодий салоҳиятига самарадорлик нуктаи назаридан эмас, балки мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини ҳал қилиш вазифаси бош масала сифатида қўйилган.

Япония аграр тармоғи маҳсулотининг мамлакат ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи 2 % дан камни ташкил қилади. Унинг таркиби асосан озиқ – овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноати маҳсулотларидан таркиб топган. Япония қайта ишлаш саноати ресурсларга бўлган ўз эҳтиёжини импорт орқали қондиради. Япония аграр сиёсатининг асосий вазифаси озиқ-овқат хавфсизлигини қондириш бўлсада мамлакат ҳеч қачон ўз истеъмолини ички бозор орқали қондира олмаган. 1934 – 1936 йилларда мамлакат халқи истеъмоли учун керак бўлган гуручнинг 19 % ини, ғалланинг 42 % ини, соя ва маккажўхорининг 60 % дан зиёдроғини, шакар хом-ашёсининг 96 % ини бевосита импорт орқали қондирган. Йиллар давомида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондиришнинг энг яхши кўрсаткичига 1960 йилда эришилган бўлиб, бу кўрсаткич 93 % ни ташкил қилган, бундан кейинги йилларда эса йилма-йил пасайиб бораверган. 1965 йилда 88 %, 1970 йилда 83 %, 1975 йилда 79 % ва ҳозирги кунда 65–70 % истеъмол миллий ишлаб чиқариш ҳисобига қондирилади. Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондиришнинг даражасини бундай камайиши асосий сабаблари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- ишловчиларнинг паст самарали ва кўп меҳнат талаб қилувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланишни хоҳламай, ўзларини бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритишга ўтиб кетишганликлари;

- давлат миқёсида юқори самара бераётган саноат, электроника ва шу каби ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш сиёсатлари натижасида бу корхоналарнинг кўпайиши ҳамда уларнинг корхона қурилиши эвазига қишлоқ хўжалик ерларининг камайиб кетиши ва янги ерлар очиш имкониятининг йўқлиги;

- аграр сиёсатнинг қиммат ишлаб чиқариш ўрнига арзон маҳсулотлар сотиб олишга қаратилганлиги;

- мамлакат аҳолисининг табиий кўпайиши ва бунинг натижасида истеъмол даражасининг ошиши.

Бундай ҳолатдан келиб чиққан ҳолда Япония ҳукумати аграр сиёсатнинг олдига ҳар қандай ҳолатда фақат мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини ҳал қилиш вазифасини қўяди. Шундан келиб чиқиб, Япония аграр сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни имкон қадар миллий ишлаб чиқариш ҳисобига қондириш.

2. Озиқ-овқат маҳсулотларини барқарор миқдорда ва сифатда етказиб бериш бўйича экспортёр мамлакатлар билан самарали келишувлар олиб бориш ва шартномалар тузиш.

3. Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилиш ва хавфни имкон қадар камайтириш мақсадида махсус озиқ-овқат захираларини ташкил қилиш.

4. Келгусида самарали шартномалар тузиш ва ҳамкорлик олиб бориш имконияти мавжуд бўлган ривожланаётган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ёрдам қилиш.

Бу вазифаларнинг самарали амалга оширилиши натижасида Япония озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини тўла қондиришга эришди. Япония аграр сиёсати юқоридагилардан ҳам хулоса қилиш мумкинки,

хорижий ҳамкорлар билан иш олиб боришга қаратилган ва бунга мажбур ҳамдир. Японияниг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича асосий ҳамкорлари ривожланган мамлакатлардан АҚШ ва Канада, шунингдек, Лотин Америкаси ва Шарқий Осиё давлатлари ҳисобланади.

Япония аграр сиёсатида ҳам бошқа ривожланган мамлакатлар сингари давлатнинг роли катта ўрин тутди. Аграр тармоқ давлат томонидан тартибга солинади ва қўллаб-қувватлаб турилади. Ички ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳосини рағбатлантириш давлат ёрдамларининг асосий қисмини ташкил қилади. Японияда барча ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 80 % ининг баҳоси давлат томонидан рағбатлантирилади, бу кўрсаткич ғалла ишлаб чиқаришда 90 % ни, гуруч ишлаб чиқаришда 50 % ни, сули ишлаб чиқаришда эса 60 % ни ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигида фан-техника ютуқларини қўллаш асосан экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган.

Япония аграр сиёсатини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, шу асосда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини мунтазам ҳал қилиб бориш мақсадида аграр сиёсатнинг олдида доимий равишда қуйидаги масалаларни ҳал қилиб бориш вазифаси қўйилади:

- жаҳон бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифнинг ҳолатини ва истиқболини ўрганиб бориш;
- японча типда овқатланишни тарғибот қилиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ички бозорда қондириш салоҳиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш;
- мамлакат ичида озуқа учун дон ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкониятлар яратиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини самарали асосда импорт қилиш ва озиқ-овқат захираларини яратиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари билан яхшироқ таъминланиш имкониятларини доимий равишда ўрганиб бориш.

4. Европа Иттифоқи мамлакатлари аграр сиёсатининг хусусиятлари.

Европа Иттифоқи ташкил қилинганидан кейин қишлоқ хўжалигини ягона асосда ривожлантириш сиёсати энг қийин амалга оширилган сиёсатлардан бири ҳисобланади. **Умумий Аграр Сиёсат** ўзининг пайдо бўлиш мақсадига кўра Европа Иттифоқига кирган дастлабки 6 та мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий манфаатларини ҳал қилиши лозим эди. **Умумий Аграр Сиёсат** асосан Европа Иттифоқи мамлакатлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши интеграциясини ва умумий сиёсатини белгилаб бериш мақсадида ташкил қилинган.

Европа Иттифоқи замонавий кўринишини шакллантирадиган интеграцион жараёнлар икки асосий йўналишда ривожланмоқда:

1. Экстенсив - Европа Иттифоқига янги аъзо мамлакатларини кўшиб олиш асосида интеграцияни кучайтириш;
2. Интенсив - ҳамкорликнинг анча оддий усулларида мураккаброк шаклларга ўтиш орқали интеграцияни кучайтириш.

Европа Иттифоқи интеграциялашуви жараёнининг бошқа интеграцион иттифоқлардан фарқли томонларини қуйидаги хусусиятлар ташкил қилади:

1. Босқичма-босқич ривожланиш: божхона иттифоқи орқали эркин савдо зоналарини ташкил қилиш; ягона ички бозор; иқтисодий ва валюта иттифоқи.
2. Уникал миллатлараро институтларни ташкил қилиш; Европа кенгаши, ЕИ министрлар кенгаши, ЕИ қўмитаси, Европа парламенти, Европа суди.
3. Миллатлараро даражада молиявий, таркибий ва илмий-техникавий сиёсатни юритиш.

Европа Иттифоқини ривожлантириш босқичлари асосан қуйидагилардан иборат:

Биринчи босқич (1957-1971 йй.) – «Божхона иттифоқи» сиёсатини юритиш орқали эркин савдо зоналарини яратиш, бунда Европа Иттифоқи рамкасида бож пошлиналари бекор қилинди, учинчи мамлакатлар учун 6 та Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг ташқи таърифи бир хил даражада

белгиланди, 6 мамлакат худудида улар ўзаро савдо чекловлари ва бошқа нотаъриф тартибга солишлари йўқотилди.

Иккинчи босқич (1972-1978 йй.) – Европа Иттифоқи инқирози, бу ўз навбатида 1974-75 йилларда жаҳон иқтисодий инқирозидан келиб чиқди. Иқтисодий қийинчиликларнинг ўсиши интеграцион жараёнларни заифлаштирди, ЕИ мамлакатлар ўртасида киритиладиган молларга миқдорий чекловлар қайта пайдо бўлди, демпинг баҳоларини қўллаш кенгайди.

Учинчи босқич (1979-1985 йй.) – Европа валюта тизими яратилди, кучсиз валютага эга бўлган мамлакатлар, кучли валютали мамлакатлардан давлат ёрдами олдилар, ҳамда икки томонлама валюталарни кучайтиришга йўналтирилган қисқа муддатли кредитлар ва бошқа тадбирлардан кенг фойдаланилди.

Тўртинчи босқич (1986-1992 йй.) - 60 йиллардаги умумий бозордан фарқланувчи ягона Европа ички бозорининг пайдо бўлиши, бунда нафақат товарлар, балки хизматлар, капитал ва иш кучи ҳам эркин ҳаракатлана олди.

Бешинчи босқич (1993-2002 йй.) - ягона ички бозордан иқтисодий ва валюта иттифоқига ўтиш, бунда ягона европа валютаси - евро базасида ижтимоий-иқтисодий, пул-кредит ва молия сиёсатларини умумлаштириш мақсад қилинган.

Европа Иттифоқи институционал таркибини шакллантирувчи институтлар такомил иқтисодий ривожланишни таъминлайди ва мамлакатлар ўртасидаги барча алоқаларни шароитга мослаштириш имкониятларини яратади. Бу таркибни шакллантирувчи институтларга асосан қуйидагилар киради:

1. Европа Кенгаши – Европа Иттифоқи сиёсий стратегиясини аниқловчи Европа Иттифоқининг олий сиёсий органи;

2. Министрлар Кенгаши - қарор қабул қилувчи бош институт ҳисобланади.

3. Европа Иттифоқи Комиссияси - миллатлараро ижроия институти, мавжуд қонунларни ҳаётга тадбиқ этишдан ташқари, Европа Иттифоқи қонунчилигини ташкил этади, Европа Иттифоқи молиясини бошқаради.

4. Европа Парламенти - Европа Иттифоқи комиссияси ишини назорат қилади, янги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида иштирок этади, молиявий маблағларни сарфлаш, бюджетни қабул қилиш ва уни бажариш ишларини назорат қилади.

5. Европа Суди - Европа Иттифоқи ҳуқуқларини аъзо мамлакатларнинг миллий давлат ҳуқуқларидан устунлигини таъминлайди, Европа Иттифоқи жорий фаолияти амалиётидаги қарама-қаршиликларини тартибга солади.

Европа Иттифоқининг миллатлараро ва миллатлар даражасидан юқори барча фаолиятларини молиявий тартибга солиш асослари Европа Иттифоқи **умумий бюджети** ҳисобланади. Европа Иттифоқи молиявий механизмига қуйидагилар киритилади:

а) Қишлоқ хўжалигини йўналтириш ва кафолатлаш фонди – Европа Иттифоқи ягона аграр сиёсатини молиялаштириш манбаи;

б) Европа ижтимоий фонди – сурункали ишсизлик қамраб олган турғун ҳудудларга ёрдам бериш дастурларини молиялаштириш манбаи;

с) Европа ҳудудий ривожлантириш фонди - Иттифоқ турли ҳудудларини иқтисодий ривожлантириш даражасини тенглаштириш дастурларини молиялаштириш манбаси;

д) Европа ривожлантириш фонди – интеграциянинг дастлабки босқичини ўтаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш манбаси;

е) Европа инвестиция банки – ўзоқ муддатли кредитлар ва кафолатлар ҳисобига корхоналарни модернизациялаш бўйича ҳудудий дастурларни молиялаштириш институти.

Европа Иттифоқи бюджетининг **даромад** қисми қуйидаги манбалардан шаклланади:

- Аъзо давлатлардаги қўшимча қиймат солиғининг 1,4 % миқдоридаги ажратмалар;

- Европа Иттифоқи ҳудудига учинчи мамлакатлардан импорт қилинадиган саноат товарларига ўрнатиладиган бож тўловлари;

- Импорт қилинадиган товарлардан олинадиган аграр компенсация йиғимлари;

- Миллий бюджетлардан ажратмалар.

Бюджетнинг **харажат** қисмини қуйидагилар ташкил қилади:

- Европа Иттифоқи мамлакатларининг ягона аграр, ҳудудий, ижтимоий, илмий-техник ва саноат сиёсатларини юритиш;

- Ривожланаётган мамлакатларга ёрдам қилиш;

- Маъмурий харажатларни қоплаш.

Европа Иттифоқи давлатларининг 6 тадан 12 тагача бўлган даврда ягона аграр сиёсатининг қабул қилиши ва такомиллаштирилишини бир неча босқичларга бўлишимиз мумкин. Маълумки, ҳар бир қабул қилинаётган янгилик кейин қандай самара беришидан қатъий назар бир қатор қаршиликларга дуч келади. Ягона қишлоқ хўжалик сиёсати ҳам бирданга қабул қилинган жараён эмас ва уни тўла шаклланиш босқичларини кўриб чиқиб, маълум белгиларини ўрганиб чиқамиз. Ягона қишлоқ хўжалик сиёсатининг ғоясидан тортиб то тўла шакллангунига қадар бўлган даврни қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:

1. 1945–1954 йиллар: Иккинчи жаҳон урушининг натижалари - Европа Иттифоқининг пайдо бўлиши. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, Ғарбий Европа мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий иттифоқларини барпо қилиш жараёнида қишлоқ хўжалигида ҳамкорлик барча мамлакатлар хоҳишларининг марказида эди ва айнан шу нарсага ягона аграр сиёсатини қабул қилиниши ва шаклланиш учун асос бўлди.

Иқтисодий иттифоқ тўзиш урушдан кейинги сиёсий бирлашиш ва тинчликнинг кафолати ҳисобланар эди. Шу мақсадда қабул қилинган Маршалл режасига кўра бу мамлакатлар кутилганидан ҳам зиёдроқ натижаларни қўлга киритдилар. Бу дастурни тўлақонли амалга ошириш мақсадида АҚШ ва Канададан 1948-1952 йилларда 25 миллиард доллардан

ортикроқ маблағ бу мамлакатларга етиб келди. Бу моддий ёрдам яна шуниси билан ҳам муҳим эдики, унинг мақсади асосан савдо назоратини олиб ташлашга қаратилган тадбирларга йўналтирилган эди. 1948 йилда Белгия, Нидерландия ва Люксембург биргаликда Бенелюкс Бож Иттифоқини тузишди ва бир-бирларига нисбатан савдо алоқаларига бож ўрнатмасликка келишиб олишди. Кейинроқ бу ҳолат қишлоқ хўжалик бозорлари учун анча муҳимлигини Франция ҳам тушунди ва қўшилишга розилик берди. Германия ва Италия ҳам хайрихоҳлик билдирди, аммо Англиянинг қаттиқ қарши туриши ягона хулосага келиш имкониятини бермади.

1951 йилда дастлабки юқори даражадаги ҳамкорлик кўмир ва пўлат ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлик Европа Кўмир ва Пўлат Иттифоқини тўзиш бўлди. Бу сафар Бенелюкс ва Францияга, Германия ва Италия ҳам қўшилди, аммо Британия яна қўшилмади. Аммо нима бўлганда ҳам бу келгусидаги ҳамкорликнинг асоси эди.

2. 1955-1957 йиллар. Рим шартномаси ва қишлоқ хўжалиги учун мақсадлар. Бенелюкс мамлакатлари Европа Иттифоқини сиёсий бирлаштириш анча қийинлигини, бунинг ўрнига тўла шаклланган ва бирлашган Европа бозорини яратиш лозимлаги ҳақидаги қатор иқтисодий таклифлар билан чиқишди. Рим шартномаси Европа Умумий бозорини ташкил қилишнинг асоси бўлди. Бунда Умумий бозор қоидалари келишиб олинди. Уларнинг фикрича, умумий сиёсат алоҳида радикал гуруҳлар манфаатидан эмас, миллий сиёсатдан келиб чиқиши лозим. Шундай бўлсада, бир нечта келишувлар бўлиб ўтсада қишлоқ хўжалиги масаласи ҳамма вақт очиқ қолаверди. Олти мамлакат вакиллари Брюсселга имзоланадиган шартномани қайта ишлаш учун делегацияларини жўнатганларида ҳам ишчи гуруҳларида биронта ҳам қишлоқ хўжалигига тааллуқли кишилар йўқ эди. Шартноманинг асосида қуйидаги шартлар ётади:

- мақсадлар бож тўловлари, квоталар ва бошқалар орқали амалга оширилади;

- учинчи мамлакатларга умумий бож тўловлари ва умумий тижорат сиёсатини юргизиш;

- иқтисодий сиёсатни координациялаш ва одамлар, хизматлар ва капиталнинг аъзо мамлакатларда эркин ҳаракатланишини таъминлаш.

Ушбу шартноманинг 43 моддасида ягона қишлоқ хўжалиги сиёсати имзоланиши керак эди, аммо комиссия уни Европа Парламенти билан маслаҳатлашиш, ҳамда кейин қарор қабул қилш учун министрларга қайтаришга қарор қилди.

3. 1958 йил. Стреза конференцияси – сиёсатнинг якуний таркиби. Стреза конференциясидан кейин Комиссия, ўзининг биринчи хабаридаёқ Иттифоқнинг қишлоқ хўжалик сиёсатига доир муаммоларини ҳал қилишга ўтганлигини эълон қилди. Ягона қишлоқ хўжалиги сиёсатини қабул қилишнинг асослари яратилди.

4. 1959 – 1962. Конфликт ва компромисс – Ягона Аграр Сиёсатининг пайдо бўлиши. Кенгаш иштирокчиларининг конфликтлари нафақат аъзо бўладиган мамлакатлар, балки сиёсатнинг мақсадлари устида ҳам борди. Кенгаш чекланган миқдорларга асосланган савдо ва бозорларни ташкил қилишдан воз кечди. Шундай бўлиши билан бирга, улар Европа аграр сиёсатининг фундаментал тамойилларини ва бу сиёсатнинг ташкилий асосларга эга бўлишини келишиб олдилар. Бу келишувга кўра қабул қилинган Умумий Аграр Сиёсатнинг асосий тамойиллари қуйидагилардир:

бозор бирлиги – умумий қишлоқ хўжалик бозорининг амал қилиши, умумий маркетинг тизими ва умумий келишилган баҳолар;

Иттифоқ манфаатларининг устунлиги – Иттифоқ мамлакатлари рақобатбардошлигига учинчи мамлакатдан келтириладиган импорт билан хавф солинмаслиги лозим;

молиявий бирлик – сиёсат учун қилинган харажатлар ҳам Иттифоқ томонидан молиялаштирилади, яратилган даромаднинг маълум қисми ҳам Иттифоқ ҳисобига ўтказиб борилади ва ресурс яратилади.

Бу учта тамойил Умумий Аграр Сиёсатининг моҳиятини англатди ва у Комиссия томонидан қаттиқ ҳимоя қилинди. Бу вақтда, ҳали қатор масалалар ҳал қилиниши лозим бўлсада, Умумий Аграр Сиёсатнинг расмий пайдо бўлганлигини кўрсатди.

5. 1963 – 1967. Умумий баҳолар ва умумий молиялаштириш – якуний эришилган натижалар. Умумий Аграр Сиёсатининг якуний босқичида умумий баҳолар ва умумий молиялаштириш мақсадига эришилди ва бу сиёсатнинг юқори чўққисига эришганлигидан далолат берарди. Бунинг натижасида бир қатор фондлар ташкил қилинди.

Умумий Аграр Сиёсатнинг кейинги йиллардаги ривожлантирилишига Европа Иттифоқи давлатлари сонинг ошиши, дунё мамлакатлари савдоси, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар ва сиёсий доирадаги ўзгаришлар таъсир кўрсатди, аммо унинг асосий тамойиллари ўзгармай қолди.

Европа Иттифоқи давлатларининг жорий қишлоқ жойларни ривожлантириш таркибий сиёсати таркибий аграр сиёсат натижасида келиб чиққан. Қишлоқ жойларни ривожлантириш сиёсати – Европа Иттифоқининг иқтисодий ва ижтимоий бирликка эришишининг асосий омили деб қаралади.

Европа Иттифоқи қишлоқ жойларни ривожлантиришни жорий таркибий сиёсати масаласи 1960 йилларда, яъни ягона аграр сиёсатнинг жорий қилина бошлаган пайтларданок ривожлана бошлаган. 1988 йилдан бошаб Европа Иттифоқи бу сиёсатга эътиборни кучайтирди ва амалий ишларни кенгайтирди. Шу мақсадларни ривожлантириш учун молиявий ресурслар ҳажми оширилиб, 30 миллиард ЭКЮ ни ташкил қилди. Европа Иттифоқи ривожланиш фондлари томонидан 1994-99 йилларда яна шунча миқдорда ва 2000-2006 йиллар учун эса ундан ҳам кўпроқ маблағ ажратиб қишлоқ жойларни ривожлантириш кўзда тутилди. 2000 йилгача қишлоқ жойларни ривожлантириш сиёсатини Европа Иттифоқи таркибий фондлари маблағ билан таъминлаб келган бўлса, бу ишни 2000 йилдан бошлаб Европа Қишлоқ Хўжалигини Бошқариш ва Кафолатлашлаш Фонди (EAGGF) нинг қайта ташкил қилинган – Раҳбарлик Секцияси амалга оширади. Савол

туғилади нима учун қишлоқ жойларни ривожлантиришга бунча кўп маблағ сарфланаяпти, у умумий ривожланишга нима беради, энди бу яна бир қатор масалаларни кўшиб ўрганишни тақозо қилади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари қишлоқ жойларни ривожлантириш таркибий сиёсатини ривожланишини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:

1. 1988 йилгача бўлган давр. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун таркибий тадбирлар амалга оширилган давр. Бу даврда ягона аграр сиёсатнинг ривожлантирилиши билан боғлиқ ҳолда қишлоқ аҳолисининг ҳам турмуш даражасини яхшилаш масалаларига эътибор қаратилган, аммо бутун Европа миқёсида ягона сиёсат олиб борилмаган.

2. 1988 йил. Қишлоқ жойларни ривожлантиришга оид кескин тадбирлар белгиланганга бурилиш йили. Бу даврда жуда кўп асосий тадбирлар белгиланди. Улардан айримларини санаб ўтамиз:

- Ягона Европа ҳақидаги қонун қабул қилинди. Бу қонун ЕИ кирувчи мамлакатларни бирдек ривожлантирилишини қонуний жиҳатларини асослаб берди;
- “Келажакдаги Қишлоқ Жамияти” дастури қабул қилинди ва қишлоқ жойларни ривожлантириш йўналишларини асослаб берди;
- “Delor I” ва Таркибий Фондларни ислоҳ қилиш.
- 1994-1999 йиллар. “Делор II” ва иккинчи дастурлаш даври.

Бу дастурларни амалга оширишнинг асосларини қуйидаги воситалар орқали амалга ошириш мақсад қилинди:

- Дастлаб дастурларни амалга оширишни молиялаштирадиган фондлар фаолиятини тартибга солиш ва янги фондларни яратиш масалалари ҳал қилинди. Бу фондлар Иттифоқнинг асосий мақсади бўлган иқтисодий бирликка эришишнинг асосий воситалари ҳисобланади ва бу фондлар қуйидагилар ҳисобланади:

- Европа Ижтимоий Фонди, Соғлиқни тиклаш ва профессионал таълим олишга кўмаклашади;

- Европа Ҳудудий Ривожланиш Фонди, бу фонд қишлоқ жойлардаги кичик бизнесни ва инфраструктурани молиялашга ёрдам қилади;
- EAGGF Раҳбарлик Секцияси, қишлоқ хўжалигидаги таркибий ўзгаришлар ва қишлоқни ривожлантиришга кўмаклашади;
- Балиқчиликни Бошқаришнинг Молиявий Воситаси, бу фонд балиқчилик тармоғидаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишга кўмаклашади.

3. Бирлик Фонди ташкил қилинди. Бу фонд бошқа фондлар билан биргаликда иш олиб боради ва Греция, Португалия, Испания ва Ирландия мамлакатларининг ягона пул бирлигига мослашиши, аҳоли турмуш даражасининг кўтарилиши, атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар ҳамда Европа транспорт сетини такомиллаштириш каби соҳаларни молиялаштиради. Бу фонд ёрдам қилиш шарти 2 хил бўлади: биринчидан киши жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўртача Европа давлатлари даражасининг 90 фоизидан ошиб кетмаслиги керак ва бу мамлакат “иқтисодий конвергенция” қондасига амал қилиши керак. Бу 2000-2006 йиллар давомида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдори 90 фоизга етмаган мамлакатларга ёрдам бериши кўзда тутилган.

Европа Иттифоқи аграр сиёсатини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг мақсадлари ишлаб чиқилди. Бу мақсадларни ҳудудлар ва ижтимоий гуруҳлар бўйича 7 турга бўлиш мумкин:

1-мақсад: ривожланиши орқада қолаётган ҳудудларни таркибий тартибга солиш (масалан, собиқ ГДР ҳудудида аҳоли жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўртача Европа даражасининг 75 % идан ҳам кам эди);

2-мақсад: саноатлашиши орқада қолаётган ҳудудларни иқтисодий қайта шакллантириш;

3-мақсад: ўзоқ муддатли ишсизликка қарши курашиш ва меҳнат бозоридан чиқиб қолган ҳамда ёшлар ҳаётини меҳнат билан интеграциялаштиришга ёрдам қилиш;

4-мақсад: ишловчиларнинг саноатлашган ҳолдаги ўзгаришларга кўникишларини енгиллатиш;

5-мақсад: қишлоқ хўжалиги ва балиқчиликнинг тармоқ тақибини тартибга солиш;

6-мақсад: қишлоқ жойларида иқтисодиётнинг самарали тармоқларини олиб кириш;

7-мақсад: 1995 йилда ЕИга Финландия ва Швециянинг кириши натижасида пайдо бўлган, аҳоли кам жойлашган ҳудудларни таркибий тартибга солиш.

Назорат саволлари:

1) Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсатини ташкил қилувчи умумий хусусиятлари нималарда ўз аксини топади?

2) Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида аграр тармоқнинг қандай ўрни бор?

3) Ривожланган мамлакатлар аграр иқтисодиётининг ривожланишини таъминлаган аграр сиёсат шартлари қайсилар бўлиб ҳисобланади?

4) АҚШ аграр сиёсатининг асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлади?

5) АҚШ аграр тармоғи ривожланишига давлатнинг таъсири нималарда намоён бўлади?

6) АҚШ аграр сиёсатининг асосий асосий йўналишлари нималарда намоён бўлади?

7) Япония аграр сиёсатининг асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлади?

8) Япония аграр сиёсатининг устувор йўналишлари қайсилар?

9) Япония аграр сиёсати ҳал қилиши лозим бўлган асосий вазифаларга қайсилар қиради?

10) Европа Иттифоқи аграр сиёсатининг умумий хусусиятлари нималарда ўз аксини топади?

11) Умумий Аграр Сиёсат нима ва у қачон пайдо бўлган?

12) Умумий Аграр Сиёсат қайси тамойилларга суянади?

13) Европа Иттифоқи аграр сиёсатини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари нималарга қаратилган?

8-мавзу. Қишлоқ хўжалик бозорлари ва уларнинг турлари.

Асосий саволлар:

1. Қишлоқ хўжалик бозорлари тушунчаси ва вазифалари.
2. Қишлоқ хўжалик бозорларининг функциялари.
3. Қишлоқ хўжалик бозорларининг таркиби.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: бозор, қишлоқ хўжалик бозорлари, қишлоқ хўжалик бозорлари турлари, қишлоқ хўжалик бозорлари функциялари.

1. Қишлоқ хўжалик бозорлари тушунчаси ва вазифалари.

Иқтисодий назария фанидан маълумки, бозор – айирбошлаш соҳасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир. Бозор иқтисодиёти шаротида қишлоқ хўжалик корхоналари ўз фаолиятларини анча эркин, давлат ишлаб чиқаришга кам аралашадиган ҳолда ташкил этади. Шунинг учун ҳам улар фаолиятини тартибга соладиган асосий восита бозор ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик бозорлари - қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган товар ва хизматлар, маҳсулотларни айирбошлаш билан боғлиқ жараёнлар борасидаги иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир. Иқтисодий эркинлик шароитида қишлоқ хўжалик бозорлари фаолияти икки томонлама характерга эга бўлади. Биринчи томондан, қишлоқ хўжалик бозорлари эркин фаолият юритади, яъни ишлаб чиқарувчилар ҳоҳлаган маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ҳоҳлагандай сотиш имкониятига эга бўлади ва улар фаолияти эркин амалга ошади. Иккинчи томондан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг ҳаддан ташқари кўплиги, рақобатнинг кучлилиги, бозор фаолиятини бошқаришни қийинлаштиради ва айнан шу нарса кўпгина ишлаб чиқарувчилар фаолиятида қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Қишлоқ хўжалик бозорлари бир қатор иқтисодий қонунлар асосида амал қилади. Улар ичидан энг аҳамиятли деб қуйидагиларни ҳисоблаш мумкин:

- қиймат қонуни – бунга кўра маҳсулот харажатларни ҳисобга олинган ҳолда сотилади, аммо, маҳсулот харидор уни қанча қийматда тан олган бўлса ўша баҳода сотилади;

- ресурсларни тежаш қонуни – харажатларни доимий равишда пасайтириб борган ҳолда ресурсларни тежаш ва маҳсулот сифатини ошириб бориш доимийлигини бозор шарт қилиб қўяди. Бу қонуннинг бузилиши қиймат қонунинг тўлақонли амал қилишига имконият бермайди;

- мувозанат қонуни – бу қонун талабларига кўра бошқа тенг шароитларда истеъмолчилар талабларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш лозимлигини ифодалайди. Бошқача айтганда, бозор истеъмолчилар талабларини улар хоҳлаган вақтда ва хоҳлаган сифатда маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бера олишни таъминлашни тақозо қилади. Умуман олганда, бу қонун талаб ва таклиф мувозанати қонунининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида амал қилиши ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик бозорларининг асосий шарт- шароитлари куйидагилардир:

- *Рақобат.* Рақобат бозорда қиймат, ресурсларни тежаш каби қонунларни амал қилишига асосдир. Рақобат қишлоқ хўжалиги бозорларида сифатни бош масала даражасига кўтарадиган асосий воситадир. Шунингдек, рақобат қишлоқ хўжалик корхоналарини келгусида ўз фаолиятларини ўзгартириш ёки умуман тўхтатишини ҳам белгиловчи асосий восита ҳисобланади.

- *Мулк ҳуқуқи.* Мулк ҳуқуқи қишлоқ хўжалик бозорларининг зарурий, аммо етарли бўлмаган асосидир. Қишлоқ хўжалик бозорларида бир неча мулкка асосланган ишлаб чиқарувчилар фаолият кўрсатади, бу бир томондан рақобатни вужудга келтирса, иккинчи томондан ишлаб чиқариш муносабатларида тенгсизликни ҳам барпо қилиши мумкин. Аммо бозор шароитида ким қандай фаолият юритишни хоҳласа ўшани амалга оширади, аммо мулк ҳуқуқи улар фаолиятини чегаралаб беради.

- *Иқтисодий эркинлик.* Бозор субъектларга қандай ишлаб чиқариш ва сотиш борасида эркинликни таъминлаб беради.

Қишлоқ хўжалик бозорларини бу асослардан ташқари маълум бир бошқарилишга мойиллик жиҳатлари ҳам мавжуд. Чунки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши доимий равишда катта таваккалчилик асосида фаолият юритади ҳамда ишлаб чиқариш жуда кўп бошқа тармоқлар ва бозорлар билан доимий алоқадорликда бўлади. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалиги бозорларини тартибга солишда давлат ва бошқа ташкилотларнинг аралашуви муҳим аҳамият касб этади.

2. Қишлоқ хўжалик бозорларининг функциялари.

Қишлоқ хўжалик бозорлари қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Биринчи функция: Истеъмолчиларни керакли миқдордаги ва сифатдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан барча вужудга келадиган эҳтиёжларини қондирган ҳолда таъминлаш. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аграр сиёсатида етарлича шарт-шароитлар ва механизмларнинг тўла амал қилмаётганлиги натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини тўла талабга жавоб бера олади деб айтолмаймиз. Бозор эса ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларни ўрганган ҳолда керакли маҳсулотларни ишлаб чиқариш лозимлигини талаб қилади, акс ҳолда ички бозор импорт товарлари билан тўлиб кетиши ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўз бозорларини йўқотиб қўйиши мумкин.

Иккинчи функция: Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосини барқарорлаштириш. Бу функция бозорда ҳаққоний баҳо амал қилишини таъминлаши лозим, бу баҳо ишлаб чиқарувчига фойда олишга истеъмолчига яъни тўлов қобилиятини таъминлашни хизмат қилади.

Учинчи функция. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ўсишига эришиш. Бу функция ресурсларни тежаш қонунининг амал қилиш натижаси бўлиб, қонунлар базасида амал қилади. Бу функциянинг таъсир қилиш доирасига қуйидагилар киради: ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

ишлаб чиқарувчиларининг фойда олишлари, илмий-техник тараққиётини ривожлантириш.

Тўртинчи функция. Тармоқлараро алоқаларни такомиллаштириш ва ривожлантириш. Бу функциянинг амал қилиши ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналтирилган. Унинг алоҳида функция қилиб ажратилиши эса, унинг амал қилиши битта қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи корхонасининг ўзи билан чекланиб қолмасдан, бутун агросаноат мажмуи ишлаб чиқариш, (қайта ишлаш ва сотиш) ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари (умумий овқатланиш, машинасозлик, транспорт, алоқа ва бошқалар) билан алоқадорликни таъминлашга қаратилган.

Бешинчи функция. Қишлоқда ижтимоий инфраструктурани ривожланишини таъминлаш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш. Бу функция ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш функцияси ва қишлоқ хўжалик корхонасининг фойдалилигини таъминлаш билан ҳамбарчас боғлиқдир. Бошқа томондан олганда, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим жараёнларидан бири – “иш кучи ” такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди.

3. Қишлоқ хўжалик бозорларининг таркиби.

Қишлоқ хўжалигида мавжуд бозор механизмини турли-туман турларга бўлинган ва амал қилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорларининг йиғиндиси тарзида тасаввур қилиш мумкин. Илмий нуқтаи-назардан ўрганиш ва маълум тадқиқотларни амалга ошириш мақсадида қишлоқ хўжалик бозорларини гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалик бозорларини турли белгиларига кўра таснифлаш мақсадга мувофиқдир, чунки ҳозирги глобал иқтисодий ривожланиш шароитида бошқа барча бозорлар каби қишлоқ хўжалик бозорлари ҳам мураккаб таркибга эга (1 -жадвал).

Бозорларнинг таснифланиши

Таснифланиш белгиси	Бозорларнинг турлари
1. Худудий камраб олинишига кўра.	1. Жаҳон бозори (очик, ёпиқ). 2. Халқаро бозорлар. 3. Миллий бозор(ички): худудий бозорлар ва локал бозорлар. 4. Хом ашё экспорт қилувчилар бозори. 5. Саноати ривожланган мамлакатлар бозори. 6. Ривожланаётган малакатлар бозори.
2. Товар харакати босқичлари ва сотувчи-харидор ўртасидаги муносабатларга кўра.	1. Ички улгуржи бозорлар (маҳсулот турлари бўйича). 2. Ички чакана бозорлар (маҳсулот турлари бўйича).
3. Аҳоли жон бошига ва бир оиланинг даромад даражаси ва таркиби, унинг тақсимланиш характерига кўра.	1. Паст ва жуда паст даромад даражасидаги мамлакатлар ва худудлар бозори. 2. Кўпчилик қисми ўртача даромад даражасидаги мамлакатлар бозори. 3. Паст, ўртача ва юқори даромад даражасига эга мамлакатлар бозори. 4. Жуда юқори даромад даражали мамлакатлар бозори.
4. Кўп даражали деталлашган товар-тармоқли белгига кўра.	1. Машина ва ускуналар бозори. 2. Минерал ўғитлар ва ёқилғи бозори. 3. Қишлоқ хўжалиги хом ашёси бозори. 4. Озиқ-овқат ва гўшт маҳсулотлари бозори.
5. Яқуний фойдаланиш тавсифига кўра.	1. Саноат йўналишидаги товарлар бозори. 2. Истеъмол йўналишидаги товарлар бозори.
6. Товарлар ишлатилиши муддатига кўра.	1. Узоқ муддат ишлатиладиган товарлар бозори. 2. Қисқа муддат ишлатиладиган товарлар бозори. 3. Бир марта ишлатиладиган товарлар бозори.
7. Ижтимоий-демографик белгиларига кўра	1. Эркаklar товарлари бозори. 2. Аёллар товарлари бозори. 3. Ёшлар учун товарлар бозори. 4. Болалар товарлари бозори.
8. Маҳсулот белгиси бўйича.	1. Пахта бозори. 2. Ғалла бозори. 3. Тамаки бозори. 4. Картошка бозори. 4. Мева ва сабзавотлар бозори. 5. Шакар бозори. 6. Гўшт маҳсулотлари бозори. 7. Сут маҳсулотлари бозори. 8. Ўсимлик ёғи бозори. 9. Озуқа бозори ва бошқалар.

Умуман олганда, турли иқтисодий фанларда қишлоқ хўжалик бозорларини турлича таснифлашади. Қишлоқ хўжалик бозорларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1-гуруҳ – қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори (фақат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўз маҳсулотлари бозор объекти бўладиган бозорлар);

2-гуруҳ – қишлоқ хўжалиги учун моддий-техника ресурслари бозори;

3-гуруҳ – хизмат соҳалари бозори;

4-гуруҳ – савдо соҳалари бозори (маркетинг хизматлари бозори).

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорида қишлоқ хўжалик корхоналари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини мустақил сотиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширадилар. Хизматлар бозоридан фойдаланмасдан бундай бозор туридан фойдаланиш қишлоқ хўжалик корхоналарига бевосита истеъмолчилар билан алоқа қилиш имкониятини яратади, шунингдек, улар қўшимча харажатларни ҳам тежаб қолишга муваффақ бўладилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорлари умумий ҳолда қуйидаги турларга бўлинади:

- ўсимликчилик маҳсулотлари бозорлари;
- чорвачилик маҳсулотлари бозорлари;
- қайта ишлаш саноати маҳсулотлари бозорлари.

Истеъмол жараёнининг ҳолатига ва ички ишлаб чиқариш салоҳиятига қараб қишлоқ хўжалик корхоналари санаб ўтилган бозорларнинг ўзларига мосида фаолият юритишлари мумкин. Бу иштирок қўшимча харажат ва қўшимча малакани, шу билан биргаликда бозорда мавжуд қўшимча рискни ҳам ҳал қилиш вазифаси ётади. Алоҳида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турининг катта миқдорига эга бўлган ишлаб чиқарувчилар янада ихтисослашган қишлоқ хўжалик бозорларига кириши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори пахта бозори, сабзаёт маҳсулотлари бозори, ғалла бозори каби янада ихтисослашган бозорларга бўлинади.

Қишлоқ хўжалиги учун моддий-техника ресурслари бозори қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун керак бўладиган моддий-техника воситалари ва техника билан таъминлаш фаолиятини амалга оширади. Бу бозор қуйидаги турларга бўлинади:

- қишлоқ хўжалиги машина ва механизмлари бозори;
- моддий-техника захиралари бозори (ёқилғи, энергия, саноат хом-ашёси ва материаллар);

- минерал ўғитлар бозори;
- чорвачилик учун озуқа бозори.

Биринчи санаб ўтилган 3 та омил ташқи, яъни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаган, тўртинчиси эса бевосита қишлоқ хўжалигида яратиладиган ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотидан тайёрланадиган ишлаб чиқариш ресурси ҳисобланади. Бунда айирбошлаш томонлари бир тармоқ вакиллари бўлади, яъни бозорда ўсимликчилик тармоғи сотувчи ҳисобланса, чорвачилик ўз-ўзидан сотиб олувчи сифатида фаолият юритади. Бундан ташқари, агар ишлаб чиқариш муносабатлари комплекс йўлга қўйилса, бу бозор ўз-ўзидан йўқолиб кетиши ҳам мумкин.

Хизматлар соҳаси бозорида қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш жараёнларини таъминловчи хизматларни олиш имкониятларига эга бўлишади. Бундай хизматлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ахборот хизмати (алоқа хизмати билан бирга);
- консалтинг (адвокатлик хизмати);
- илмий-тадқиқот хизматлари (элита уруғчилиги билан бирга);
- техник хизматлар (агар қишлоқ хўжалик корхоналари ихтисослашган корхоналарнинг техник қувватларидан фойдаланишга эҳтиёж сезишса);
- ветеринария хизмати;
- мелиоратив хизматлар;
- изланувчанлик ва ер сифатини яхшилаш билан боғлиқ тадқиқотлар ва бошқалар.

Бу бозорда сотиб олувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ва хизматларни сотувчилар эса хизматларни таклиф қилувчи ташкилот ва муассасалар ҳисобланади.

Савдо соҳалари бозорлари агар қишлоқ хўжалик корхоналари ўз маҳсулотларини сотиш учун вақт ёки малака нуқтаи-назаридан

имконойтларига эга бўлмасалар махсус савдо корхоналарининг хизматларига муҳтож бўлганда вужудга келади. Бу бозорда қуйидаги хизмат турлари таклиф қилинади:

- дилерлик ва дистрибютерлик ташкилотларининг хизматлари;
- улгуржи ва чакана савдо корхоналари хизматлари;
- умумий овқатланиш корхоналари хизматлари;
- қайта ишлаш корхоналари хизматлари.

Қишлоқ хўжалик бозорларининг бу шаклда таснифланиши фақат шартли ҳисобланади, чунки ҳар бир гуруҳнинг ўзи яна бир нечта бозордан таркиб топиши мумкин, шунинг билан биргаликда айрим тур маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишнинг такомиллашиши ёки кучли ихтисослашуви янги бир бозорни вужудга келишига асос бўлиши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Қишлоқ хўжалик бозорлари нима?
2. Қишлоқ хўжалик бозорларининг асосий вазифалари қайсилар?
3. Қишлоқ хўжалик бозорларининг функциялари қайсилар?
4. Қишлоқ хўжалик бозорларининг таркибини айтинг.
5. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори хусусиятлари нималар?
6. Қишлоқ хўжалиги учун моддий-техникавий ресурслари бозорининг хусусиятлари.
7. Хизмат соҳалари бозори хусусиятлари.
8. Савдо соҳалари бозори хусусиятлари.

9-мавзу. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозорлари.

Асосий саволлар:

1. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг аҳамияти.
2. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозорини шакллантириш сиёсати.
3. Қишлоқда меҳнат бандлиги муаммоларини ҳал қилиш йўллари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Меҳнат, меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, меҳнат бандлиги, «Инсон» капитали, меҳнат таклифи, меҳнатга бўлган талаб, иш кучи нархи, иш хақи, меҳнат бозорини шакллантириш сиёсати.

1. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг аҳамияти.

Иқтисодиёт ривожланишида ишлаб чиқариш омилларининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш омиллари бозори корхона учун келгусида ўз фаолиятини талаб асосида ва ўз имкониятлари даражасида ривожланиш стратегиясини танлашларига имконият яратади. Ишлаб чиқариш омиллари бозори ўзига хос хусусиятларга эгадир ва ўз навбатида товар ва хизматлар бозоридан фарқланади. Омиллар бозорининг товар ва хизматлар бозоридан фарқли томонлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ишлаб чиқариш омиллари бозори ишлаб чиқариш характериға эга, яъни уларға зарурият истеъмол товарлари ишлаб чиқаришға эҳтиёжнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

2. Ишлаб чиқариш омиллари бозоридаги асосий бозор субъектларининг иқтисодий роли ва иқтисодий манфаатлари ўзига хос характериға эга. Фирмалар товар ва хизматлар бозорида сотувчи ролида чиқишади, ишлаб чиқариш омиллари бозорида харидор ролини бажаради. Уй хўжаликлари товар ва хизматлар бозорида харидор, ишлаб чиқариш омиллари бозорида сотувчи ҳисобланишади.

3. Ишлаб чиқариш омиллари бозорида ишлаб чиқариш таклифи шаклланади. Сотиладиган ишлаб чиқариш омилларидан истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун фойдаланилади, яъни товар ва

хизматлар учун ишлатиладиган ресурслар баҳолари уларни фирмалар ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида тақсимланишини тартибга солади.

4. Ишлаб чиқариш омиллари бозори ўзига хос функцияларни бажаради:

- турли ишлаб чиқариш омиллари баҳолари даражасини аниқлайди;
- фирма ва тармоқлар ўртасида чекланган ресурсларни оқилона тақсимлайди;
- товар ва хизматларни янада самарали ишлаб чиқаришга кўмаклашади;
- танланган турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва фойдани максималлаштиришга ресурслардан қандай қилиб, қандай усулда ва қандай уйғунликда фойдаланиш лозимлигини белгилайди;
- омилли даромадлар, уларни ҳажмини тақсимлаш характерини белгилайди;
- товар ва хизматлар ким учун ишлаб чиқарилаётганлигини аниқлайди, иқтисодий ресурслар учун тўланадиган ҳақ қандай ҳолатда, унинг эгалари асосий даромад манбаси ҳисобланишидан аниқлайди;
- умумий микроиқтисодий мувозанатни ўрнатилишда иштирок этади.

Омилларнинг асосийларидан бири меҳнат омили бўлиб, бу омилни асосан иш кучи ресурси беради. Меҳнат ресурсларининг намоён бўлиши ҳозирги даврда “Инсон” капитали категорияси орқали ифодаланади. “Инсон” капитали – ишчи эга бўлган билим ва имкониятлар захирасидир. Бундай захиранинг миқдори келгусида “инсон” капитали эгаси даромадларини кўпайтириш салоҳияти мавжудлигини кўрсатади.

“Инсон” капитали нуқтаи назаридан қараганда, иш ҳақидаги фарқлар турли ишчиларнинг турли унумдорликда ишлашларида ифодаланади. Юқори малакали ишчилар юқори чегаравий маҳсулот яратадилар ва мос равишда юқори даражадаги иш ҳақи оладилар.

Фирмалар ўз ишловчиларини ишлаб чиқаришга доир ўқитишлари асосида “инсон” капиталини яратиш билан биргаликда, ички меҳнат бозорини ҳам шакллантирадилар. Ички меҳнат бозори, қоида бўйича катта фирмалар доирасида вужудга келиб, унда вакант жойларни малака ошириш

асосида ўз ишчилари ҳисобига тўлдиришга асосланган ҳолда четдан ёллашдан қочилади.

Ички меҳнат бозори икки функцияни бажаради: биринчидан, у ёллашга минимум харажат талаб қилади (фақат таълимга), иккинчидан, иш билан банд ишчиларни жорий ишларини келгусида шу фирмада хизмат мавқеида кўтарилишига умид қилиб сифатли бажаришларини рағбатлантиради.

Ўз ишловчиларидан самарали фойдаланишнинг яна бир усули мукофотлашдир. Фирмалар ушбу усул билан ўз ишловчиларини яхшироқ ва кўпроқ сифатли ишлашга рағбатлантирадилар. Инсоннинг жамият ижтимоий-иқтисодий муносабатлари тизимидаги роли ва ўрни бир хил эмасдир. Инсон ўз табиатига кўра кўпгина ўзига хос сифат ва хусусиятларига эга бўлиб, турли рол ўйнайди, турли-туман функцияларни бажаради ва шу билан бирга замонавий иқтисодиёт тизимида турли ўрин эгаллайди. Замонавий иқтисодиётда инсоннинг роли қуйидагиларга бўлинади:

- a) жамият бойликларини яратувчи асосий омил ва пировард шарт-шароит;
- b) ишлаб чиқариш мақсади ва натижа, иқтисодий ривожланиш мезони;
- c) меҳнат жараёнида яратиладиган неъматлар истеъмолчиси;
- d) жамият иқтисодий-ижтимоий ривожланишини ҳаракатлантирувчи, аниқловчи куч.

Инсоннинг иқтисодиётдаги роли уч асосий даражада ифодаланади:

- атрибутивлик, аниқловчи хусусият;
- тарихийлик;
- такрор ишлаб чиқаришлик.

Атрибутив даражадаги инсоннинг асосий хусусиятлари ва сифати унинг биоижтимоий жонзот сифатларида намоён бўлади ва қуйидагиларда ифодаланади:

- меҳнатга лаёқати ва истеъмолга лаёқати;
- иш кучи ва истеъмолчилики кучи;
- меҳнат иш кучи функцияси эканлиги ва истеъмол кучи функцияси эканлиги;

- зарурий меҳнатга лаёқатлилиги ва қўшимча меҳнатга лаёқати;
- меҳнат фаолиятини ижодий характерга эгаллигини англаш қобилияти;
- меҳнатнинг мақсадга йўналганлиги ва уни ақлли мақсадларга эришиш учун бошқара олиши.

Инсоннинг тарихийлик даражаси аниқ тарихий шароитлар, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ривожланиш даражаси, хўжалик юритишнинг бозор тизими ривожланиш даражаси каби функционал шароитларга боғлиқ бўлади. Инсоннинг тарихийлик даражаси таркибини қуйидаги кўринишда тасаввур қилиш мумкин:

- инсон табиий жонзот сифатида, табиатнинг ажралмас қисми сифатида;
- инсоннинг ибтидоий жамоадаги тури;
- инсон ҳуқуқий эркинликдан айрилган жонзот сифатида, қул;
- деҳқон сифатидаги инсон;
- инсон ҳуқуқий эркин шахс, “иш кучи” товарига эга шахс;
- тўлиқ, ҳар томонлама ривожланган “эркин” шахс.

Инсоннинг такрор ишлаб чиқариш таркибидаги роли меҳнат тақсимооти ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш тизимидаги ўрнига қараб белгиланади.

У қуйидагиларда ўз аксини топади:

- аниқ касб ва малакага эга шахс;
- ижтимоий такрор ишлаб чиқариш соҳасида маълум эгаллаган фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш жараёнида инсоннинг роли (бошқарувчи ёки бажарувчи);
- у ёки бу иерархик тартибда эгаллаган аниқ жойи.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан меҳнат ресурсларининг миқдори, таркиби, малакаси ва улардан оқилона фойдаланишга боғлиқ бўлади. Чунки қишлоқ хўжалигида бажариладиган ишларнинг аксарият қисмини қўлда бажариладиган ишлар ташкил этади.

Меҳнат - инсоннинг мақсадли фаолияти бўлиб, бу жараёнда у табиат предметларини ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун мослаштиради ва ўзгартиради. Ўз кучини қўшиш асосида инсон меҳнат қуролларидан фойдаланиб, табиат берган материалларни, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган моддий неъматларга, бойликларга айлантиради. Меҳнатнинг ишлаб чиқаришдаги иштироки меҳнат жараёнида намоён бўлади. Меҳнат жараёни ўз ичига 3 элементни қамраб олади:

1. Меҳнат воситаси;
2. Меҳнат предметлари;
3. Бевосита инсон меҳнати.

Меҳнат иқтисодий категория ҳисобланади ва унинг характери ишлаб чиқариш муносабатлари билан аниқланади. Фан ва техника қанчалик ривожланиб кетмасин, яъни ишлаб чиқариш воситалари ва предметлари қанчалик такомиллашиб кетгани билан қишлоқ хўжалигида меҳнат ўзининг ҳал қилувчи ролини сақлаб қолади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг аҳамияти унинг шаклланиш ва фойдаланиш хусусиятларидан келиб чиқади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Биологик ишлаб чиқариш воситалари, тирик организмлар – тупроқ, ўсимлик, ҳайвонларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш учун ходимлар меҳнати мазмунини йўналтирилганлиги. Бу қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш тирик организмларининг ривожланиши, ўзгаришига, уларнинг табиатини ноорганик элементидан органик моддаларга синтезлашувига боғлиқдир;

2. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги табиий-иқлим шароитларига боғлиқдир. Иқлимнинг ўзгариб туриши ўсимлик ва ҳайвонотга қулай шароит яратишни тақозо қилади;

3. Кўпчилик ходимларнинг бир қанча меҳнат вазифаларини бажариши. Бундай аралашувнинг зарурлиги иш турининг кўплиги ва бажариш

муддатининг мавсумийлигидан келиб чиқади. Қишлоқ хўжалиги ходими алоҳида технологик операцияларни бажаришга ихтисослашган кенг малакали бўлиши керак;

4. Ишлаб чиқариш жараёнида ер, моллар ва бошқа ресурсларнинг мустақил эмаслиги. Пировард маҳсулот натижасига иқтисодий жавобгарлигини таъминлаш учун ходимларга умумий ер майдонини эмас, балки аниқ далаларни, бутун чорвани эмас, аниқ моллар бош сонини беркитиб қўйиш лозим;

5. Меҳнат жараёнларининг ўз-ўзини бошқариши. Биологик ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида биологик жараёнда шароитлар тез-тез ўзгариб туради, шунинг учун бу ерда четдан туриб бошқариш имконияти анча чегараланган;

6. Ходимлар даромадининг ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқлари пировард иқтисодий натижаларига боғлиқлиги. Бу боғлиқлик меҳнат операцияларини бажариш пайтида ходимдан технологик талабларга риоя қилишда ўзини қаттиқ назорат қилишнинг бевосита шарти бўлиб ҳисобланади;

7. Ходимлар меҳнатининг фақат ижтимоий хўжаликда эмас, балки деҳқон хўжалигида ҳам қўлланилиши.

2. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозорини шакллантириш сиёсати.

Меҳнат бозори дейилганда, иш излаётганлар ва иш берувчилар манфаатларини бирлаштиришга хизмат қиладиган иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизими тушунилади. Меҳнат бозори – меҳнат хизматларини сотувчилари ва харидорлари ўртасидаги муносабатлар соҳаси бўлиб, унинг натижасида меҳнат хизматининг тақсимланиши ва меҳнатнинг баҳо даражаси ўрнатилади. У ўзида катта қисмдаги меҳнат муносабатлари ва унга жалб қилинган шахсларни қамраб олади. Меҳнат бозори орқали кўпчилик ишловчи аҳоли иш жойи ва даромадга эга бўлади. Меҳнат бозори махсус эътиборга молик қатор хусусиятларга эга:

1. Меҳнат бозорида инсон эмас, балки унинг меҳнат хизматлари сотилади;

2. Меҳнат учун компенсация сифатида иш ҳақи билан биргаликда турли кўшимча манфаатлар ҳам тақдим қилинади;

3. Меҳнат шартномалари кўп томонлама келишув ҳисобланади.

Келишувнинг кунлик томонларидан ташқари у ўзида яна қуйидагиларни камраб олади: а) меҳнатнинг тузилиши ва шароитлари; б) иш ўрни бўйича ҳаракатланиш истикболлари; в) раҳбариятнинг субординацион меъёрлари ва жамоадаги муҳит; г) иш жойининг сақланиш эҳтимоллиги.

4. Меҳнат бозоридаги барча ишчилар кўп хусусиятлари бўйича биридан фарқланади, хусусан, имкониятлари ва афзал кўришлари билан, ишлар эса талаб қилинадиган малака ва меҳнат шароитлари бўйича турланади.

5. Меҳнатни сотиш жараёнида сотувчи ва харидор муносабатлари давомийлиги муҳим аҳамиятга эга: у иш берувчига ҳам, ёлланма ишчига ҳам бир хил манфаат келтиради. Ишнинг давомийлик даражасига ишчининг тажрибаси ҳам боғлиқ бўлади, бу ўз навбатида меҳнат унумдорлигини оширади ва шунинг билан биргаликда ишловчининг кунлик компенсацияси миқдори ошади. Иш берувчи ишчини ўқитиш баробарида унга яхшигина маблағ сарфлайди. Шунинг учун ҳам шартномани бекор қилиш ҳар икки тарафга зарар келтиради.

6. Кўпчилик кишилар иш кучини сотувчи бўлиш билан бир қаторда, тайёр маҳсулотни сотиб олувчилар ҳамдир, ишсизлик уларнинг ҳаёт даражасини кескин пасайтириб юбориши мумкин. Бугунги ишлатилмаётган меҳнат хизмати иқтисодиётга доимий ҳаражат бўлиб ҳисобланади.

Меҳнат бозорида давлат, бизнес ва профсоюзлар манфаатларини намоён қиладиган кўплаб институционал таркиблар мавжуд. Уларнинг ҳар бири меҳнат бозорига “ўз қоида”сини киритишга ҳаракат қилади.

Такомил рақобат шароитида меҳнат бозори қатор мўлжал ва чекланишлар асосида шаклланади:

1. Меҳнат бозорида кўплаб ишловчилар ва тадбиркорлар иштирок этади, шунинг учун ҳам уларнинг ҳеч қайсиси меҳнатнинг бозор баҳосига катта таъсир кўрсата олмайди. Уларнинг ҳаммаси баҳони бозордан қабул қилувчилар ҳисобланишади.

2. Ишловчилар ва тадбиркорлар ўзларининг эркин қарорлари асосида меҳнат бозорига кирадилар ва чиқиб кетадилар. Ишловчилар ҳеч қандай чекловларсиз бир тадбиркордан иккинчисига ўтиб кетишлари мумкин.

3. Тадбиркорлар ҳам, ишловчилар ҳам иш ҳақини ошириш ёки тушириш бўйича меҳнат бозорида қандайдир ташкилот тузмайдилар. Бу бозорда давлатнинг тартибга солиш ишлари паст даражада бўлади.

4. Меҳнат бозори ҳақида ҳар икки томон яхши ахборотга эга бўладилар. Иш кучи сотувчилар мавжуд вакансия, ёлланиш шартлари, иш ҳақи даражаси ва бошқа шартлар ҳақида, меҳнатни сотиб олувчилар эса меҳнат таклифи масштаби ва меҳнат хизматини сотувчиларини қаноатлантирадиган иш ҳақи даражасини биладилар.

5. Ишловчилар ва тадбиркорлар ҳатти-ҳаракатларида иқтисодий асослар мавжуд бўлади. Бошқа тенг шароитларда ишловчилар юқори иш ҳақини афзал кўришади, тадбиркорлар фойдани максималлаштиришга ҳаракат қилади.

Меҳнат бозоридаги иш ҳақи даражасининг тебраниш тенденцияси меҳнатга бўлган талаб ва унинг таклифини мувозанат ҳолга келишига асос бўлади. Меҳнат бозори уч асосий кўрсаткич орқали ифодаланади:

Биринчидан, иш кучининг таклифи. Бу кўрсаткич ўз навбатида қуйидаги тоифаларни қамраб олади: а) ўқув муассасаларини битириб, илк бор иш қидираётган фуқаролар; б) корхона ва ташкилотлардан бўшатирилганлар; в) вақтинчалик иш билан банд бўлмаган аҳоли. **Меҳнат таклифи – иш излаётган, ишсизлар миқдоридир.** У бошқа тенг шароитларда меҳнатнинг муқобил баҳоси даражасида меҳнат бозори томонидан ўрнатилган иш ҳақиға рози бўлган ҳолда, белгиланган вақтда ишлашга инсонларнинг истак ва имкониятларини борлиги орқали намоён бўлади.

Меҳнат таклифи қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- аҳоли сони ва унинг меҳнатга лаёқатли қисми;
- меҳнат ва дам олиш ўртасида вақтни тақсимланиши бўйича индивидуал устунликларнинг мавжудлиги;
- иш ҳақи таркиби ва даражаси.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг етарлилиги ҳолатида умумий меҳнат таклифи, унда иштирок этувчиларга боғлиқ бўлади, яъни, меҳнат бозорига чиқишга қарор қилганлар ва ҳар бир сотувчи таклиф қилаётган меҳнат миқдорига боғлиқ бўлади. Индивидуал меҳнат таклифи инсонлар хатти-ҳаракатлари билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб, у “меҳнат – дам олиш” муқобили асосида шаклланади.

Иккинчидан, иш кучига бўлган талаб, яъни яратилган янги иш ўринларини ва мавжуд бўш иш ўринлари. **Меҳнатга бўлган талаб** – бошқа тенг шароитларда, ҳозирги вақтда меҳнатнинг бозор баҳосида иш берувчи хоҳлаган ва сотиб олиши мумкин бўлган меҳнат миқдоридир. Меҳнатга талаб – ишлаб чиқариш характериға эгадир, чунки у ҳозир ва келгусида жамият учун керак бўладиган истеъмол товарлариға бўлган талабдан келиб чиқади. Меҳнатга бўлган талабнинг ишлаб чиқариш омиллариға бўлган талабга боғлиқлиги, бир омилнинг ишлаб чиқариш унумдорлиги бошқа қўлланиладиган омилларнинг ишлаб чиқаришда фойдаланишиға боғлиқлиги орқали ифодаланади.

Исталган фирма меҳнат харажатларини ошириб боради, қачонки, ёлланма бир бирлик меҳнат уни сотиб олиш қийматидан ошиқча даромад келтирса. Чегаравий меҳнат маҳсули (MP) - қўшимча бир бирлик меҳнатни ишлатиш натижасида олинадиган ялпи маҳсулотнинг қўшимча ўсишидир. Меҳнат маҳсулининг чегаравий даромади(MRP)- меҳнат маҳсулини сотишдан фирма оладиган қўшимча даромаддир, ёки қўшимча ишчини ёллашдан олинадиган чегаравий даромад ҳисобланади ($MRP = MP \times P$). Қўшимча ишловчини ёллаш ҳақида қарор қабул қилиш меҳнат маҳсули чегаравий даромадидан қўшимча меҳнат бирлиги ёллаш учун қилинган

чегаравий харажатларни (иш ҳақи - W) фарқи сифатида аниқланади. Бундан кўшимча меҳнатни ёллашнинг асосий қондаси шаклланади:

- 1) агар $MRP > W$ бўлса, фирма кўшимча ишловчи ёллаши муҳим бўлади;
- 2) агар $MRP < W$ бўлса, фирма ишловчи ёллаш ўрнига, ишловчиларни қисқартиради;
- 3) агар $MRP = W$ бўлса, фирма ўз даромадларини максималлаштиради.

Меҳнатга талаб – ишлаб чиқариш характеридаги талаб бўлиб, бандлик иш ҳақи даражасига тескари пропорционалдир. Шу билан биргаликда, бу кўрсаткичлар бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади. Ўзгарувчиларнинг бир-бирига таъсирини ўлчаш учун эластиклик кўрсаткичидан фойдаланилади. Меҳнатга бўлган талабнинг ўзгариши (ΔL) иш ҳақи ўзгаришига (ΔW) боғлиқ равишда меҳнатга бўлган талаб эластиклигини белгилайди. Бу кўрсаткич қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- а) фирма маҳсулотларига талабнинг эластиклиги;
- б) маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланадиган умумий харажатларда иш ҳақининг улуши;
- в) меҳнатни бошқа ресурслар билан аралашиб кетиши даражаси;
- г) иш ҳақини ўзгаришига фирмани мослашувчанлик даврининг давомийлиги.

Учинчидан, иш кучининг нархи ёки иш ҳақи. Ишловчи аҳоли бир-биридан кўп белгилари бўйича фарқланувчи индивидлардан таркиб топади ҳамда иш ҳақи ва бандликка таъсир кўрсатади. Меҳнат ҳақи фарқларидаги асосий мезонлар қуйидагилар ҳисобланади:

- а) **ёш ва тажриба**. Иш ҳақи ёш билан биргаликда ўсиб боради, энг юқори даражага эришади ва кейин туша бошлайди;
- б) **жинс ва ирқ**. Кўпгина ривожланган мамлакатларда аёллар ва “рангли” ишчилар “оқ” эркаклардан кўра ўртача олганда кам иш ҳақи олишади.
- в) **имконият ва малака**. Барча имконият ҳамда малака худди генетик келиб чиқиш каби ўқиш ва таълим жараёнларида ҳам шаклланади. Уларнинг ҳар қайсиси ишдаги ютуқлар ва иш ҳақи даражаси бўйича муҳим

детерминант ҳисобланади. Инсонларнинг даромадларни ошириш учун билим ва имкониятларни эгаллаши ишлаб чиқариш жараёнида “инсон” капитали номини олди.

г) **ишга ва рискка муносабат.** Рискка муносабат – индивиднинг ўз хусусиятларини аниқлаб берадиган даромадлардаги фарқнинг муҳим манбасидир. Кўпгина касблар чекланган хавфсизликка ва даромадга эга, аммо етарлича ҳаёти давомидаги узлуксиз даромад ҳисобланади, жумладан, истеъфодан кейин ҳам нафақа ҳуқуқини беради. Бошқа касблар жуда катта даромад беради, аммо реал хавф билан боғланган. Барча инсонлар рискли ишларни афзал кўришлари бўйича бир-биридан фарқланишади. Бундай афзалликларнинг турли даражалари кишилар даромадлари даражасида ифодаланиши мумкин.

д) **макон.** Ишловчиларнинг иш ҳақлари уларнинг бир хил малака даражаси ва бир хил касбига қарамай маконга боғлиқ ҳолда сезиларли фарқланиши мумкин. Масалан, Лондондаги катта ёшли эркак Шимолий Ирландиядагига қараганда 2 баробар кўп иш ҳақи олади.

Ушбу кўрсаткичларга биноан, меҳнат бозорини бошқаришнинг асосий йўналишлари иш кучига бўлган талаб ва таклифни шакллантириш ва уларни мувозанатини таъминлашга қаратилган. Меҳнат бозорини бошқаришнинг асосий йўналишларига қуйидагилар киради:

- янги иш ўринларини яратиш, мавжудларини эса сақлаб қолиш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун иш ўринларини ажратиш (квота);
- жамоат ишларини ташкил қилиш;
- тадбиркорлик, оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш;
- иш кучи сифатини ошириш, ўқитиш ва касбга йўналтириш;
- меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва шу орқали ишга жойлашишга кўмаклашиш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш, қулай меҳнат шароитларини яратиш;

- ишсизларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш (ишсизлик нафақаси, ишсизларга моддий ёрдам кўрсатиш).

Юқоридаги чора-тадбирларни оқилона амалга оширилиши натижасида ишсизлик даражасининг камайиши ва аҳоли бандлигининг оқилона таркиби шаклланиб боради. Асосий масала – иш кучига бўлган талаб ва таклиф мувозанатига эришишдир. Айниқса, талаб ва таклифнинг сифат жиҳатидан мослиги, яъни, ходимларнинг ва иш жойларининг касблар ва ҳудудлар жиҳатдан мослигига эришиш муҳим ҳисобланади.

Меҳнат бозорида малакасиз иш кучи таклиф қилинса унга талаб юқори бўлмайди. Бундай ҳолларда касбга тайёрлаш жараёнларини тартибга солиш орқали талаб ва таклифнинг мослиги таъминланади. Бу соҳада асосий вазифа кадрларга бўлган эҳтиёж таркибини касблар бўйича аниқлаш ва иқтисодиёт талабига мос ҳолда уларнинг керакли миқдорда тайёрланишини таъминлашдан иборат.

Меҳнат бозорини тартибга солишнинг муҳим воситаси иш ҳақи ҳисобланади. Иш ҳақини иш кучи қиймати, баҳоси тарзида ҳам ифодалаш мумкин. Агар меҳнат бозорида таклиф қилинган иш ҳақи мутахассис кўзлагандан паст бўлса, у ҳолда иш кучи бошқа соҳага, ҳудудга, тармоққа ишга ўтиб кетади. Бундай ҳолат меҳнат бозоридаги талаб-таклиф номувофиқлиги сабабларидан бири ҳисобланади.

Меҳнат бозорини шакллантириш ва тартибга солишнинг йўллари ҳамда усулларига қуйидагилар киритиш мумкин:

- қулай инвестиция иқлимини яратиш;
- меҳнатни рағбатлантиришнинг илғор усуллари орқали доимий, барқарор иш жойларини яратиш;
- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган объектларни барпо қилиш;
- кичик, ўрта ва қўшма корхоналарни ривожлантириш;
- оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;
- деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш.

3. Қишлоқда меҳнат бандлиги муаммоларини ҳал қилиш йўллари.

Меҳнат бозорининг долзарб муаммоларидан бири ишсизликнинг олдини олишдир. Ишсизликнинг олдини олишга биринчи навбатда меҳнат бозорини тартибга солишнинг фаол сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали эришилади. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг фаол сиёсати яхши ҳақ тўланадиган, қулай шароитли, етарли миқдордаги доимий иш жойлари яратиш, маҳаллий хом ашё асосида ишлайдиган кичик корхоналарни кўпайтириш, хизмат кўрсатиш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш каби масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган. Бу соҳаларни ривожлантириш иқтисодиётнинг ўсишини тезлаштириб, аҳоли даромадларини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун ҳам маблағларнинг етарли бўлишини таъминлайди ва давлат учун ортиқча муаммоларни келтириб чиқармасликни таъминлайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам меҳнатга қобилиятли ишламаётган фуқаролар мавжуд. Уларнинг ҳар бири ёшига, маълумотига, тажрибасига кўра ўзига хос хусусиятларга эга. Ишга муҳтож кишиларнинг ана шу барча сифатлари иш кучи таклифини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда иш излаётганларнинг тахминан 70 фоизи ёшлар тоифасига мансуб, 65 фоизи ўрта маълумотли, 50 фоизи ишчи касбларини эгаллашга лаёқатли, 10 фоизи олдин умуман ишламаган фуқаролардан ташкил топган (2008 йил).

Қишлоқда меҳнат муаммоларини ҳал қилишнинг қатор йўллари мавжуд бўлиб улар ичида мамлакатимизда мавжуд шароитларни ҳисобга олиб қуйидагиларидан фойдаланиш мумкин:

1. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини имкон қадар саноатлаштириш даражасини оширишга эришиш ва шу асосда пайдо бўладиган янги корхоналарга бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш.

2. Қишлоқ жойларда касаначиликни ривожлантириш ва улар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишга кенг шароитлар яратиш асосида меҳнат банлигини ва аҳоли турмуш даражасини оширишга эришиш.

3. Қишлоқда бозор инфратузилмаси шохобчаларини қуриш ва кенг ривожлантириш ҳамда шу асосда, биринчидан, қишлоқ хўжалиги тармоғини самарали ишлаб чиқаришга ёрдам кўрсатиш бўлса, иккинчидан, пайдо бўладиган янги иш жойларига бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш мумкин бўлади.

4. Қишлоқ аҳолисини давлатнинг муҳим иқтисодий вазифаларини ҳал қилиш ишларига жалб қилиш орқали меҳнат билан банд қилиш. Бунга қишлоқ аҳолисига чорва молларини бериш, шахсий томорқа хўжаликларига озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришлари учун шароитлар яратиб бериш.

5. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бозор учун фойдалироқ ва кўпроқ меҳнат ресурсларини жалб қилиш имкониятини берадиган таркибий тузилмалар асосда қайта қуриш.

Назорат саволлари:

- 1) Меҳнат ресурслари тушунчаси.
- 2) Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг аҳамияти.
- 3) Омиллар бозори хусусиятлари.
- 4) “Инсон” капитали категорияси нима?
- 5) Иқтисодиётда инсоннинг роли нималарда намоён бўлади?
- 6) Меҳнат жараёнини қандай элементлар қамраб олади?
- 7) Меҳнат бозори нима?
- 8) Меҳнат бозорининг асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
- 9) Меҳнат таклифи нима?
- 10) Меҳнатга бўлган талаб нима?
- 11) Иш ҳақи қандай вазифаларни бажаради?
- 12) Қишлоқ да меҳнат бандлигини ҳал қилиш йўллари сананг?

10-мавзу. Озиқ-овқат хавфсизлиги – миллий озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг стратегияси.

Асосий саволлар:

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишнинг назарий асослари.
2. Озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси, таркиби, мезонлари, параметрлари ва стратегияси.
3. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси ва босқичлари.
4. Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг шаклланиши.
5. Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини бошқариш муаммолари.
6. Ғалла маҳсулотлари бозорининг хусусиятлари.
7. Сабзаёт маҳсулотлари бозори.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Озиқ-овқат хавфсизлиги, очарчилик, тўйиб овқат емаслик, озиқ-овқат таъминоти, озиқ-овқат маҳсулотлари бозори, ғалла бозори, сабзаёт маҳсулотлари бозори.

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишнинг назарий асослари.

Озиқ-овқат муаммоларининг икки жиҳати мавжуд: ижтимоий-иқтисодий ва экологик. *Ижтимоий-иқтисодий* жиҳат озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки етишмаётган қисмини импорт қилиш ҳамда аҳолининг барча қатламларини у билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни қамраб олади. *Экологик* жиҳат атроф-муҳитни сақлаш ва аҳоли соғлиги учун хавфсиз бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни таъминлайдиган тадбирларни ўз ичига олади.

Озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш кейинги пайтларда жаҳон қишлоқ хўжалиги ривожланиш тенденциясидан келиб чиқадиган қийинчиликларга мос равишда анча қийинлашмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ўсиш даражаси унга бўлган эҳтиёжнинг ўсиш даражасидан сезиларли паст бўлмоқда. Натижада кўпгина ҳудудларда сурункали очарчилик муаммосининг пайдо бўлиши кўзга ташланмоқда.

Этакчи мутахассисларнинг фикрича, *тўйиб овқат емаслик* – нормал ривожланиш учун керак бўладиган минимум калория, протеин ва бошқа

озуқа воситалар тўлиқ бўлмаган ҳолдаги овқатланишдир. Тўйиб овқат емасликнинг қуйи даражаси – **очарчилик** бўлиб, у овқат таркибида ҳаддан ташқари калориянинг пастлиги билан тавсифланади. Тўйиб овқат емаслик аҳоли жон бошига даромад даражаси паст бўлган давлатлар учун хосдир. Бундай ҳолат даромад даражаси ўртача бўлган ва ҳаттоки нефт қазиб олувчи мамлакатларда ҳам мавжуддир. Нормал овқатланиш стандартлари Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва FAO (БМТ нинг озиқ- овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти) каби миллий ва халқаро махсус ташкилотлар томонидан аниқланади.

1953 йилда АҚШда ўртача нормал овқатланиш стандарти 3200 ккал/кун ни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 2700 ккал/кун ни ташкил қилади. 2150 ккал ва ундан паст истеъмол қиладиган шахслар тўйиб овқат емайдиган ва очарчилик чегарасида бўлганлар категориясига, 1520 ккал ва ундан кам истеъмол қиладиган шахслар эса очарчилик категориясига киради. Фаол ҳаёт тарзидаги катта ёшдаги одамнинг маълум вақтдаги энергия харажатларини умумий даражасини FAO экспертлари қуйидаги тарзда ҳисоблашни тавсия қилишади:

$$Эх = К*М*Вп$$

Бу ерда:

Эх – организмнинг умумий энергия харажатлари, ккал.

К – 1 кг, тонна массасининг энергия харажатлари коэффициенти, ккал.,

М- тани массаси, кг.

Вп – сутканинг маълум вақти.

К нинг ҳисоб-китоб даражаси даврий равишда аниқлаб борилади. Ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 50 га тенг ҳисобланади. Ўртача стандарт суткасига 2500 ккал ни ташкил қилади, бунда 40 г протеин ва бошқа керакли озуқа буюмларини ўзида қамраб олади.

Ўртача одам организмнинг нормал ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун овқатланиш калорияси ўртача 2500-3500 ккал/сутка ни ташкил қилиши лозим. 1000-1500 ккал/суткадан кам овқатланиш калориясини ташкил қилган

овқатланиш рационали ҳаёт давомийлигини камайтиришга олиб келиши мумкин. FAO нинг баҳо беришича, планетамизда тизимли равишда 500 млн одам очарчиликда яшайди ва тахминан 1 млрд одам тўйиб овқат емайди.

Энергия истеъмоли даражасига боғлиқ равишда инсон яшаш фаолияти 3 та турга бўлинади:

- *оптимал* – 2500-3500 ккал/сутка чегарасида;
- *етишмайдиган* – 1500 дан зиёд, аммо 2500 ккал/суткадан кам;
- *критик* – 1500 ккал/сутка дан кам истеъмол қилинганда.

Суткасига 1000 ккалдан кам энергия истеъмол қилинганда инсон ҳаёти тахминан 50%га қисқаради. Энергия истеъмолига мос равишда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш учта умумий даражага бўлинади:

- *етарли* – 100%;
- *етишмайдиган* – 50-99%;
- *критик* – 50 % дан кам.

Овқатланиш сифатини баҳолашда унинг мавжудлиги ва таркиби билан бир қаторда хавфли маҳсулотларни истеъмол қилиш ҳам киради. Токсикантлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- тупроқ, асосан, радионуклидлар билан захарланган, саноат корхоналари ва автомагистралларга яқин ерларнинг тупроғи;
- минерал ўғитлар, асосан, нитратлар, таркибида азотли моддалар, фосфатлар, калийли ўғитлар, стронций мавжуд бўлган;
- гўнг, таркибида оғир металл ва органик токсикантлар мавжуд бўлган;
- атмосферадаги аэрозоллар ва сув.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, озиқ-овқат хавфсизлиги мураккаб синтетик қараш ҳисобланиб, у хусусий ишлаб чиқаришнинг ўзи билан тўлалигича ҳал қилинмайди ва чуқур изланишларни талаб қилади. Шунинг учун ҳам халқаро ташкилотлар доимий равишда озиқ-овқат миқдорини кузатиб юришади, истиқболни ўрганишади ва агар бу ресурслар захиралари қисқарадиган бўлса эҳтимолли муаммолар ҳақида маҳаллий ҳукуматларни огоҳлантиришади.

Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб бир қатор иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларнинг ҳолатига асосан аниқланади. Келажақдаги талабни аниқлашга ёрдамлашувчи асосий кўрсаткич кутилаётган *аҳоли даромадлари даражаси* ҳисобланади. Бу кўрсаткич ўз навбатида миллий даромад даражаси ва ялпи маҳсулот ҳажмига боғлиқ равишда шаклланади. Аҳолининг бандлик даражаси ва меҳнат унумдорлиги ҳам билвосита даромад даражасига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотига талаб таркиби ва даражасига таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ҳажми ва таркиби истиқболлини белгилашда бундан ташқари қуйидаги шартлар ҳам таъсир кўрсатади:

- бандлик даражасининг ўзгариш тенденцияси (физик иш ва ақлли меҳнат билан бандлик);
- ҳаёт тарзининг ўзгариши (автомобилдан фойдаланиш, уй-жойга эга бўлиш, кийим-кечакларга эҳтиёж);
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўрнини синтетик ва сунъий толалар, сунъий тери ва жун, оксилли озуқалар ўрнини кимёвий алмаштиришлар эгаллаши.

Озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг шаклланишида ижтимоий-маданий омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади, улар сирасига ҳаёт тарзи, кишиларнинг ўртача ёши, овқатланиш анъаналари кабилар киради. Озиқ-овқат хавфсизлигини ҳал қилишнинг асосий мақсади ички ва ташқи омилларнинг ўзгаришидан қатъий назар истеъмолчиларни хом–ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатланиш ва барқарор ҳолда таъминлашдир. Унга эришишнинг муҳим шарт шароитлари қуйидагилар ҳисобланади.

- ҳар бир одам учун озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиш имкониятининг мавжудлиги;
- аҳолининг барча ижтимоий қатлами учун озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлишга иқтисодий имкониятнинг мавжудлиги;
- рационал овқатланиш учун етарли миқдордаги юқори сифатли маҳсулотларни истеъмол қилиш;

Қўйилган мақсаддан келиб чиқиб озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш орқали амалга оширилади:

- барқарор иқтисодий шароитларни яратиш;
- самарали аграр сиёсат юритиш;
- хўжалик субъектлари учун тенг имкониятларни таъминлаш;
- аҳоли бандлиги соҳасида ақилона миллий сиёсат юритиш;
- тўла озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлишда тенгсизлик ва камбағалликни йўқотишга йўналтирилган ижтимоий сиёсатнинг олиб бориш ва ундан фойдаланиш;
- барқарор, интенсив ва турли-туман озиқ-овқат ишлаб чиқаришга эришиш, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш;
- маҳаллий озиқ-овқат ишлаб чиқариш имкониятларини ошириш мақсадида аграсаноат мажмуини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш;
- хом ашё ва озиқ-овқатларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш соҳаларида илғор технологияларни жорий қилиш;
- халқаро меҳнат тақсимоти устунликларидан фойдаланиш;
- экспорт-импорт фаолиятини оптималлаштириш орқали фаол ташқи иқтисодий фаолият юритиш;
- аграр соҳани инвестициялаш.

Аҳоли гуруҳларини даромад даражаси бўйича ўрганиш шуни кўрсатадики, истеъмол даражаси ва даромад даражаси ўртасида боғлиқлик мавжуд. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг даромадлар даражасига мос равишда ўзгаришини унинг эластиклик коэффициенти билан аниқласа бўлади. Бу кўрсаткич даромад даражасининг 1 % га ўзгариши озиқ-овқат талабнинг қанча миқдорда ўзгаришини кўрсатади. Аҳоли даромадлари ўзгариши билан боғлиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг эластиклиги қуйидагича аниқланади:

$$K_y = \frac{y_1}{y} : \frac{x_1}{x}$$

Бу ерда, K_3 – эластиклик коэффициенти;
 y_1 – маҳсулот истеъмолнинг ўсиши;
 y – база давридаги истеъмол;
 x_1 – аҳоли жон бошига даромаднинг ўсиши;
 x – база давридаги аҳоли жон бошига даромад.

Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари билан шуғулланувчи олим Энгелнинг тадқиқотларига кўра аҳоли даромадларининг ўсиши билан уларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига харажатлари улуш нуктаи-назаридан камаяди. “Аҳоли даромадлари ўсиши билан озиқ-овқатларга бўлган талаб камаяди ва аксинча, даромадларнинг пасайиши билан талаб ўсади” (Энгел конуни).

Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб даражасининг ўсиши (норматив ва унга яқинлашиш) билан овқатланиш таркибида сифат бўйича такомиллашиш бўлади. Шу билан биргаликда истеъмол қилинадиган маҳсулотлари миқдори сезиларсиз даражада ўзгаради ва эластиклик коэффициенти юқори бўлмайди. Унинг сезиларли даражада ўзгариши озиқ-овқатларга бўлган баҳонинг ошиши ҳисобига бўлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига истиқболдаги талабни ўрганишга аҳолининг кутилаётган даромад даражаси асос бўлади. Ўз-ўзидан даромад даражаси миллий даромад даражасининг, y эса ўз навбатида ялпи маҳсулот ҳажмининг пировард кўрсаткичи ҳисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳога боғлиқ ҳолда эластиклик даражаси бир қатор омиллардан келиб чиқади, уларнинг асосийлари куйидагилар ҳисобланади:

- алмашувчанлик (алмашувчи товарлар қанча кўп бўлса, унга бўлган талаб даражаси эластик бўлади);
- истеъмолчи бюджетда товарнинг таркибий улуши (y қайси товарга нисбатан юқори бўлса айнан шу товарнинг эластиклиги юқори бўлади);
- вақт омили (вақт давомида талаб тобора эластиклашиб боради);

- товарнинг қулайлиги (товар танқислик даражаси қанча юқори бўлса, шу товарнинг эластиклиги шунча паст бўлади);
- айна товар қондирадиган эҳтиёжнинг интенсивлик даражаси (кундалик ва даврий).

Талабнинг классик қонунига кўра, бошқа тенг шароитларда товар баҳоларининг пасайиши талабнинг ўсишига ва аксинча шароитда аксинча ҳолат рўй бериши лозим. Аммо озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида бу қонуннинг амал қилиши истеъмол даражасининг ҳолатига боғлиқ бўлади. Истеъмол даражасининг ўсаётганлиги ҳолатида талабнинг ошишини кутиш қийин, истеъмол бозорининг бошқа секторларидан фарқли равишда, озиқ-овқат маҳсулотлари бозори талаб томонидан нуқтаи- назаридан анъанавий ва анча барқарордир.

Мамлакат аҳолиси даромадлари даражасининг ўзгариши, асосий тур озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосининг ўзгариши, иш ҳақи даражаси, кўп ҳолатда истеъмол қобилияти ва озиқ-овқат товарлари истеъмоли даражасини белгилайди.

Озиқ-овқат маҳсулотларига жисмоний қулай эга бўлиш имконияти аҳоли томонидан талаб қилинадиган миқдордаги ва ассортиментдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг савдода мавжудлигини ва маҳсулотларининг савдода мавжудлигини ва белгиланган меъёрларга мос махсус истеъмолни таъминлашни кафолатлаш ҳисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотларига иқтисодий эга бўлиш имконияти аҳолининг тури ижтимоий гуруҳларини озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиш имкониятларини тавсифлайдиган, озиқ-овқат маҳсулотлари баҳолари ва даромадлар даражаларини мувозанатлашни кафолатлайдиган ҳамда яқин истиқболда озиқ-овқат маҳсулотларига харажатлар миқдори умумий харажатларда 50% дан ошмаслиги ва келгусида аҳоли умумий харажатларининг 30-35 % идан ошмаслиги имкониятини бериши билан ифодаланади.

2. Озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси, таркиби, мезонлари параметрлари ва стратегияси.

Озиқ-овқат таъминоти барча мамлакатлар иқтисодиёти учун асосий масалалардан ҳисобланади. Кейинги пайтда озиқ-овқат муаммолари шунчалик даражада кескинлашдики, ҳозирги кунда гап озиқ-овқат хавфсизлиги ва ҳаттоки инқирозикризиси ҳақида бормоқда. Дунёдаги озиқ-овқат ресурслари ҳолати ва унинг истикболини кузатиш ва таҳлил қилиш ишларини обрўли халқаро ташкилотлар, хусусан, FAO (БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти) олиб боради. Улар ўз навбатида эҳтимолли муаммолар ҳақида миллий ҳукуматларни огоҳлантиради. Озиқ-овқат муаммолари вақти-вақти билан халқаро форумларда (саммитларда) кўриб чиқилади, уларда дунё ҳамжамиятининг ҳаракат йўналишлари ишлаб чиқилади. Ҳозирги вақтда озиқ-овқат муаммоларини ечишга ёндошиш ўзгарган.

70-йилларда ИТТ ютуқларини қишлоқ хўжалигига тадбиқ қилиш орқали озиқ-овқат муаммосини глобал даражада ечиш имконияти мавжуд, яъни, миллий даражада бу муаммо келиб чиқмайди деган, умумийдан хусусийга йўналиши орқали муаммони ҳал қилиш йўналиши танланган эди. 1972 йилда Стокгольм Кенгаши иштирокчилари озиқ-овқат муаммосини жаҳон бўйича ечиш ва жорий асрнинг охиригача Кенгашда қатнашган 170 мамлакатнинг барчасида очарчилик муаммосини ҳал қилиш масаласини кўриб чиқишди.

Кейинги йилларда янги йўналиш пайдо бўлди, унга кўра озиқ-овқат хавфсизлигини алоҳида мамлакатлар даражасидагина ҳал қилиш мумкин, бу орқали эса глобал масштабда ҳал қилишга уриниш мумкин, яъни муаммони ечишга хусусийдан умумийга бориш орқали ёндошиш талаб қилинади. Бу чекланган омилларнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида жаҳон хўжалигини ривожланиш тенденциясини белгилайди ва озиқ-овқат ҳамда хом ашё ресурсларини қўшимча ўсиш суръатларини юқори бўлишига тўсқинлик қилади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги таркиби кўп даражали муаммоларни ҳал қилишни тақазо қилади, унинг асосий субъект ва унинг функцияси ташкил қилади. Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосининг марказида инсон ва унинг истеъмоли ётади.

2-жадвал.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг таркиби.

Даража	Муаммони ҳал қилувчи субъект	Субъектнинг функцияси
1	2	3
Глобал	БМТ, Ихтисослашган органлар (FAO, WTO, Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича қўмита, Жаҳон банки ва бошқалар)	Давлатларнинг барқарор иқтисодий ривожланишига ёрдам қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг узоқ муддатли дастурлари, озиқ-овқат заҳираларини яратиш
Субҳудудий	Мос ташкилотлар билан худудлараро келишув, форумлар	Барқарор иқтисодий ривожланишга ёрдам қилиш, озиқ-овқатларнинг сифат параметрини яхшилаш.
Миллатлараро (давлатлараро)	Кам ташкиллашган бирлашув (ЕИдан ташқари). Озиқ-овқат маҳсулотларини баҳолари, стандартлари, савдоси бўйича яқуний келишувга асосланган мустаҳкам алоқалар. Форумлар, бошқа кучсиз шаклланмалар	Давлат ва маҳаллий озиқ-овқат фондларини шакллантириш ва барқарор иқтисодий ривожланишига ёрдам қилиш. Озиқ-овқат маҳсулотларини сифат параметрларини яхшилаш.
Миллий (давлат)	Ҳукумат, давлат ҳуқуқ органлари	Барқарор иқтисодий ўсиш, давлат озиқ-овқат фондларини шакллантириш, талаб ва тақлиф баланси.
Маҳаллий	Ҳудудий бошқарув органлари (муниципалитет, туман, вилоят)	Уй хўжалиги даромад олиш учун шароит яратиш, маҳсулот билан таъминлаш ва сифатни назорат қилиш.
Аҳоли гуруҳлари	Даромад даражаси гуруҳлари бўйича уй хўжаликлари	Даромадга эришиш, илмий меъёрлар бўйича истеъмолни таъминлаш.
Оила	Уй хўжалиги	Озиқ-овқат маҳсулотларини тежаш ва истеъмол қилиш.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий ҳал қилувчиси давлат ҳисобланади. Давлат миллий даражасидаги муаммоларни ҳал қилади. Глобал даражада муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилувчи ва энг фаол ташкилот FAO ҳисобланади.

FAO нинг фаолият йўналишлари:

- озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш;
 - қишлоқ жойларини ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш;
- БМТ ва FAO олдида сўнгги йилларда қуйидаги асосий муаммолар пайдо бўлди:
- аҳоли ўсишининг юқори даражаси;
 - МДХ давлатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражасининг пасайиши;
 - ривожланган мамлакатлар ёрдамларининг қисқартиришлари;
 - очарчиликда яшаётганларнинг ошиб кетаётганлиги (тахминан 800 млн киши);
 - узоқ вақт жаҳон бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг паст баҳодалиги.

FAO озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолашда етита индикатордан фойдаланади

1. Жаҳон ғалла бозори захирасини истеъмолга солиштириш, бу озиқ-овқат хавфсизлик даражасини аниқлаш ва фавқулодда ҳолатлар пайтида кафолатни таъминлашда ёрдам беради (норматив-17%, яъни ғалла захираси 60 кунлик истеъмолга етиши керак).

2. Ғаллани экспорт қилувчи мамлакатлар таклифини эҳтиёжга солиштириш (Аргентина, Австралия, Канада, ЕИ, АҚШ).

3. Жами ғалла ва унинг турлари бўйича экспортёр мамлакатларнинг ўтувчи захираларини ички истеъмолга солиштириш (озиқ-овқат ва озуқа мақсадлари бўйича).

4. Ҳиндистон, Хитой ва МДҲ давлатларида ғалла ишлаб чиқариш тенденцияси (ўтган йили ва яқин 10 йилликдаги ўртача йиллик ўсиш).

5. Ғалла импорт қилувчи ривожланаётган мамлакатларда ғалла ишлаб чиқаришнинг ўзгариши.

6. Хитой ва Ҳиндистондан ташқари ривожланаётган мамлакатларда ғалла ишлаб чиқариш тенденцияси.

7. Ғалла турлари бўйича ўртача йиллик экспорт баҳолари.

АҚШ дунёда биринчи бўлиб озиқ-овқат маҳсулотларини стратегик аҳамиятини тан олди ва ўзининг асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи сифатидаги имкониятларини импорт қилувчи мамлакатларга сиёсий таъсир қилишни бошлади. Ҳозирги кунда дунёдаги 100 дан ортиқ мамлакат ғалла импортига қарам ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун маълум тадбирлар қабул қилади. Бу тадбирлар бир қатор шартларга, жумладан, иқтисодий ривожланиш даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Кам даромадли мамлакатларда озиқ-овқат муаммоларини ҳал қилиш қийинчиликлар туғдиради. Очарчиликдан ўзини ҳимоя қилиш масалалари бўйича таниқли мутахассис П.Линдерт очарчилик хавфи унинг қандай тартибдаги кўринишда эканлигида деб ҳисоблайди. У қуйидаги вариантларни ҳисобга олишни таклиф қилади:

- вақтинчалик ёмон ҳосил;
- давомий ёмон ҳосил;
- душман томоннинг вақтинчалик блокада қилиш;
- душман томоннинг давомли блокада қилиш;

Озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолати икки кўрсаткич билан баҳоланади: келгуси йил ҳосилигача сақлашга қолдирилган ғалла захираси, ҳамда аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш ҳажми. Заҳира даражаси йиллик истеъмолнинг 17% идан кам бўлмаслиги хавфсиз ҳисобланади. Заҳиранинг ўзгариши ишлаб чиқариш ва истеъмолни солиштиришга имкон беради. Жаҳон миқёсидаги заҳиранинг критик даражада пасайиши жаҳон бўйича озиқ-овқат

хавфсизлигининг барқарор эмаслиги ва ғалла баҳосининг ошишини билдиради.

Мамлакат даражасида ва мамлакат ичидаги озиқ-овқат хавфсизлиги чегараси ва ҳолатини баҳолашда етарли ҳамда баланслашган истеъмол тамойилига асосланган услубий ёндошишлардан фойдаланилади. Етарли ва баланслашган овқатланиш меъёрлари, истеъмолчиларнинг ёши, иш фаолияти, яшаш жойи ва миллий хусусиятларини ҳисобга олиши лозим.

Миллий озиқ-овқат хавфсизлигини ифодаловчи кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

1. *Озиқ-овқат маҳсулотлари умумий энергетик қиймати* қуйидагича аниқланади:

$$G = \sum m_i g_i ,$$

бу ерда, m_i - i - маҳсулот массаси,

g_i - i - маҳсулот энергетик қиймати.

Ҳаётининг муҳим энергетик ресурсларни эҳтиёж, шароитларга (профессия, ёш, яшаш жойи, даромад) боғлиқ ҳолда 2500-3500 ккал/сутка чегарасида бўлиши лозим.

2. *Асосий озиқ-овқат ресурслари истеъмолининг оптимал даражаси* қуйидагича аниқланади:

$$\sum_k P_k = \sum_{k,i} m_i P_{ki} ,$$

бу ерда, P_k - k - озиқ-овқат моддасининг умумий миқдори,

m_i - i - маҳсулот массаси,

P_{ki} - i - маҳсулотдаги k - озиқ-овқат моддасининг улуший таркиби.

Алоҳида ҳудуд ёки мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш учун қуйидагиларни амалга ошириш муҳимдир:

1. Аҳолининг асосий гуруҳлари озуқа рационини ифодаловчи маҳсулотлар гуруҳини аниқлаш. Ўзбекистонда бу маҳсулотлар 8 турдаги маҳсулотлар ҳисобланади:

2. База параметрларини аниқлаш:

- хар бир маҳсулот бўйича жон бошига истеъмол даражасини аниқлаш (m_i);
- маҳсулот истеъмоли индексини аниқлаш:

$$J_i = \frac{m_i}{m_i^o}$$

Бу ерда, m_i^o - физиологик меъёр бўлиши истеъмол даражаси.

- Истеъмолнинг интеграл индексини аниқлаш:

$$J_{\Sigma} = 1/8 \sum_i J_i$$

- Импорт (экспорт)нинг интеграл индексини аниқлаш:

$$J^I = J_{\Sigma(u/c)} - J_{\Sigma(uc-l)}$$

Бу ерда, $J_{\Sigma(u/c)}$ - ишлаб чиқариш индекси,

$J_{\Sigma(uc-l)}$ - истеъмол индекси.

- Энергетик қийматнинг интеграл индексини аниқлаш:

$$J_{\Sigma}^g = 1/8 (J_{(uc-l)} * g) i$$

Бу ерда, g - энергетик қиймат (i - маҳсулотнинг).

- Озиқ- овқат қийматининг интеграл индексини аниқлаш:

$$J_{\Sigma}^{II} = 1/8 \sum_i [J_{(uc-l)} (a + b + y)] i$$

Бу ерда, a, b, y – оксил, ёғ ва углеводларнинг нисбий улуши.

- Озуқа рационадаги калория дефицитини аниқлаш:

$$K_{\Sigma} = 1 - J_{\Sigma}^g$$

Шу таҳлитда, оксил, ёғлар ва углеводларга бўлган дефицит миқдори аниқланади.

Мамлакатлар озиқ-овқат хавфсизлиги стратегияси бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- импортга асосланган;
- экспорт қилувчи;
- ўз ишлаб чиқариши ҳисобига ички бозорни таъминловчи.

Ҳар бир мамлакат аграр сиёсатининг асосий муаммоси озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилиш ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини ҳал қилиш 27 миллионли халқнинг муаммоларини ҳал қилиш мақсадлари учун ҳам аҳамиятлидир. Шу жиҳатдан олганда озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини ташкил қилувчиларни ўрганиш ва такомиллаштириш аграр сиёсат мақсадларини амалга ошириш воситаларидан бири бўлиб ҳам ҳисобланади. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини озиқ-овқат маҳсулотлари бозори ҳал қилади. Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ғалла ва ғалла маҳсулотларига бўлган аҳоли талабини имкон қадар миллий ишлаб чиқариш ҳисобига қондириш;

- аҳолининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, бунинг учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экологик жиҳатдан тозаллигини таъминлаш, бу маҳсулотларнинг сақланувчанлигини ошириш;

- мамлакат аҳолисини саломатлик учун муҳим аҳамият касб этадиган чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш. Бунинг учун аҳолининг гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш йўллари ишлаб чиқиш лозим.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилиш борасида қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Булар сирасига қишлоқ жойлар аҳолисини деҳқончилик қилишлари учун томорқа ерлари ажратиб бериш ҳақидаги Президент фармони энг катта ишлардан бири ҳисобланади. Айнан шу тадбир натижаси ўлароқ, Ўзбекистонда кишиларнинг ун ва ун маҳсулотларига, мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабларини ва қисман чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришга асос бўлди ҳамда мутухассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра келгуси даврда мамлакатимиз бу борада стратегик жиҳатдан доминантлик қила оладиган мамлакатлар сирасига киритилмоқда.

3. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси ва босқичлари.

Озиқ-овқат муаммоларини ҳал қилиш уни босқичма-босқич амалга оширишни зарур қилиб қўяди.

Биринчи босқичда ишлаб чиқаришни пасайишини олдини олиш, қишлоқ қарздорлигини тугатиш, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларни техника, ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёқилғи-мойлаш ва бошқа материаллар билан таъминлаш бўйича тезкор тадбирлар белгилаш билан боғлиқдир. Бу даврда аграр сиёсатнинг стратегик ҳолатини ишлаб чиқиш, барча мулк шаклидаги корхоналар фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий-меъёрий асосларни яратиш лозим.

Иккинчи босқичда қишлоқ хўжалигида аҳволни баоқарорлаштиришни таъминлаш муҳимдир: бозор инфратузилмасини шакллантириш, маъмурий бошқаришдан тўлиқ иқтисодий бошқаришга ўтиш, шу билан бирга аграр секторнинг бошқа соҳалар билан ўзаро муносабатларни такомиллаштириш ва қишлоқни иқтисодий ривожланиши учун иқтисодий шарт-шароит яратиш вазифаси амалга оширилади.

Учинчи босқичда янги самарали технологияларни қўллаш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, озиқ-овқат муаммоларини ҳал қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятда оптимал даражага эришиш кўзда тутилади.

Ҳар бир босқич озиқ-овқат ресурсларини шакллантириш бўйича ўз йўналишига эга бўлсада, умумий мақсад қуйидагиларга қаратилган:

- товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб сотади;

- ҳукумат ва ижро ҳокимиятининг маҳаллий органлари давлат эҳтиёжлари учун квоталарни аниқлайди, ишлаб чиқарувчилар даромад олишларини таъминлайдиган баҳоларда ва шартномалар бўйича маҳсулотлар харидини кафолатлайди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти муаммоларини ҳал қилишнинг турли босқичларида сифат параметрларини аҳолини ижтимоий гуруҳлари бўйича муҳим озиқ-овқат товарлари истеъмоли даражаси таснифига мос ошириб боришга қаратилган.

Озиқ-овқат таъминоти қуйидаги етти даражага ажратилади:

Биринчи даража, ўртача суткасига жон бошига истеъмолни 1800-2300 ккал даражаси ҳисобланади. Бу сурункали тўйиб овқат емасликнинг олдини олади ва аҳоли ўсишининг оддий такрор ишлаб чиқариш учун шароит яратади;

Иккинчи даража, жон бошига суткасига ўртача 2300-2800 ккал овқатланишга асосланган. Бунда вақти-вақти билан бўлиб турадиган очарчиликнинг олди олинади ва аҳолининг барқарор ўсишини таъминлайди;

Учинчи даража учун суткасига жон бошига ўртача 2800-3600 ккал истеъмол хосдир. Бунда истеъмол учун озиқ-овқат ресурслари барқарор таъминланган, аммо озуқа рационидаги озуқа элементлари баланслашмаган бўлади.

Тўртинчи даража аҳоли жон бошига суткалик истеъмол 3300-3500 ккал хосдир. Бунда озуқа рационидаги маҳсулотлар оқсил, витаминлар ва бошқа муҳим компонентлар бўйича баланслашган бўлади.

Бешинчи даражада аҳоли жон бошига озуқа рационининг баланслашган бўлиши билан бир қаторда экологик тоза маҳсулотлар бўлиши талаб қилинади.

Олтинчи даражада баланслашган рационли, экологик тоза маҳсулотлар билан нафақат мамлакат бўйича ўртача, балки барча ижтимоий гуруҳларнинг таъминланиши талаб қилинади.

Еттинчи даражада озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш овқатланиш таркибига, инсон табиатига такомиллаштиришга, унинг фаол ҳаёт фаолиятини узайтиришни таъминлашга қаратилган бўлади.

Ўзбекистон аграр сиёсатининг ҳам энг муҳим муаммоларидан бири сифатида озиқ-авқат маҳсулотлари билан таъминланишни яхшилаш

ҳисобланади. Озиқ-овқат фондини шакллантиришнинг асосий манбаси сифатида агросаноат мажмуини ривожлантиришнинг самарали усулларидан бири давлатнинг бу соҳани тартибга солиши ҳисобланади.

4. Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг шаклланиши.

Озиқ-овқат маҳсулотлари бозори мамлакат аҳолиси учун истеъмол товарлари ва ишлаб чиқарувчилар учун эса маҳсулотларини қулай сотишга асосланган муносабатларни шакллантирувчи иқтисодий муносабатдир. Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини ҳар бир тармоқ нуқтаи-назаридан таснифлаш мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини мамлакат миқёсида тартибга солишда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

- мамлакат ички бозорида ишлаб чиқариш ҳажми ва талабнинг ҳажми;
- ишлаб чиқариш салоҳияти ва ишлаб чиқаришни ўзгартириш имкониятлари;
- мамлакат ички бозорига хориждан кириши мумкин бўлган товарлар ва маҳсулотлар, уларнинг сифат даражаси, баҳоси ва шу каби кўрсаткичлари;
- аҳолининг ички бозор товарлари ва хорижий товарларга муносабатлари;
- маълум даврга бозор талабларининг ўзгариш имкониятлари.

Чекланган ресурсларни ҳисобга олгандаги жаҳон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тенденцияси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнида яратилаётган озиқ-овқат ва хом ашё ресурсларини юқори ўсиш суръатларини ҳаттоки қисқа истиқболда ҳам таъминлаб бўлмаслигини кўрсатди.

FAO экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, 2030 йилда ғалла ишлаб чиқариш 20-21 % га ўсади ва 2150 млн. тоннага етади, аммо бу умумий эҳтиёжнинг 80 % ини ташкил қилади. Гўшт ишлаб чиқариш 50-80 млн. тоннага кўпаяди ва 230-260 млн. тоннага етади, эҳтиёж эса 300 млн. тоннани ташкил қилади (эҳтиёж 76-86 % га қондирилади). Қўшимча ўсишнинг асосий манбаи чўчқа ва товуқ гўшти ҳисобланади.

Денгиз маҳсулотларини ишлатиш 100 млн. тонна ҳолида сақланиб қолади, эҳтиёж 168 млн тоннани ташкил этади (эҳтиёж 60 % га кондирилади). Башорат кўрсаткичларидан кўринадик, 1950-1985 йилларда озиқ-овқат ресурсларининг ўсиши ўртача йиллик 30 млн. тоннани ташкил қилган бўлса, 1985-1995 йилларда ўртача йиллик 12 млн. тоннани ташкил қилди, 1996-2030 йилларда ўртача йиллик 5 млн. тоннадан ошмаслиги тахмин қилинмоқда.

Талаб динамикаси, аксинча ўсиб боради, планетамиз аҳолиси 2030 йилда 1996 йилдагидан қарийб 2 баробар ўсади ва 8,9 млрд. кишига етиши кутилмоқда. Ўртача йиллик ўсиш йилига 90 млн. кишини ташкил қилади, шу билан биргаликда жаҳон ҳудудлари бўйича унинг тақсимланиши тенг бўлмайди.

Ҳамма мамлакатларнинг озиқланиш сифатини оширишга қилаётган ҳаракатлари озиқ-овқат бозоридаги ҳолатни янада оғирлаштирмоқда. Ҳатто энг яхши ҳолли тенденцияли ривожланишда ҳам ғалла дефицити 526 млн. тоннани, гўшт 40 млн тонна, денгиз маҳсулотлари эса 68 млн. тоннани ташкил қилади. Айрим ҳисоб-китобларга кўра озиқ-овқатлар билан боғлиқ вазият янада оғирлашади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, озиқ-овқат бозоридаги талаб ва тақлиф балансини таъминлаш яқин 20-30 йилда муаммога айланади. Бу муаммони ечишнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

- ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш (бу кўпчилик экспертларнинг фикрича, кўрилаётган даврда чекловчи омилларнинг кучи етадиган даражада эмас);
- аҳоли сонини қисқартириш (қисқа даврда бунга эришишга рационал усулларда эришиб бўлмайди);
- озиқ-овқат истеъмолини қисқартириш, яъни, ҳаёт даражасининг пасайиши (экспертлар фикрича айнан шу нарса амалга ошади).

Кўпчилик мамлакатларнинг ички ва ташқи сиёсати келажакда озиқ-овқат муаммоларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини чуқурлашиш

даражасини кўп томондан аниқлаб беради. Бунга қуйидагиларни асос қилиб келтириш мумкин:

1. Дунё бўйича аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминининг пасайиши ўзоқ муддатли даврга кирди (аввалгидек, қисқа муддатли эмас). Бу ижтимоий, иқтисодий ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хатолар, шунингдек, экологик мувозанатнинг бўзилиши билан боғлиқдир. Ғалла билан энг яхши таъминланганлик йилига 1983 йилда эришилган бўлиб, у 345 кг ни ташкил қилган, аммо 1993 йилда у 303 кг га тушди, 2030 йилга келиб эса 240 кг га тушиши кутилмоқда, бу кўрсаткич 1989 йилга солиштирганда 65 % ни ташкил қилади. 1990 йилда аҳоли жон бошига 28 кг денгиз маҳсулотлари овланган бўлса, бу кўрсаткич 2030 йилда 12 кг ташкил қилиши кутилмоқда.

2. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва планета аҳолисини улар билан таъминланиш даражасини камайиши билан бир қаторда алоҳида худудлар бўйича диспропорциянинг кучайиши ҳам кўзатилмоқда. 1990 йилда эса 1950 йилга нисбатан (40 йил ичида) АҚШда аҳоли жон бошига ғалла ишлаб чиқариш 32 % га ўсди ва 1160 кгни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич Ғарбий Европа мамлакатларида 2 баробарга ошган (500 кг) бўлса, Африка мамлакатларида эса 27 % га қисқарди (118 кг). Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра 2030 йилда аҳоли жон бошига ғалла ишлаб чиқариш Хитойда икки баробарга қисқариши (164 кг), Ҳиндистонда 15 % га камайиши (168 кг), Покистонда 30 % га (90 кг гача), Эронда эса 31 % гача (140 кг) камайиш кутилмоқда.

3. Озиқ-овқат бозорида барқарорлик даражаси пасаймоқда, бу баҳоларни ушлаб туриш, конъюктурадаги сакрашларни олдини олишга ёрдам берувчи резервларнинг мавжудлигини билиш аниқланади. 1987 йилда жаҳон ғалла захираси 104 кунни ташкил қилган бўлса, 1994 йилда захиралар 64 кунгагина етарди ва кундан-кунга захиралар миқдори камаймоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмининг кутилаётган камайиши озиқ-овқат бозоридаги ҳолатида янада кескинлаштиради.

4. Узоқ муддатли секин ва барқарор равишда нарх пасайиш давомийлигидан асосий озиқ-овқат маҳсулотлари турлари бўйича жаҳон баҳоларнинг ўсиши бошланди. Биринчи навбатда денгиз маҳсулотлари қимматлашди, кейин бу тенденция озиқ-овқатнинг бошқа турлари бўйича тарқалди. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, келаётган 20 йилликда буғдой нархи 66 % га, маккажўхори 37 % га, гуруч 30 % га қимматлашади.

Жаҳон ҳамжамияти олдида ўта қийин озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш бўйича барча мамлакатлар учун аҳамиятли қарорни аниқлаш вазифаси турибди. Бу ерда икки жиҳатни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- *АҚШ эришган ички истемол даражасига мўлжал олиш.* Бундай мақсадни кўпчилик мамлакатлари танлаган, бундай ҳолатда 2030 йилда озиқ-овқат ресурслари 2,5 млрд кишига етади, бу планетада яшовчилари сонидан 3,5 марта камдир.

- *Озиқ-овқат ресурсларини тахминан тенг қисмда ҳаммага бўлиш.* Бу ҳолатда ҳар бир одам ҳисобига суткасига 450 г буғдой тўғри келади, яъни ҳозирдаги Ҳиндистон аҳолиси эга бўлган ресурсга тўғри келади.

Қайта тақсимот эса ўз навбатида нафақат тижорий, балки сиёсий характерга ҳам эга бўлади. Бу камбағал мамлакатлар сонини ўсиши билан боғланади: 60 йилларда камбағал ва бой мамлакатлар 30:1 муносабатда бўлган бўлса, 1990 йилларда бу кўрсаткич 64:1 ҳолатга етиб келди. Ҳаттоки, озиқ-овқат муаммоси ўсиб чуқур халқаро кризисни келтириб чиқариши эҳтимоли ҳам мавжуддир.

Бундай ҳолатда ягона халқаро стратегия керак бўлиб, унда бажарилиши оддий иш бўлмаган, мамлакатларнинг келишилган ҳаракатлари ва қабул қилган қатор мажбуриятларни акс этиши лозим.

1992 йилда дунёнинг 1500 дан ортиқ етакчи олимлари, жумладан, 102 та Нобель мукофоти лауреатлари томонидан «Омиллар инсониятни огоҳлантиради» номли меморандумини имзоладилар, унда кишиларнинг ресурсларни ишлатиши ва ер юзида ҳаёт фаолиятини таъминлаш муносабатларини ўзгартиришга қаратилган чақириқ баён этилган.

1994 йилда БМТнинг аҳолишунослик фонди келгусида озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишни ер ресурсларини бўзилишини олдини олиш ва аҳоли кўпайишини барқарорлаштириш орқали ҳал қилиш таклифи билан чиқди, унга кўра 2050 йилда аҳоли сони 7,3 млрд киши бўлиши керак. Бу дастўрни амалга ошириш унда 61,2 млрд АҚШ доллари зарур бўлиб, унинг катта қисми ўрмонларни тиклаш ва ҳайдаладиган ерларни сақлаш тадбирларига сарфланади.

Америка олимлари Л. Браун ва Х. Кейн исботлашча, халқаро алоқалардаги келажакдаги устувор йўналиш қуролланиш муаммосига эмас, балки озиқ-овқат дефицитини ҳал қилиш муаммоси ҳисобланади.

Узоқ келажакда инсоният озиқ-овқат муаммосини самарали ечиш йўларини илмий-техника прогрессининг устувор йқналишларини ривожлантириш асосида топади. Замонавий шароитларда бутун жаҳон ҳамжамиятининг келишилган сиёсат ва ҳамкорликдаги амалий ҳаракатлар лозим бўлиб, келгусида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ҳар бир мамлакат даражасида озиқ-овқат фондини шакллантириш масалалари биргаликда ҳал қилиниши лозим.

5. Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини бошқариш муаммолари.

Бозор муносабатларининг ҳозирги ҳолати талаб ва таклиф ўртасидаги пропорция ва мувозанатнинг керакли даражада шаклланмаганлигини кўрсатмоқда. Халқ хўжалигидаги бундай номутаносибликларнинг асосий сабаблари сифатида меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўртасида, товар обороти ва пул жамғармалари ўртасида, даромадлар ва харажатлар ўртасида, товар массаси ва пул маблағлари ўртасидаги ва бошқа шу каби ўзаро бир-бирига боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг бузилиши билан боғлиқдир. Шунинг билан биргаликда талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат ва товар-пул мувозанати тушунчаларини аниқ талқин қила олмаслик ҳам бу борадаги камчиликларга асос бўлмоқда.

Озиқ-овқат бозорларини бошқариш муаммоларига талаб ва таклифни бошқариш муаммолари тарзида ёндошиш мақсадга мувофиқдир. Талаб ва таклифни бошқариш ўзида комплекс омилларни қамраб олган мураккаб мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар тизимидан таркиб топади. Талаб иқтисодий (даромад, баҳо), ижтимоий-руҳий (престиж, реклама), ижтимоий (умумий муҳит, ҳаёт даражаси, анъаналар), физиологик (ҳаёт таъминоти) каби омиллар таъсирида шаклланади. Таклиф эса илмий-техник тараққиёт, иқтисодий манфаатлар, жамият талаби ва талаб асосида шаклланади. Бозорларни бошқариш муаммолари ўзининг моҳияти ва иқтисодий таркиби бўйича саккиз гуруҳга бўлинади:

1. Бозорнинг баланслашмаганлик даражаси бўйича:

- Баланслашмаганликнинг умумий ҳажми бўйича муаммолар ҳамда талаб ва таклиф ўртасидаги диспропорция муаммолари;
- Алоҳида товар гуруҳлари бўйича баланслашмаганлик ва ички гуруҳли таркибий-ассортиментли диспропорциялар бўйича муаммолар.

Умумий ҳажмли диспропорциялар юқори бошқарув аппаратининг муаммолари ҳисобланади ва қиймат ўлчовларида ифодаланади. Товар гуруҳлари диспропорциялари тармоқ ва тармоқлараро даражадаги муаммолар ҳисобланади.

2. Бозорнинг тўйинганлик даражаси бўйича:

- Тўйинган бозор муаммолари;
- Тўйинмаган бозор муаммолари.

3. Тарқалиш масштабига кўра:

- Миллий муаммолар;
- Ҳудудий муаммолар;
- Локал муаммолар.

4. Бошқариш даражасига кўра:

- Халқ хўжалиги даражасидаги муаммолар;
- Тармоқлараро даражадаги муаммолар;
- Тармоқ даражасидаги муаммолар.

5. Товарларнинг янгилик даражаси бўйича:

- Янги товарларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ муаммолар;
- Товарларнинг кенгайиши билан боғлиқ муаммолар;
- Талабнинг пасайиши билан боғлиқ муаммолар.

6. Қарорларнинг оперативлигига кўра:

- Жорий муаммолар;
- Ўрта муддатли муаммолар;
- Узоқ муддатли муаммолар.

7. Бозор сиёсати стратегияси бўйича:

- Бозорнинг шаклланиши ва кенгайиши билан боғлиқ муаммолар (товарларнинг ижтимоий аҳамияти билан боғлиқ);

- Бозор ривожланишини нормаллаштириш билан боғлиқ муаммолар (анъанавий ижтимоий аҳамиятли товарларга талабни фаоллаштириш билан боғлиқ);

- Товар бозорларини қисқартириш билан боғлиқ муаммолар (ижтимоий истикболсиз товарлар, яъни алкоғолли ичимликлар, паст сифатли, рақобатбардош бўлмаган ва талаб томонидан сўралмаган паст сифатли маҳсулотлар бўйича).

8. Қарор қабул қилиш воситаларига кўра:

- Анъанавий усуллар билан ҳал қилинадиган муаммолар (баҳо, солиқ, кредит сиёсатларидан фойдаланиб режали-тартибга солиш ёки тижорат усулида ҳал қилинадиган муаммолар);

- Қўшимча инвестициялар ва мақсадли комплекс дастурлар ишлаб чиқиш орқали ҳал қилинадиган муаммолар.

Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида ушбу муаммоларни доимий равишда ўрганиб бориш ва оқилона ҳал қилиш йўлларини ишлаб чиқиш, талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш орқали ишлаб чиқарувчиларнинг харажатларини қоплашларини кафолатлайди ва истеъмолчиларни эса озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришга ҳисса қўшади.

6. Ғалла маҳсулотлари бозорининг хусусиятлари.

Ҳар бир мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги стратегиясининг асосий вазибаларидан бири сифатида ғалла маҳсулотлари захираларини яратиш ҳисобланади. ҒАОнинг (БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги Ташкилоти) озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолашдаги асосий индикаторларидан бири сифатида ҳам ғалла захираларининг ҳолати ва унинг ўзгариши ҳисобланади. Жаҳон ғалла бозори қайсидир маънода кам сонли экспортёр мамлакатлар томонидан монополлашган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу мамлакатлардаги қабул қилинаётган дастур ва сиёсатлар жаҳон ғалла бозорининг ҳолатига ва импорт қилувчи мамлакатлар ғалла бозорларига катта таъсир кўрсатади. Ўзбекистон мустақилликдан кейинги аграр сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида ғалла бозорини ривожлантириш ва истеъмолни ички бозор ҳисобидан қондириш сиёсатини танлади.

Ўзбекистон ғалла ишлаб чиқариш ва истеъмоли бўйича Марказий Осиёдаги етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Марказий Осиё мамлакатларида сўнгги 15 йилда ғалла бозорида таклифнинг асосий қисмини Қозоғистон яратади. Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Туркменистонда ишлаб чиқариш сезиларли даражада ошди. (3-жадвал).

3-жадвал

Марказий Осиё мамлакатларида ғалла ишлаб чиқаришнинг ўзгариши (1992-2007 йиллар)

№	Мамлакатлар	Экин майдони, млн.га			Ҳосилдорлик, ц/га			Ялпи ҳосил, млн.т		
		1992	2005	2007	1992	2005	2007	1992	2005	2007
1	Қозоғистон	13,72	11,50	11,86	13,0	10,0	12,8	18,29	11,10	13,50
2	Қирғизистон	0,25	0,42	0,44	27,0	22,0	20,0	0,68	0,95	0,84
3	Туркменистон	0,20	0,90	0,92	19,0	31,0	31,9	0,38	2,83	3,26
4	Тожикистон	0,18	0,32	0,32	9,0	20,0	24,7	0,17	0,63	0,62
5	Ўзбекистон	0,63	1,44	1,44	15,0	41,0	42,7	0,96	5,75	5,99

Маълумотлардан кўринадикки, 2007 йилда 1992 йилга нисбатан Ўзбекистонда ғалла ҳосилдорлиги 15,0 ц\га дан, 42,7 ц\га га, яъни 2,5 бараварга ошди. Бу бошқа Марказий Осиё мамлакатларидан анча кўпдир. Бундай муваффақиятларнинг асосий сабаби сифатида биринчидан Ўзбекистон олимлари томонидан юқори ҳосилдор ва эртапишар ғалла навларининг яратилаётганлиги бўлса, иккинчидан, пахта-ғалла-озуқа экинлари алмашлаб экишининг жорий қилинаётганлиги натижаси дейиш мумкин, яъни, мамлакатимизда юқори деҳқончилик маданияти ҳосилдорлик даражасининг юқорилигини таъминлаган. Қозоғистон, асосан лалми ғаллачилик ишлаб чиқаришига эга мамлакат ҳисобланади. Шу сабабли уларнинг дон ҳосилдорлиги Ўзбекистонга нисбатан 3,5 мартага, Тожикистон ва Туркманистонга нисбатан 2,5 марта камдир.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, дон бозори қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим эталони ҳисобланади. У қуйидаги асосий элементларда шаклланади: ишлаб чиқариш; ғалла товар биржалари; маҳаллий товар бозорлари; давлат тартибга солиш тизими, молия-кредит тизими; ташқи бозор. Ғалла бозорининг асосий элементлари сифатида баҳолар ва давлат дастурлари тизими ҳисобланади. Жаҳон ғалла бозоридаги ҳолатга баҳолар даражаси катта таъсир кўрсатмоқда. Кейинги йилларда иқлимнинг иссиши лалми ғалла етиштириш даражасининг пасайишига оли келиши кутилмоқда, шунингдек аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги ва ғалла экин майдонларининг қисқараётганлиги ҳам бу бозорда яқин келажакда баҳоларнинг ошиши кутилмоқда.

Ички ғалла бозорининг вужудга келиши ва амал қилиши жаҳон бозорининг ривожланиш йўналишларига, миллий ишлаб чиқариш ҳолати ва давлат сиёсатининг йўналишларига мос ҳолатда бўлади. Ғалла билан ички бозорни таъминлашнинг асосий йўналишлари сифатида экспорт-импорт операцияларини баланслаштириш, ягона баҳо сиёсатини юритиш, ҳамда инвестиция сиёсатини тўғри олиб бориш кабилар киради. Бунда энг муҳим

Ўринни давлатнинг ғалла бозорини тартибга солиши муҳим ўрин тутди. (3-чизма).



3-чизма. Ғалла бозорини давлат томонидан тартибга солиш механизми.

Ғалла бозорини шакллантириш ва ғаллачиликда бозор муносабатларини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- Турли мулкчиликка асосланган ғаллачилик хўжаликларида ўзаро иқтисодий рақобатни юзага келтириш ва ғалла бозорида қатнашувчи субъектларни мустақил фаолият юритишга шарт-шароит яратиш;
- Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда ғаллачилик хўжаликлари ривожланиши учун максимал шароит яратадиган иқтисодий услублардан фойдаланишга ўтиш;
- Давлат ғалла захираларини шакллантириш ва тақсимооти тартибини ўзгартириш;
- Ички ва ташқи ғалла савдосидаги монополияни камайтириш;
- Ғалла ва ғалла маҳсулотларини қайта ишлаш маҳсулотлари баҳоларини эркинлаштириш;
- Ғалла бозорининг оптимал фаолият юритиши учун шароит яратадиган бозор инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш.

Ўзбекистонда ғалла маҳсулотлари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш доимий равишда аграр сиёсатнинг марказида ётади. Ўзбекистонда ғалла маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва шу билан биргаликда унинг сифат параметрларини яхшилаш мамлакат аҳолисини стратегик муҳим маҳсулот билан таъминлашга ҳисса қўшади. Ғалла бозорини ривожлантиришга фермер ва деҳқон хўжалиklarининг ҳиссаси катталиги ҳозирги бозор учун хос хусусиятдир. Келгусида ғаллачиликни интенсив ривожлантириш омилларидан фойдаланиш асосий аҳамият касб этади.

7. Сабзавот маҳсулотлари бозори.

Сабзавотларнинг инсон саломатлигига бевосита таъсирини ҳисобга олиб Ўзбекистонда аҳоли жон бошига йил мобайнида қуйидаги ҳажмда сабзавотлар истеъмол қилиш тавсия этилган: Жами–110-115 кг, шу жумладан помидор – 25, бош пиёз – 18, сабзи – 18, карам – 20, лавлаги– 5, бодринг – 5, саримсоқ– 5, бошқа сабзавотлар– 14, кўкат сабзавотлар - 5 кг.

Мамлакатимизда сабзавот етиштириш асосий қишлоқ хўжалик экинларидан ҳисобланади. Унинг асосини томат (помидор), сабзи, пиёз ташкил қилиб улар жами етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларининг 97% ни ташкил этади (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистонда сабзавотчиликнинг ривожланиши.

Йиллар (ўртача)	Экин майдони, минг га	Ялпи сабзавот ҳосили, минг тонна	Гектаридан ҳосилдорлик, ц	Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган, кг
1913	16,1	129,0	80,1	29,0
1940	25,3	315,2	125,0	47,0
1950-60	38,7	383,7	96,0	46,0
1960-70	44,7	485,3	104	55,0
1970-80	54,0	568,5	114	63,1
1980-90	64,1	678	103,0	74,1
1990	140,2	2842,5	192,0	140,0
2000-04	139,4	3537,3	197,3	111,0

Сабзавот бозорини яратишнинг зарурий шарти маркетинг ҳисобланади. У маҳсулотни даладан истеъмолчига қараб ҳаракатининг бутун жараёнини қамраб олади. Сабзавотчиликда маркетинг фаолияти бозорни комплекс тадқиқ қилишни, унинг ҳажмини аниқлашни, сабзавот маҳсулотларига истеъмолчи талабининг ҳолати ва динамикасини ўрганишни, маҳсулот сотишни яхшилаш учун рекламадан кенг фойдаланишни, талабни қондириш ва ишлаб чиқариш-коммерция фаолиятини самарали юргизиш учун сабзавот маҳсулотларининг оптимал товар ассортиментини аниқлашни, баҳоларни

башорат қилиш ва шакллантиришни, сабзаёт маҳсулотларини сотиш каналларини тўғри танлашни кўзда тутди.

Мамлакатимизда сабзаёт маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйишда «Ўзмевасабзаётўзумсаноат-холдинг» компаниясининг роли сезиларлидир. Холдинг компанияси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 1997 йилда ташкил топган. Ҳозирги кунда унинг таркибига 27 та агрофирма, 22 та консерва ва мева-сабзаёт қуритиш заводи, 46 та виночилик саноати корхонаси, 43 та улгуржи шароб савдо базаси ва 89 та ширкат хўжаликлари бириктирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзаётчилик ва ўзумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чоратadbирлари тўғрисида»ги 2006 йил 9-январдаги ПФ 3709- Фармони ва 11-январдаги Қарори асосида ҳукуратимиз томонидан мева-сабзаётчилик ва ўзумчилик ширкат хўжаликларини жорий йил 1-чорагида фермер хўжаликлари мавжуд ихтисослашувни сақлаб қолган ҳолда айлантрииш, агросаноат фирмалари ташкил этиш ҳамда мазкур компания бошқарув тизимини ислоҳ қилиш белгиланди. Ушбу компания МДХ мамлакатлари истеъмол бозорларини эгаллаш мақсадида қуйидаги ишларни амалга оширишган:

- Корхоналардаги эски ускуналарни импорт ўрнини босадиган, экспортбop маҳсулот ишлаб чиқара оладиган илғор технологиялар билан алмаштириш. Чунончи, ўтган йилларда «Шахрисабзконсерва», «Ғазалкент» ва «Наманган-консерва» акциядорлик жамиятларида тоmat паста ва пюреларни асептик қошларга қадоқлаш ускуналарини тасдиқланган инвестиция дастури асосида Италиянинг «Сасиб фуд» фирмаси орқали ўрнатишди. Бу ускуналарда қадоқланаётган маҳсулотлар асосан экспортга сотилмоқда. Янгийўл консерва заводи таркибида йилига 80 миллион дона (125 гр) болалар консерваси ишлаб чиқариш, Ғазалкент ва Каттакўрғон консерва заводларида 113 минг асептик шакар қиёмида мева бўлаклари консерваси ишлаб чиқариш қувватлари АҚШ нинг «Тексуна» фирмаси орқали ўрнатишган. Ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилган экологик тоза

консервалар республикадаги болалар эҳтиёжини тўлиқ қондиради ва экспортга маҳсулот сотиш миқдорини йилига 3-4 миллион АҚШ долларига кўпайтириш имкониятини беради.

- Чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда қўшма корхоналар ташкил этилган. Жумладан: Буюк Британия билан Шахрисабз консерва заводи таркибида «Мевалар камалаги» қўшма корхонаси, Андижон консерва заводи таркибидаги «Андижон дурдонаси» қўшма корхонаси бунга мисолдир. Ушбу корхоналарга замонавий ускуналар келтирилиб, улар «ПКЛ» ва «Тетра-Пак» русумли пакетларга йилига 11 миллион пакет мева шарбатларини қадоқлаш қувватига эга бўлгани боис импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар билан республикамиз бозорларини таъминлаш имконини беради. Россия ва Буюк Британия мамлакатларининг «Синтез К» ва «ТСЛ» фирмалари билан «Маск» қўшма корхонаси, Россиянинг «Балтимор» фирмаси билан «Балтимор-Челек» қўшма корхонаси кетчуп ишлаб чиқариш ускуналарини ишга туширишган.

- Самарқанд вилоятидаги «Кишмиш» ва Фарғона вилоятидаги «Қува консерва» акциядорлик жамиятлари бўйича жами 3,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция лойиҳа ишлари амалга оширган. Республика ҳукумати томонидан 2010 йилгача бўлган даврда қайта ишлаш корхоналарининг экспорт салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда уларни модернизациялаш ва техник жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати маъқулланди.

- Маҳсулотнинг ташқи кўриниши, дизайнини яхшилаш, дунё талаблари даражасига етказиш учун компания қошида етук дизайнерлар, рассомлар, мутахассислар кенгаши тузилган бўлиб, бу соҳадаги барча қайта ишлаш корхоналарини бугунги кунда дунё талаблари даражасидаги этикетлар билан таъминлайди.

- Асрлар давомида бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб ўрганган, ҳозирда МДХ давлатлари бозорини ўта рақобатдош, дунё стандартларининг энг сўнгги талабларига жавоб бера оладиган сифатли маҳсулотлари билан

эгаллаган Италия, Франция, Испания, Австрия, Белгия, Буюк Британия, Эрон, Туркия каби давлатлар билан рақобатлашиш ҳамда бозорларни ўз маҳсулотларимиз билан қайта эгаллаш мақсадида компания Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск, Нижний Новгород, Самара, Қозон каби йирик шаҳарларда компаниянинг ўз савдо уйлари очишган.

Бу соҳада юкори кўрсаткичларга эришган АҚШ да 1999 йилда 71 млрд. долларлик мева – сабзавотлар истеъмол қилиниб, уларнинг қиймати жами уйда овқатланишнинг умумий сарфининг 18 % ни ва ташқарида овқатланиш харажатларининг эса 10 % ни ташкил этади. Мамлакатда аҳоли жон бошига сархил (fresh) сабзавот истеъмоли ушбу йилда сабзи 5.6 кг, пиёз 8.1 кг, бодринг 2.8 кг, томат 8.5 кг ни ташкил қилган.

Сабзавотларни қайта ишлаш жараёни муҳим босқич бўлиб уни тезроқ ривожлантириш учун мустақиллик йилларида республикамизда кўпгина хорижий мамлакатлар билан қўшма корхоналар бунёд этилмоқда. Бу корхоналарнинг ташкил этилиши ишлаб чиқаришни истеъмолчиларга яқинлаштириш тамойилларига мос келади.

Назорат саволлари:

- 1) Озиқ-овқат хавсизлиги ва озиқ-овқат таъминоти тушунчаларига таъриф беринг.
- 2) Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
- 3) Озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини айтинг.
- 4) Озиқ-овқат хавфсизлиги таркибини айтинг.
- 5) Озиқ-овқат хавфсизлиги параметлари нима?
- 6) Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолашдаги индикаторларни сананг.
- 7) Озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминланиш босқичлари қайсилар?
- 8) Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражасини сананг?
- 9) Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг шаклланиш хусусиятлари.
- 10) Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини бошқариш муаммолари гуруҳларини сананг.
- 11) Ғалла маҳсулотлари бозори хусусиятларини сананг.
- 12) Сабзавот маҳсулотлари бозорининг хусусиятларини айтинг.

11-мавзу. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори.

Асосий саволлар:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори тушунчаси ва турлари.
2. Пахта бозорининг хусусиятлари ва уни ташкил қилиш.
3. Тамаки маҳсулотлари бозори.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори, қайта ишлаш саноати корхоналари учун хом-ашё етказиб бериш учун объект бўладиган маҳсулотлар бозори, озиқ-овқат саноати учун хом-ашё етказиб берувчи маҳсулотлар бозори, бевосита истеъмол объекти бўладиган маҳсулотлар бозори, пахта бозори, тамаки маҳсулотлари бозори.

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори тушунчаси ва турлари.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорлари ташкил қилиниш механизми, турларига кўра маълум бир хусусиятларга эга бўладилар. Масалан, уй хўжалигини ташкил этувчилар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорида ҳам фаолият кўрсатишлари мумкин. Корхоналар ва истеъмолчилар барча бозорларда бир-бирлари билан алоқада бўладилар. Корхона (мисол учун, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиси) ресурслар бозорида талабни шакллантирувчи сифатида намоён бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида у таклиф қилувчи сифатида фаолият юритади. Шу жиҳатдан олганда, қишлоқ хўжалигида бозорларни тўғри ташкил қилиш ва унда фаолият юритишни энг мақбул вариантини танлаш якунда қишлоқ хўжалик корхонасига ўз фаолиятини ҳам самарали юритиш имкониятини яратади.

Юқорида биз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорини шартли равишда 3 гуруҳга бўлгандик. Агар чуқурроқ ёндошиш ва алоҳида тадқиқот олиб бориш ёки янада аниқроқ таҳлил қилиш лозим бўлса, уни ҳар бир тармоқ, ёки маҳсулот тури бўйича ҳам гуруҳларга бўлиш ва ўрганиш хато ҳисобланмайди. Биз янада чуқурроқ ёндошишни ўша 3 та гуруҳ атрофида давом эттираемиз. Ўсимликчилик тармоқларида яратилаётган маҳсулотларнинг турлари шунчалик кўпки уларни алоҳида ўрганиш ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишни талаб қилади. Бизнинг

мамлакатимиз учун ўсимликчилик маҳсулотлари бозорларини 3 та гуруҳга бўлган ҳолда ўрганиш муҳимдир:

1. Қайта ишлаш саноати корхоналари учун хом-ашё етказиб бериш учун объект бўладиган маҳсулотлар бозори (пахта бозори, тамаки бозори, ғалла бозори ва шу кабилар).

2. Озиқ-овқат саноати учун хом-ашё етказиб берувчи маҳсулотлар бозори (мева-сабзавот маҳсулотлари бозори, ўзумчилик бозори ва шу кабилар).

3. Бевосита истеъмол объекти бўладиган маҳсулотлар бозори.

Алоҳида олинган бир бозорни ўрганиш бошқа тармоқлардан кўра қишлоқ хўжалигида анча қийинчиликларни туғдиради. Чунки битта маҳсулот бирваракайига иккита бозор объекти бўлиши мумкин. Масалан, узум, у соф ҳолда бизнинг тақсимот бўйича 3 бозор, қайта ишлаш натижаси бўйича эса иккинчи бозор объекти бўлиши мумкин.

Чорвачилик маҳсулотлари бозори ҳақида ҳам худди шундай фикрларни билдириш мумкин. Чорвачилик маҳсулотлари ҳам худди шундай тахлитда тақсимланиши мумкин. Ўрганиш осонроқ бўлиши учун эса чорвачилик маҳсулотларини яна қуйидагича гуруҳларга бўлиш ҳам мумкин:

- гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозори;
- сут ва сут маҳсулотлари бозори;
- тери маҳсулотлари бозори;
- жун маҳсулотлари бозори;
- балиқ маҳсулотлари бозори;
- пилла бозори;
- насли ҳайвонлар бозори;

Бу бозорларни ўрганиш ва унга мос тадбирлар қабул қилиш ҳам ишлаб чиқарувчиларга, ҳам истеъмолчиларга энг оптимал наф келтирса, бундан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳам, мамлакат иқтисодиёти ҳам манфаат кўради.

Қайта ишлаш маҳсулотлари бозори мамлакат қишлоқ хўжалигида агросаноат мажмуини ривожлантириш имкониятларидан келиб чиқиб,

қайсидир маънода қишлоқ хўжалигини саноатга яқинлаштирилиши масаласини ҳам ҳал қилувчи асосий масала ҳисобланади. Қайта ишлаш маҳсулотлари бозорини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- қайта ишлашдан кейин озиқ-овқат маҳсулоти сифатида истеъмол бозорига кирадиган товарлар бозори (мева ва сабзавот консервалари, колбаса, пишлоқ, балиқ консерваси ва шу кабилар) бозори;

- қайта ишлашдан кейин яна бошқа тармоқ учун ресурс бўладиган товарлар бозори (тола, чигит, тери ва шу кабилар);

- қайта ишлашдан кейин озиқ-овқат бўлмаган маҳсулот сифатида истеъмол бозорига кирадиган товарлар бозори (ип, жун ва шу кабилар).

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорининг яна бир муҳим хусусиятларидан бири шундаки, ишлаб чиқарилган айрим маҳсулотлар айирбошлаш объекти бўлмаган ҳолда такрор ишлаб чиқаришга жалб қилинади. Булар сирасига уруғлик, чорвачиликда бўзоқлар, кичик ҳайвонларни киритиш мумкин. Умумий бозор нуктаи-назаридан олганда айрим товарлар истеъмол воситаси бўлсада (масалан, иш ҳақи учун берилган ғалла), айирбошлаш воситаси бўлмайди, аммо бутун бозор ҳақида хулоса қилганда буларни ҳам ҳисобга олиш муҳим, акс ҳолда бозордаги айрим кўрсаткичлар ҳақида нотўғри хулосалар олиниши мумкин. Шу жиҳатдан олганда қишлоқ хўжалик бозорларини тўғри таснифлаш уларни ўрганиш жараёнларини осонлаштиради.

2. Пахта бозорининг хусусиятлари ва уни ташкил қилиш.

Пахта бозори Ўзбекистон аграр сиёсатининг энг асосий стратегик мақсадларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон пахта ишлаб чиқаришда дунёда 5-ўринда, тола экспорти бўйича эса 2-ўринда туради ва жаҳон пахта бозорига таъсир қила оладиган кучга эгадир. Ўзбекистонда пахта бозорини шакллантириш ва ривожлантириш учун аввало пахтачилик мажмуини ривожлантириш ва унда агросаноат интеграциясини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Пахтачиликда агросаноат интеграцияси ҳақида фикр юритилганда, аввало анча мураккаб бўлган ташкилий ва иқтисодий масалаларни ечиш билан боғлиқ муносабатлар тизимини ўрганишга тўғри келади. Бозор иқтисодиёти шароитида пахтачилик мажмуини бир-бири билан мустаҳкам алоқасини таъминлаш ва бир-бирлари билан иқтисодий такомил муносабатларни шакллантириш ва уни ривожлантириш ўзаро алоқадаги тармоқларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш муносабатларига мос ҳаракат қилишини таъминловчи асосий воситадир. Тайёрлов ташкилотлари ишини ташкил қилишни такомиллаштириш кўп жиҳатдан қайта ишлаш корхоналарининг иш фаолиятлари билан чамбарчас боғлиқдир. Тайёрлов корхоналари пахта хом ашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни амалга оширилишини боғловчи иқтисодий бўғиндир. Ҳозирги вақтда тайёрлов пунктлари, пахта тозалаш заводлари ва тўқимачилик корхоналарида лабораториялар мавжуд бўлиб, уларда толанинг хоссалари синаб кўрилади ва сифати аниқланади, бунда тола узунлиги, пишиб етилганлиги, узилиш кучи, нисбий узилиш кучи, намлиги ва ифлослиги бўйича меъёрларга мувофиқ пахтанинг сифати аниқланади.

Ўзбекистон пахтаси қатор ижобий хусусиятларига кўра бошқа мамлакатларда етиштирилаётган пахтадан асло қолишмайди. Лекин пахта толаси сифатини баҳолаш тизими жаҳон андозаларига мос келмаслиги сабабли жаҳон бозорида ўзининг муносиб ўрнини топа олмаяпти. Ривожланган мамлакатларда синовлар бевосита ишлаб чиқарувчиларга қаршли бўлмаган мустақил минтақавий лабораторияларда ўтказилади. Мустақил лабораторияларда синовдан ўтган ва шаҳодатномага эга бўлган маҳсулотгина жаҳон бозорида юқори баҳоларда сотилиши мумкин. Ишлаб чиқарувчилар маҳсулот сотиш баҳоларини ошириш тарафдорлар. Аммо маркетинг ва бозор қоидалари бўйича маҳсулот баҳосининг пастлиги стратегик мақсадлар доирасига кириб, арзон баҳога эга бўлганлар бозорни эгаллашлари осон бўлади. Шу жиҳатдан олганда маҳсулотга баҳо белгилаганда жаҳон бозоридаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва шунга мос

харакат қилиш мақсадга мувофиқдир. Жаҳон пахта бозорида маҳсулот сотиш баҳоларини шакллантирувчи асосий омиллардан бири бу талаб ва таклифнинг ўзгаришидир (1-жадвал).

1-жадвал

Жаҳон пахта бозорида талаб ва таклиф мувозанати (млн. тонна)*

Йиллар	Олдинги йиллардан маҳсулот қолдиғи	Ишлаб чиқарилган пахта хом ашёси	Жами таклиф	Хом ашёга бўлган талаб	Таклифнинг талабдан фарқи
1993-94	11,0	16,8	27,8	18,6	9,2
1994-95	9,3	18,7	28,0	18,6	9,4
1995-96	9,6	20,3	29,9	18,9	10,9
1996-97	11,0	19,5	28,5	19,4	9,1
1997-98	9,2	20,0	29,2	19,3	9,9
1998-99	9,8	18,3	29,1	18,4	10,7
1999-2000	10,8	19,1	29,9	19,8	10,1
2000-01	10,2	19,3	29,5	20,1	9,4
2001-02	9,6	21,5	31,1	20,6	10,5
2002-03	10,7	19,2	29,9	21,5	8,4
2003-04	8,3	20,7	29,0	21,4	7,6
2004-05	7,8	25,2	32,9	22,7	10,2
2005-06	10,2	22,9	32,1	23,8	8,3
2006-07	8,3	24,1	32,5	24,1	8,4

Манба: www.ers.usda.gov.

Кейинги йилларда жаҳон пахта бозоридаги баҳо сиёсати қуйидаги омилларга боғлиқ равишда шаклланмоқда:

- Хитойнинг пахта бозоридаги гегемонлигининг ошиб бораётганлиги ва бу мамлакатдаги талаб ва таклифнинг даражаси баҳога кескин таъсир қилиши натижасида бу мамлакат олиб бораётган аграр сиёсатнинг мазмуни;
- АҚШ ички бозорини давлат томонидан қўллаб-қувватлаётганлигининг натижасида бу мамлакатда пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчилари бошқа мамлакатларга нисбатан имтиёзларга (баҳо, субсидиялар, дотациялар) эга бўлишлари;
- Ривожланаётган мамлакатларда пахта хом ашёсига талабнинг ўсаётганлиги ва ривожланган мамлакатларда талабнинг пасаяётганлиги.

Жаҳон пахта бозорида баҳонинг ўзгаришига уни экспорт қилувчилар ҳам катта таъсир кўрсатади. Ўзбекистон пахта толасини экспорт қилиш бўйича АҚШдан кейин дунёда иккинчи ўринда туради ва жаҳон бозоридаги баҳоларнинг кескин ўзгариши мамлакат иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатади. Мамлакатимиз жаҳон бозоридаги талабнинг 15-20 %ини қондиради. Кейинги пайтда пахта толасига бўлган талабнинг пасайишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлаш ва келажакда пахта бозорида муқимликни сақлаб қолиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- жаҳон пахта бозори конъюнктурасини доимий равишда ўрганиб бориш ва унга мос стратегик тадбирларни амалга ошириб бориш;
- ишлаб чиқарилаётган пахта хом ашёси сифатини жаҳон стандартлари талабларига имкон қадар мослаштириб бориш, бунинг учун ишлаб чиқарувчиларни сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдан моддий манфаатдорликларини ошириш лозим;
- жаҳон пахта бозоридаги талаб миқдорини ички бозордаги талаб миқдорини ошириш ҳисобига кўпайтиришга эришиш;
- пахтачилик мажмуи корхоналарида ички рақобат муҳитини шакллантириш ва такомиллаштириш учун уларни бозор қонунларига мос ишлаб чиқаришга ўргатиш лозим.

Пахтачилик мажмуининг тармоқлари бир-бирлари билан узвий алоқада ривожланади. Чунки пахтачилик хўжаликлари асосий хом ашё етиштирувчи бўлса, қайта ишлаш корхоналари уни қайта ишлаш натижасида бир қатор маҳсулотлар ишлаб чиқаради, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ҳам пахтачилик маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида ўз маҳсулотларини ишлаб чиқарадилар ва бозорда фаолият юритадилар. Кўпгина тижорат корхоналари эса пахта ва унинг маҳсулотларини сотиш билан фаолият юритадилар ва унинг натижасида қўшимча даромадга эга бўладилар. Бу

тармоқларнинг бир бутун ҳолда самарали ишлашлари ҳар қайси тармоқнинг алоҳида олинган ҳолдаги самарадорлик даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

Ҳозирги ҳаракатдаги баҳолар тизими, пахтачилик хўжаликлари томонидан ҳам, пахта тозалаш заводлари, пахтачиликнинг пировард маҳсулоти сифати учун жавобгарликка ва моддий рағбатлантиришга шароит яратмайди. Пахта толасининг истемолчиси ишлаб чиқарилаётган тола сифатига таъсир кўрсата олмайди, чунки маҳсулот учун ҳисоб-китобни, маҳсулотни етказиб бериш ва тўлашнинг тўғрилиги учун жавоб берувчи звеногина амалга оширади. Шу жиҳатдан олганда, бозор муносабатларини такомиллаштириш учун энг аввало, пахтачилик мажмуи корхоналари ўртасидаги тармоқлараро муносабатларни такомиллаштириш ва уларнинг ягона ишлаб чиқариш натижаларидан манфаатдорлигини оширишга эришиш лозим. Бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- тармоқларнинг пировард маҳсулотни етиштиришдаги ўрнига қараб ҳолисона баҳолаш ва даромадларни адолатли тақсимлаш;
 - тарафларнинг ўзаро муносабатларини бозор қонунларига мослаштириш;
 - тарафларнинг ўзаро бир-бирига етказиб берадиган маҳсулотларига нисбатан ички ҳисоб-китоб ва баҳолар тизимини ишлаб чиқиш.
 - етиштирилаётган пахта хом ашёси сифатини оширишга эришиш.
- Бунинг учун комплекс омиллар тизимидан фойдаланиш талаб этилади. Улар сирасига навларни тўғри танлаш, агротехник тадбирлардан тўғри фойдаланиш, минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш, тайёрлов тизимини такомиллаштириш кабиларни киритиш мумкин;
- жаҳондаги илғор мамлакатларнинг тажрибаларидан самарали фойдаланиш. Бунинг учун аста-секинлик билан сақлаш ва қайта ишлаш муддатини қисқартириш омилларидан фойдаланиш лозим.

3. Тамаки маҳсулотлари бозори.

Ўзбекистонда тамакичилик тармоғи узоқ йиллар давомида нисбатан юқори самарали тармоқ бўлиб келган. Меҳнат ресурслари билан юқори даражада таъминланганлик, қулай табиий-иқлим шароитлар, меҳнатни ташкил этишнинг илғор шакли бўлган оила пудратининг жорий этилиши ва бошқа бир канча омиллар тармоқда доимий равишда юқори даражада ялпи ва соф даромаднинг шаклланиб келинишини таъминлаган.

Ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари шу жумладан, тамаки хом-ашёси ишлаб чиқариш учун маълум миқдорда меҳнат ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат предметлари (уруғлик, ўғитлари, кимёвий моддалар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқалар) сарфланади. Маҳсулот таннархи айнан шу харажатларнинг миқдорига бевосита боғлиқ бўлиб, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфланган барча меҳнат ва моддий харажатларнинг қиймат кўринишидаги ифодасидан иборат. Ушбу кўрсаткич маҳсулот етиштирувчига 1 кг ёки 1 центнер тамаки хом-ашёси етиштириш ва сотиш неча сўмга тушганлигини кўрсатади ва тамаки етиштириш фойдалилик даражасини белгилайди.

Республикада тамаки ва ундан қайта ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари каби тамакичилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида ҳам катта ҳажмда меҳнат ва ер-сув ресурсларидан фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигида тамаки етиштириш билан 213,4 минг киши, шу жумладан, мавсумий ишларда 183 минг киши ва тамакичилик саноатида қайта ишлаш билан 1146 киши банд бўлган. Шу билан бирга, тамаки маҳсулотлари чакана савдоси яна қўшимча 22 минг кишини иш билан таъминлайди. Тамакичилик мажмуасининг республика ЯИМ даги тўғридан-тўғри ҳиссаси 2000 йилда 142 миллион АКШ долларини ташкил қилган.

Тармоқда тамакикорлар томонидан тамаки тайёрлаш пунктларига топширилган ҳосил учун тўловни ўз вақтида хўжаликлар томонидан амалга оширилмаган. Бу эса етиштирилган тамаки баргини оилалар томонидан нақд

пулга ноқонуний фаолият юргизган харидорларга сотилишига олиб келган. Натижада амалда хўжаликлар экин майдонларида, улар ишлаб чиқариш фондлари воситасида етиштирилган тамаки хом ашёси расмий каналларни четлаб, ноқонуний равишда қушни давлатларга олиб чиқиб кетилган. Ушбу каналлар орқали сотилган тамаки учун оилалар хўжаликлар томонидан тўланаётган қийматни олсаларда, хўжаликлар улуши яширин воситачилар кулида тупланган. Воситачилар ҳеч қандай сифат сиёсатини юргизмаганликлари учун бу каналлар орқали сотилган тамаки ўта паст сифатга эга бўлиб, бу ўзбек тамакиси имиджининг унинг асосий истеъмолчиси бўлган Россия бозорида тушиб кетишига ва бозорни бошқа рақобатчи ишлаб чиқарувчилар томонидан эгалланишига олиб келди. Бозордаги ноаниқликлар ва хўжаликлар томонидан қўлланилган маъмурий жазо чоралари тамакикорларда моддий манфаатдорлик туйғусини пасайтириши натижасида тамаки ҳосилдорлиги ва унинг сифати кескин тушиб кетди.

80-90 йилларда Шарқ типидagi тамаки етиштириш агротехникасига зид равишда суғориш ва минерал ўғитлар солишни интенсив равишда қўллаш туманда етиштирилиб келинган «Дюбек» навидаги тамакини сифат кўрсаткичини пасайтириб юборди ва натижада ички ва ташки бозорда мазкур хом ашёга бўлган талаб кескин пасайиб кетди. Талабнинг пасайиши ва бозорда ортиқча хом ашёнинг тупланиб қолиши «Дюбек» навидаги тамакига паст баҳоларнинг ўрнатилишига сабаб бўлди. Сўнгги йилларда тармоқда тамаки хом ашёси харид баҳолари амалда монополистик харидор бўлган Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон қўшма корхонаси томонидан ўрнатиб келинмоқда. Агар “Дюбек” нави учун товар навлари бўйича баҳолар табақалашуви тарихий мутаносибликда давом этиб келаётган бўлса, “Измир” навида товар навлари харид баҳолари ўртасида кескин табақалашув мавжуддир. Бу корхонанинг маҳсулот сифат даражасини яхшилашга ва экспортбop бўлган юқори товар навлар чиқиши салмоғини оширишга интилиши билан асосланади. Шу билан бирга биз тамаки бозор баҳоларини

оширишда тамаки ишлаб чиқарувчи ва уни дастлабки қайта ишловчилар учун ташқи иқтисодий алоқаларни либераллаштиришни ва тармоқда кўп сонли, бир-бири билан рақобат қилувчи субъектлар фаолияти ташкилий-иқтисодий шароитларини такомиллаштириш лозим.

Назорат саволлари:

- 1) Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорига таъриф беринг.
- 2) Қайта ишлаш саноати корхоналари учун хом-ашё етказиб бериш учун объект бўладиган маҳсулотлар бозори қайси бозорлар киради?
- 3) Озиқ-овқат саноати учун хом-ашё етказиб берувчи маҳсулотлар бозорига қайси бозорлар киради?
- 4) Бевосита истеъмол объекти бўладиган маҳсулотлар бозори объектларини сананг.
- 5) Жаҳон пахта бозорининг хусусиятларини сананг.
- 6) Ўзбекистон пахта бозорини шакллантириш омилларини сананг.
- 7) Пахта бозорини ривожлантириш истиқболларига нималарни киритиш мумкин?
- 8) Тамаки бозори хусусиятларини сананг.
- 9) Ўзбекистонда тамаки бозорини ривожлантириш истиқболига фикрингизни билдиринг.

12-мавзу. Қишлоқ хўжалиги учун моддий-техник ресурслар бозори.

Асосий саволлар:

1. Қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизмлари бозори.
2. Моддий ишлаб чиқариш захиралари бозори.
3. Минерал ва органик ўғитлар бозори.
4. Чорвачилик учун озуқа бозори.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Қишлоқ хўжалик техникаси ва механизмлари бозори, моддий ишлаб чиқариш захиралари бозори, минерал ва органик ўғитлар бозори, озуқа бозори.

1. Қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизмлари бозори.

Қишлоқ хўжалиги учун техника ва механизмлар ишлаб чиқаришнинг мавжудлигини белгиловчи ресурс ҳамда ишлаб чиқариш унумдорлигига ҳам таъсир кўрсатадиган иқтисодий восита сифатида намоён бўлади. Ўзбекистон аграр тармоғи учун бу бозорни мамлакатимизда ва хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига ташкил қилинади. Бугунги кунда бу бозорнинг фаолиятини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Мамлакатимиз аграр тармоғида айнан шу бозорнинг ижобий фаолият юрғизмаётганлиги кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг паст унумдор бўлишига сабаб бўлмоқда. Мамлакатимизда бу бозорнинг ташкил қилувчилари қуйидагилар бўлиб хизмат қилади:

- Қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи трактор заводлари;
- Қишлоқ хўжалик техникасини хориждан келтирадиган, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган воситаларни бевосита тармоққа сотадиган холдинг;
- Қишлоқ хўжалик корхоналарига механизмлар етказиб берувчи тармоқлар. Қишлоқ хўжалик корхоналарига машина ва механизмлар етказиб бериш бозори бевосита агросаноат мажмуининг биринчи сферасига кириб, у бутун тармоқ ишлаб чиқариши натижаларига катта таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизмлари бозори «Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини синовдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги тартиби тўғрисидаги Низом» асосида ташкил қилинади.

2. Моддий ишлаб чиқариш захиралари бозори.

Моддий ва ишлаб чиқариш воситалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини айланма маблағлар билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ўзлуксизлигини амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этади. Моддий ва ишлаб чиқариш воситалари бозорида талабни шакллантирувчи қишлоқ хўжалик корхонаси бўлса, таклиф қилувчлар Ўзбекистон шароитида қуйидагилар бўлиши мумкин:

- ёқилғи билан таъминловчи корхоналар. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик корхоналарини монополия асосидаги ягона нефт маҳсулотлари корпорацияси ташкил қилади;

- энергия билан таъминловчи корхоналар. Бу корхоналарга газ, кўмир, электр токи билан таъминловчи корхоналар киради.

- саноат хом-ашёси билан таъминловчи корхоналар. Бу маҳсулотларни таклиф қилувчиларга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун керак бўладиган иншоотларни қуришда, йўлларни созлашда керак бўладиган воситаларни етказиб берувчилар киради;

- материаллар. Материалларга ҳар хил ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш учун зарур бўладиган инвентарлар ва материалларни етказиб берувчи корхоналар киради.

Бу бозорни ташкил қилувчиларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларга такомиллашган бозор муносабатлари асосида фаолият юритишлари жуда муҳим ҳисобланади, чунки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши доимий ишлаб чиқариш жараёнларини бу маҳсулотларсиз тасаввур қилолмайди ва бу ресурслар бевосита маҳсулот таннархига кўшилади ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши якуний самарадорлигига катта таъсир кўрсатади.

3. Минерал ва органик ўғитлар бозори.

Минерал ва органик ўғитлар бозорини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун зарур бўладиган минерал ўғитларни етказиб берувчи давлат қишлоқ хўжалик кимёси ташкилотлари, чорвачилик билан шуғулланувчи фермерлар ва қишлоқ хўжалиги корхонаси таркибидаги чорвачилик фермалари ташкил қилади. Ҳозирги кунда минерал ўғитларни қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб бериш монопол асосга эга бўлса, органик ўғитлар бозори ҳали шакллангани йўқ.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига минерал ўғитлар бозорини шакллантириш икки муҳим вазифани ҳал қилиши лозим. Биринчиси қишлоқ хўжалиги учун унумдор ва ер унумдорлигини ҳам ўзоқроқ сақлаб қоладиган, шунинг билан биргаликда маҳсулот ишлаб чиқаришни қимматга туширмаслик масаласи бўлса, иккинчида таклиф қилинаётган минерал ўғитларнинг сифат даражаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифат даражасига ҳам таъсир кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бу бозорни шакллантириш ва ривожлантириш анча кўп илмий салоҳиятни ва тадқиқотларни ва шу асосда харажатларни талаб қилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилиш аграр тармоқни бу бозор билан кучли мумосабатини талаб қилса, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш, атроф-муҳитни сақлаш ва аҳоли саломатлиги муаммолари бу бозор билан алоқаларни чеклаш тарафдоридир.

4. Чорвачилик учун озуқа бозори.

Чорвачилик учун озуқа бозорини қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўзи, ёғ-мой комбинатлари, ун комбинатлари ва шунга ўхшаш бошқа озуқа ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхоналар ташкил қилади. Мамлакатимизда кейинги йиллардаги чорвачилик тармоғида йўл қўйилган камчиликлар бу тармоқ ривожланишини анча орқага суриб юборди. Чорвачилик тармоғининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларнинг энг асосийларидан бири бу озуқа бозорининг шаклланмаганлигидадир. Мамлакатимизда озуқа

бозорини шакллантириш ва уни такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- озуқа ишлаб чиқарувчи ва чорвачилик ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги муносабатларни тўла бозор муносабатлари асосига қайта қуриш;
- озуқа ишлаб чиқариш таркибини юқори сифатли озуқалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш асосида такомиллаштириш;
- чорвачилик корхоналарига юқори сифатли озуқа сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратишни ташкил қилиш;
- ривожланган мамлакатлар озуқа ишлаб чиқарувчилар тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимиз хусусиятларини ҳисобга олиб ишлаб чиқаришни ва сотишни ташкил қилиш.

Озуқа бозорининг самарали фаолият юритиши мамлакат чорвачилигини ривожлантириш ва шу асосда озиқ-овқат дастурининг самарали бажарилишига ҳисса қўшувчи тадбирлардан ҳисобланади.

Назорат саволлари:

- 1) Қишлоқ хўжалиги учун техника ва механизмлар бозорининг ташкил қилувчиларига кимлар киради?
- 2) Моддий ишлаб чиқариш захиралари бозорининг хусусиятларини сананг.
- 3) Келгусида қишлоқ хўжалигида энергиядан фойдаланишнинг устувор йўналишларига қайсилар киради?
- 4) Минерал ўғитлар бозорини ташкил қилувчиларига кимлар киради?
- 5) Ўзбекистонда органик ўғитлар бозорини шакллантириш ва ривожлантириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблайсиз?
- 6) Чорвачилик учун озуқа бозорини ташкил қилувчиларига кимлар киради?
- 7) Ўзбекистонда озуқа бозорини ривожлантириш истиқболларини сананг.

13-мавзу. Хизматлар бозори.

Асосий саволлар:

1. Хизматлар бозори тушунчаси ва турлари.
2. Ахборот, консалтинг ва илмий-тадқиқот хизматлари бозори.
3. Техник ва мелиоратив хизматлар бозори.
4. Ветеринария хизматлари бозори.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Хизматлар бозори, хизматлар бозори турлари, ахборот, консалтинг, илмий-тадқиқот хизматлари, техник хизматлар, мелиоратив хизматлар, ветеринария хизмати.

1. Хизматлар бозори тушунчаси ва турлари.

Аҳоли турмуш даражаси кўп жиҳатдан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожига боғлиқ. Айниқса, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси қишлоқдаги турмуш фаровонлигига сезиларли таъсир кўрсатади. 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва сервисни янги сифат даражасига кўтариш, жумладан, қишлоқда хизматлар соҳасида 140 минг янги иш жойлари ташкил этиш, 452 та савдо магазинлари, 1856 та маиший хизмат корхоналари, 500 дан ортиқ минибанклар ташкил этиш, қишлоқ аҳоли яшаётган жойларда телефон ва алоқа тизимини тубдан яхшилаш, спорт ва туризмни ривожлантириш тадбирлари белгиланган.

Хизматлар бозори қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, унда ишловчиларнинг иш ва яшаш шароитларини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини илмийлаштиришга хизмат қиладиган илмий маҳсулотларни таклиф қилувчилардир. Хизматлар бозорини таклиф қилувчиларини асосан илмий изланиш олиб борадиган муассасалар, фан-техника давлат қўмитаси ва вазирликнинг ҳамда хорижий ёрдам фондларининг маъсул ташкилотлари ташкил қилади. Хизматлар бозори асосан қуйидаги турларга бўлинади:

- ахборот хизмати (алоқа хизмати билан бирга);
- консалтинг (адвокатлик хизмати);
- илмий-тадқиқот хизматлари (элита уруғчилиги билан бирга);

- техник хизматлар (агар қишлоқ хўжалик корхоналари ихтисослашган корхоналарнинг техник қувватларидан фойдаланишга эҳтиёж сезишса);
- ветеринария хизмати;
- мелиоратив хизматлар;
- изланувчанлик ва ер сифатини яхшилаш билан боғлиқ тадқиқотлар ва бошқалар.

Бу хизматлар турларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қўллаш якунда ишлаб чиқариш сифатини ошириш, маҳсулотларнинг экологик тоза ишлаб чиқаришилишини таъминлаш ва товар рақобатбардошлигини ошириб, хорижий бозорга чиқиш имкониятларини яратади.

2. Ахборот, консалтинг ва илмий-тадқиқот хизматлари бозори.

XXI аср ахборот асри ҳисобланади. АҚШ, ЕИ мамлакатлари ва айниқса, Япония иқтисодиёти кудратининг ҳам сири ҳам айнан ахборотлар билан самарали ишлашдадир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоридаги бугунги кундаги кучли рақобат, бозорларни эгаллаш учун бораётган кучли ва аёвсиз кураш, ҳар куни янгиланиб бораётган фан-техника янгиликларини билиш, ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш бусиз ҳам анча муаммоларни ҳал қилишига тўғри келадиган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини таъминлаш учун муҳим бўлиб бормоқда. Ахборот хизмати – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янги техника ва технология, фан янгиликлари, шунингдек, ички ва жаҳон бозоридаги ўзгариш ва йўналишлар билан таъминловчи хизматлар бозоридир. Консалтинг – қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларини ҳуқуқий манфаатларини таъминлайдиган юридик ва адвокатлик хизматлари бозоридир. Илмий-тадқиқот хизматлари – фан-техника ютуқларини яратиш ва ишлаб чиқаришга қўллаб энг самараларини оммавий ишлаб чиқаришга жорий қилишга кўмаклашадиган илмий ташкилотлар, давлат муассалари ва шунга ўхшаш хизматлар бозоридир.

Ривожланган мамлакатларда бу каби хизматлар мамлакат ички хусусиятларидан келиб чиқиб ташкил қилинади. Масалан, Голландияда, бу каби хизматларни олий ўқув юртларининг тегишли илмий марказлари, кафедралари, махсус давлат билан ҳамкорликдаги LEI илмий маркази (ўзини -ўзи мустақил молиялаштиради) ҳамда кўпгина хусусий илмий фирмалар ташкил қилади. Улар хизматлари қишлоқ хўжалик корхоналари, давлат, қишлоқ хўжалик вазирлиги ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган фондлар ва ташкилотлар томонидан сотиб олиниб аграр ишлаб чиқаришга жорий қилинади. Россияда бу хизматларни илмий муассасалар билан бир қаторда давлат ва халқаро ривожланиш фондлари томонидан молиялаштириладиган Информацион-консультатив хизматлар (ИКС) марказлари амалга оширади. АҚШда эса бу хизматлар давлат ва йирик корпорациялар томонидан молиялаштирилади, хизматларни илмий марказлар ва агросаноат вазирлиги қошидаги департаментга қарашли илмий марказ ходимлари амалга оширишади.

Ўзбекистонда ҳам бу бозорни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. 1997 йилда Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди ва унинг вилоятлардаги ташкилотлари вилоят ҳокимлигида бевосита вилоят ҳокимига бўйсунадиган ва мустақил илмий-тадқиқотлар олиб борадиган бўлди. Лекин тан олиб айтиш керакки, бугунги кунда бу ташкилотнинг ишини тўла бозор қонунлари талабига мос деб бўлмайди. Давлат томонидан молиялаштириладиган бу ташкилот ҳали тўлалигича ўзининг қўйилган мақсадга мос фаолиятини амалга ошира олган эмас. Консалтинг хизматларини ҳам ягона давлат арбитражи ва аудиторлик фирмалари амалга оширмоқда, улар фаолияти ҳам тўла эркинлашиб бозорга мос рақобатдаги хизматни ташкил қила олгани йўқ. Илмий-тадқиқот хизматларини, қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари ва хорижий фондлар молиялаштираётган илмий марказлар таклиф қилувчилар ҳисобланмоқда. Аммо улар ишларини ҳам тўла бозор

талаблари асосида ташкил қилинмаганлиги бу ишларнинг самарали амалга ошмаганлигига ва шу асосда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг паст самарадорлигига сабаб бўлмоқда.

3. Техник ва мелиоратив хизматлар бозори.

Техник хизматлар бозоридан агар қишлоқ хўжалик корхонаси ўзининг махсус техник хизматига эга бўлмаган ҳолларда фойдаланади. Мамлакатимиз аграр сиёсатида олиб борилаётган барча хўжаликларни фермер хўжаликларига айлантириш сиёсатини самарали ривожлантирилиши ҳам айнан шу бозорнинг шакллантирилиш сифатига боғлиқ бўлиб қолаверади. Чунки, ташкил қилинаётган кўплаб фермер хўжаликларининг кичик ҳажмдалиги уларда ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнини тўла амалга ошириш қувватига эга бўлган техник қувватларни сотиб олиш ва ишлатиш имкониятини бермайди. Бундан ташқари, ҳозирги шароитда ҳар куни ўзгараётган техника ва технология фермерлардан ишлаб чиқаришнинг айнан шу соҳасига, яъни техника воситаларига қилинадиган харажатларни ўйлаб қилишни тақозо қилади. Чунки бугун сотиб олинган техника ўз жисмоний эскириш муддатини тугатмасдан маънавий эскириб қолиши мумкин ва бу ҳолат фермердан катта харажатлар қилишни талаб қилади, бу харажатлар эса маҳсулот баҳосининг ошиб кетишига ва яқунда фермер хўжалигини банкротга учрашига олиб келиши мумкин.

Техник хизматлар бозори йирик фермерлар учун ҳам зарурдир. Улар техникани бевосита ишлаб чиқариш хизматларидан эмас, балки техникага хизмат кўрсатадиган мутахассислар хизматидан фойдаланиш мумкин, табиийки техник хизмат кўрсатадиган корхонада малакали техникага хизмат кўрсатадиган мутахассис ҳам бўлади ва у билан шартнома имзолаган фермер ортиқча мутахассис ёллаб ўтирмай, унинг хизматларидан фойдаланади ва ўз харажатларини камайтиришга эришади.

Мелиоратив хизматлар – қишлоқ хўжалик корхонаси ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Мелиоратив хизматни давлат мелиоратив хизматлари ва шу соҳа билан

шуғулланувчи илмий муассасаларнинг олимлари таклиф қилишлари мумкин. Бу хизматлар бозорининг ташкил қилинишининг қийинчиликларидан бири шундаки, ўта кўп меҳнат ва харажатларнинг талаб қилиниши бу бозорни шаклланишига қийинчиликлар туғдиради. Ҳозирги даврда экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш сиёсатининг барча мамлакатлар аграр сиёсатларида юрғизилиши бу бозорни ривожлантириш ва самарали амалга ошириш тадбирларини белгилаш заруриятини туғдиради. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда бу бозорни давлат тўла ёки асосий қисмини молиялаштиради.

4. Ветеринария хизматлари бозори

Ветеринария хизматлари бозори – қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига ветеринария хизмати кўрсатишни ташкил қилувчилар ва уни сотиб олувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир. Ветеринария хизматларини бир неча турларга бўлиш мумкин:

- чорвачилик тармоғи ҳайвонларига ветеринария медицинаси хизмати кўрсатиш;
- чорвачилик тармоғи ҳайвонлари учун фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сотиш ва етказиб беришни амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни экологик тоза бўлишини таъминловчи ветеринария текширишларини амалга ошириш ва уни доимийлигини назорат қилиш;
- ҳайвонларда мавжуд касалликларни инсонларга ўтиб кетмаслигини олдини олиш ва унга қарши чора-тадбирлар белгилаш;
- деҳқон бозорларига кираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини таркибини текшириш ва назорат қилиб бориш, санитария хизматини амалга ошириш;
- ички бозорга кираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини назорат қилиб бориш;
- карантин хизматини амалга ошириш.

Ветеринария хизматлари бозорини самарали шакллантириш бир томондан ҳайвонлар йўқолиши, касалланиши ва маҳсулдорлигини ошиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишига хизмат қилса, иккинчи томондан экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалик маҳсулотининг рақобатбардошлилигини оширади ва учинчидан аҳоли соғлигини асраш воситаси ҳам бўлиб ҳисобланади.

Ветеринария хизматини таклиф қилувчиларга давлат ветеринария хизмати кўрсатиш муассасалари, ветеринария илмий-тадқиқот ишлари олиб боровчи институт ва олий ўқув юртларининг шу соҳа ходимлари, ветеринария медицинаси ва фармацевтикаси билан фаолият юритаётган шахсий фирмалар ва хорижий шу хизматларни таклиф қилиувчилар бўлиб ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу бозорни ташкил қилиш аҳолини озиқ-овқат хавфсизлиги дастурини бажариш ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш сиёсатини самарали олиб боришнинг гаровидир.

Назорат саволлари:

- 1) Хизматлар бозорига тушунча беринг.
- 2) Хизматлар бозори турларини сананг.
- 3) Ахборот хизматининг вазифаларига нималар киради?
- 4) Ахборот-маслаҳат хизматлари қандай ташкил қилинади ва уни ташкил қилишнинг аҳамияти нимадан иборат?
- 5) Консалтинг хизматининг вазифаларига нималар киради?
- 6) Илмий-тадқиқот хизматлари бозорини ташкил қилувчиларини сананг.
- 7) Техник ва мелиоратив хизматлар бозорини ташкил қилувчилар кимлар?
- 8) Мелиоратив хизматлар бозорини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг аҳамияти нималардан иборат?
- 9) Ветеринария хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш истиқболларини сананг.
- 10) Ветеринария хизматлари бозорининг турларини сананг.

14-мавзу. Савдо хизматлари бозори.

Асосий саволлар:

1. Савдо хизмати бозорларининг моҳияти ва вазифалари.
2. Воситачилик хизматлари бозори.
3. Қайта ишлаш корхоналари хизматлари бозори.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Савдо хизматлари бозори, воситачилик хизматлари, дилерлик хизматлари, дистрибьютерлик хизматлари, умумий овқатланиш корхоналари хизматлари, улгуржи савдо, чакана савдо, қайта ишлаш корхоналари хизматлари.

1. Савдо хизмати бозорларининг моҳияти ва вазифалари.

Қишлоқ хўжалик корхоналари агар ўз маҳсулотларини ўзлари сотишни йўлга қўймасалар, савдо ва воситачилик бозори хизматларидан фойдаланадилар. Бу бозорни ташкил қилувчиларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- дилерлик ва дистрибьютерлик ташкилотларининг хизматлари;
- улгуржи ва чакана савдо корхоналари хизматлари;
- умумий овқатланиш корхоналари хизматлари;
- қайта ишлаш корхоналари хизматлари.

Бу хизматлар қишлоқ хўжалик корхонасига фақат маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммолар билан шуғулланиш муаммоларинигина ҳал қилишига имконият яратади. Савдо корхонаси қишлоқ хўжалигига ўз хизматларини таклиф этиши қишлоқ хўжалик корхонаси учун бир қатор имкониятлар яратади ва баъзи ҳолатлар бўйича манфаатларини ҳам олиб қўяди. Савдо хизматлари бозори самарали ташкил қилинган бўлса-да, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиси унга иштирок этишдан қуйидагиларни ютади:

- сотиш учун кетадиган вақтни ва сотиш билан боғлиқ бўладиган рискдан қутулади;
- сотиш масаласини ташкил қилувчи мутахассислар топиш ва уларга иш ҳақи бериш учун қилинадиган харажатлардан қутулади;

- маҳсулотларни сақлаш ва бозорга чиқариш харажатлари камаяди;
- истеъмолчиларни ўрганиш тадқиқотларини амалга ошириш харажатлари камаяди ва вақтдан ютади;
- маҳсулот сотилмай қолиш хавфи йўқолади;
- маҳсулотни сифатли ва рақобатбардош ишлаб чиқариш учун вақт кўпроқ бўлади;
- маҳсулотини хорижий бозорга чиқариш имконияти ўзига боғлиқ бўлади.

ва қуйидагиларни **йўқотади**:

- маҳсулотни якуний истеъмолчига сотишдан келадиган устамадан ва фойдадан қуруқ қолади;
- истеъмолчи (истеъмолчи ролини савдо корхонаси ўйнайди) билан бевосита алоқа қилиб маҳсулот ҳақида хулосага эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади;
- савдо корхонаси айтган сифатда маҳсулот ишлаб чиқаришга мажбур бўлади.

Савдо хизматлари бозори қишлоқ хўжалиги учун бевосита маркетинг хизматини ҳам амалга оширади ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчисининг меҳнатларини анча енгиллаштиради. Шунинг билан биргаликда агар қишлоқ хўжалик корхонаси ҳоҳласа воситачилар билан келишиб ўз маҳсулотларини четга чиқаришни ҳам савдо хизматини ташкил қилувчилар ихтиёрига бериши мумкин.

2. Воситачилик хизматлари бозори

Воситачилар қишлоқ хўжалик корхонаси ва истеъмолчилар ўртасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини айирбошлаш ишларини амалга ошириш борасида фаолиятни ташкил қилувчилар ҳисобланади. Воситачилик турлари жуда кўп бўлсада, қишлоқ хўжалигида савдо хизматини ташкил қилишда ҳозирги кунда жаҳон бозорида унинг қуйидаги турлари кенг ривожланган:

- улгуржи савдо. Улгуржи савдо қишлоқ хўжалик корхонасидан маҳсулотни катта миқдорларда шартнома асосида сотиб олиб, сақлаш

дастлабки ишлов бериш ва сотишгача бўладиган бошқа логистик тадбирларни амалга оширадиган савдо корхонаси ҳисобланади. Улгуржи савдо қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ярмаркаларда, товар биржаларида, чакана савдони, ҳамда умумий овқатланиш корхоналарини ташкил қилган ҳолда ва бошқа усулларда истеъмолчиларга етказиб беради. Улгуржи савдо маҳсулотни сотиб олиш баробарида қишлоқ хўжалик корхонаси рискинни деярли тўла йўқотади;

- чакана савдо. Чакана савдо корхонаси ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тўғридан-тўғри истеъмолчига айирбошлаш фаолиятини амалга оширувчи савдо хизмати кўрсатувчи тизим ҳисобланади. Чакана савдо корхоналари истеъмол воситаларини тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш корхоналаридан, улгуржи савдо корхоналаридан ва умумий овқатланиш корхоналаридан ёки дилерлик ва дистрибютерлик ташкилотларидан шартнома асосида маҳсулотни олиб, уни истеъмолчига сотади;

- дилерлик ташкилотлари. Дилерлик ташкилотлари қишлоқ хўжалик корхонасидан маҳсулотни сотиш ҳуқуқини сотиб олган ва ўз ҳисобидан ҳамда ўз номидан фаолият юритадиган воситачилик корхонаси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги корхонаси дилерлик хизматидан фойдаланса маҳсулотини фақат унга шартнома асосида сотади ва етказиб беради, қолган ишларни дилернинг ўзи бажаради;

- дистрибютерлик ташкилотлари. Дистрибютерлик ташкилотлари қишлоқ хўжалик корхонасига ҳар хил техника ва уларнинг хизматларини сотиш билан шуғулланади.

3. Қайта ишлаш корхоналари хизматлари бозори

Қайта ишлаш корхоналари хизматлари бозорларини қишлоқ хўжалик корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қайта ишлашни таклиф қилувчи корхоналар ташкил қилади. Қайта ишлаш корхоналари хизматлари бозорини ташкил қилувчиларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи озиқ-овқат саноати корхоналари;

- ёғ-мой саноати корхоналари;
- тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари;
- тамаки маҳсулотларини ферментациялаш ва қайта ишлаш корхоналари;
- ғалла маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар;
- балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар.

Бу корхоналарнинг хизматлари қишлоқ хўжалик корхонаси маҳсулотини бозорда яхши сотилиши, истеъмолчилар манфаатларига мос ишлаб чиқаришни амалга ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг манфаатдорликларини ҳам ошириш гарови бўлади.

Назорат саволлари:

- 1) Савдо хизматлари бозорининг моҳияти нима?
- 2) Савдо хизматлари бозорини ташкил қилувчилар кимлар?
- 3) Савдо хизматлари бозорини ташкил қилишдан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси нималарни ютади?
- 4) Савдо хизматлари бозорини ташкил қилишдан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси нималарни йўқотади?
- 5) Воситачилик хизматлари бозорини ташкил қилувчилар кимлар?
- 6) Қайта ишлаш корхоналари хизматлари бозорини ташкил қилувчилар кимлар?

15-мавзу. Жаҳон Савдо Ташкилоти(WTO) ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.

Асосий саволлар:

1. Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO)нинг мақсади, таркиби ва асосий тамойиллари.
2. Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO)нинг қишлоқ хўжалиги муаммоларига доир талаблари.
3. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик соҳасида Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO)га қўшилиши: манфаат ва йўқотишлар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Жаҳон Савдо Ташкилоти, ЖСТга аъзо бўлишнинг асосий тамойиллари, ЖСТга қўшилишдан иқтисодий ва сиёсий манфаатлар, «Қишлоқ хўжалиги бўйича келишув»,

1. Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO)нинг мақсади, таркиби ва асосий тамойиллари.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигида олиб борилган иқтисодий ислохотлар икки йўналишда амалга оширилмоқда. Биринчидан, мамлакатимиз ичида қишлоқ хўжалик корхоналарини иқтисодий самарадорлигини ошириш, уларда мулкӣ муносабатларни такомиллаштириш, хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш каби муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди ва аграр таркибни такомиллаштириш тадбирлари олиб борилди. Иккинчидан, халқаро миқёсда мамлакат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларини манфаатларини ҳимоя қиладиган, уларни жаҳон бозорига чиқишларига ёрдам берадиган ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини экспорт салоҳиятини оширишга ҳисса қўшадиган ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда мавқеини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ва мамлакатлар ҳамда ўзаро айирбошлаш тизимида томонларнинг ҳар томонлама

манфаатдорликларини таъминлаш учун халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиш ва улар таркибида фаолият юритиш энг мақбул йўллардан ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида кейинги йилларда халқаро меҳнат тақсимотининг кучайиши ва халқаро ихтисослашувнинг кучайиши жараёнлари жадаллик билан ривожланди. Бунинг натижасида ресурсларнинг жойлашиш хусусиятларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмол жараёнларининг географияси глобал даражага етди. Табиий равишда турли сиёсий ва иқтисодий сиёсат юритаётган мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларида айрим тушунмовчиликлар ва ўзаро келишмовчиликларнинг пайдо бўлиш ҳолатлари кўпайди, Демак, бу жараёнларни хар томонлама манфаатли асосда ҳамда томонларни ўзаро рози ҳолатда ҳал қила оладиган ташкилотларнинг ҳам вужудга келишига зарурат туғилди.

Мамлакатлар дастлабки ҳолатларда ўз яқин қўшни давлатлари билан, кейинроқ эса мақсадлари бир-бирига тўғри келадиган, иқтисодий оборотида катта ўрин тутадиган мамлакатлари билан айрим мақсадларини амалга оширишга доир иттифоқлар тузишади. Иқтисодий жараёнларнинг глобаллашув жараёнининг тезлашлашиши эса бундай иттифоқлар таркибининг кенгайишига олиб келади. Масалан, Европа Иттифоқи дастлабки пайдо бўлган пайтда Бенелюкс мамлакатларининг ўзаро иқтисодий ҳамкорликларининг натижаси ўлароқ 6 та мамлакат аъзо бўлагн бўлса, ҳозирги кунда унинг таркиби 25 дан ортиқ мамлакатларни қамраб олган.

Дунё миқёсида мамлакатларнинг иқтисодий фаолиятларига фаол таъсир кўрсата оладиган ва мамлакатларда ўзаро манфаатли асосда аъзо бўлишга ҳаракат қиладиган қатор иқтисодий ташкилотлар мавжуд. Улар ичида ҳозирги кунда энг катта ўрин тутадиган, мамлакатлар сони бўйича энг кўп аъзога эга бўлган, иқтисодий муносабатларнинг ҳам жуда кўп соҳаларини кенг қамраб оладиган иқтисодий ташкилот бу Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO) ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам ҳозирги кунда бу ташкилотга аъзо бўлиш учун

муурожаат қилган ва кузатузчи статусига эгадир. Шу жиҳатдан олганда биз ушбу мавзуда тадқиқот олиб боришга қарор қилдик.

Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO) замонавий халқаро товарлар ва хизматлар савдосини ҳуқуқий тартибга содиш тизимини олиб борадиган ташкилот ҳисобланади. Жаҳон Савдо Ташкилоти 1995 йил 1 январдан бошлаб ўз фаолиятини бошлаган ва 1948 йилда ташкил топган Савдо ва таърифлар бўйича бош келишув (ГАТТ)нинг меросхўри ҳисобланади.

Жаҳон Савдо Ташкилоти мамлакатларнинг кўп томонлама товар ва хизматлар айирбошлаш тизимида муҳим роль ўйнайди. Жаҳон Савдо Ташкилотининг штаб-квартираси Женева шаҳрида жойлашган. Ташкилотнинг йиллик бюджети ўртача 150-180 млн. швейцария франкини ташкил қилади. Ташкилотнинг бюджети унга аъзо мамлакатлар халқаро савдо, хизматлар ва интеллектуал мулкнинг охириги 3 йилдаги савдосига нисбатан тулов сифатида шаклланади. Туловнинг минимал миқдори ялпи савдо тушумининг 0,015 %и миқдорида белгиланган. Жаҳон Савдо Ташкилоти раҳбариятини турли иқтисодий фаолият жараёнларини тартибга солишга кўмаклашадиган 500 нафар штатдаги Котибият бошқаради. Котибият раҳбари бош директор ҳисобланади.

Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо мамлакатлар фаолияти келишувларини амалга ошириш ва унга асосан фаолият юритишларига асос бўладиган асосий тамойиллар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- аъзо мамлакатларга энг юқори манфаатли режимни амал қилишини таъминлаш;
- савдонинг миллий режимига амал қилиш ва хорижий товар ва хизматларга монелик қилмаслик;
- адолатли рақобат учун шароитлар яратиш ва савдони тартибга солишни кўп томонлама манфаатли тариф усуллари ёрдамида тартибга солиш;
- савдо режимини кўра билиш ва юқори самарали савдо сиёсатини

амалга ошириш;

- ривожланаётган мамлакатларга махсус ва дифференциялашган савдо режимларини тақдим қилиш;

- савдога оид келишмовчиликларни йўл-йўриқ ва битимлар орқали ҳал қилиш.

Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш мамлакатлар ва уларнинг истеъмолчилари ва ишлаб чиқарувчиларига бир қатор манфаатлар олиб келади. Ташкилотга аъзо бўлиш натижасида мамлакатнинг истеъмолчилари қуйидаги манфаатларга эга бўлишади:

• **Яшаш харажатлари пасаяди.** Ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда мамлакат ичкарасига киритиладиган товар ва хизматларга савдо тўсиқларининг кўплаб ўрнатилиши истеъмолчиларга оладиган маҳсулотларининг сунъий равишда нархларини ошишига олиб келмоқда. Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш бу каби харажатларни камайтиради ва яқунда истеъмолчи арзонроқ маҳсулотга эга бўлади. Ташкилотнинг 50 йилдан ошиқ ҳаёт даври давомида айнан савдо тўсиқларини камайтиришга доир 8 марта келишувлар амалга оширилган ва ҳозирги кунда аъзо мамлакатларда энг паст даражадаги савдо тўсиқлари амал қилмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра Англияда текстил маҳсулотлари импортига қўйилган тўсиқлар сабаб мамлакат истеъмолчилари ҳар йили ўртача 500 миллион фунт стерлинг қўшимча харажат қилишади, худди шу сабаб оқибатида Канадаликлар ҳар йили ўртача 780 миллион Канада доллари миқдорида зарар кўришади. Европа Иттифоқи мамлакатларида телекоммуникация тизимини либераллаштириш тармоқ хизматлари нархини 7-10 %га арзонлашишига олиб келди.

• **Товар ва хизматларни сотиб олишга жуда кенг танлов вужудга келади.** Бу ҳолат ҳам мамлакат аҳолисини маҳсулот ва хизматларни ўзига керакли сифатдаги маҳсулотларга эга бўлишига асос бўлади. Истеъмолчилар ички ишлаб чиқариш ва хорижий бозордан кирган маҳсулотларни ўзаро таккослаш ва ўзи хоҳлаган сифатдаги ва

ассортиментдаги маҳсулот ва хизматларга эга бўлиш имконияти пайдо бўлади.

Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш натижасида мамлакатлар куйидаги иқтисодий манфаатларга эга бўлишади:

• **Даромадларнинг ошиши.** Эркин савдонинг ривожлантирилиши истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар ва давлатга бирдек таъсир кўрсатади. Савдо тўсиқларининг камайиши сотиладиган маҳсулотлар миқдорини ошишига олиб келади ва бу орқали истеъмолчилар ва давлатнинг ҳам бир бутун ҳолдаги даромадларини ошишига ҳам олиб келади. Эмпирик маълумотлар кўрсатишича 1986 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда жаҳон даромадлари 109 млрд доллардан 509 млрд долларга ошди. Давлатлар даромадларининг ошиши ресурсларни қайта тақсимлаш орқали аҳолининг кам даромадли қисмини қўллаб-қувватлаб уларни бойитишга ҳаракат қилиш, шунингдек, олинадиган даромадларни инвестиция кўринишида ҳам қайта тақсимлаш орқали мамлакат учун керакли соҳаларни ривожлантириш имконияти пайдо бўлади.

• **Иш билан бандликнинг ошиши.** Савдони ривожлантириш табиий равишда меҳнат ресурсларини ҳалқаро тақсимоти даражасини оширади ва ривожланаётган мамлакатлардаги иш кучининг ортиқчалиги ва айрим малакатларда мавжуд булаётган иш кучига бўлагн етишмовчиликни бартараф қилишга ёрдам қилади. Савдога қўйиладиган тўсиқлар ички ишлаб чиқаришни оширишга имкониятни чеклаб кўяди, чунки тўсиқлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини пасайишига ва маҳсулотлар нархини ошишига олиб келади ва бу орқали ишлаб чиқариш миқдори ва иш жойларининг камайишига олиб келади. Бозорни либераллаштириш Европа Иттифоқи мамлакатларига 300 минг янги иш ўринларини барпо қилиш имкониятини берди. АҚШда 12 миллион ишчи бевосита ҳалқаро бозор учун маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади, Россиянинг фақатгина металлургия саноати экспортида 600 минг ишчи банддир.

• **Ташқи иқтисодий фаолият самарадорлиги ошади.** Ташкилотга

аъзо мамлакатларга унинг фаолият тамойилларини кўллаш қўшимча имкониятларни пайдо қилади. Мамлакатлар хорижий бозорга чиқишда ўзлари учун манфаатли бўлган соҳаларга чиқишади ва хорижий бозордан ўзларига керакли фаолият соҳаларини олишга ҳаракат қилишади. Кўпгина мамлакатлар ташкилотга аъзо бўлишдан ўзларида мавжуд бўлган ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш учун хорижий инвестициялардан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялаш орқали капиталнинг кириши қўшимча иш ўринларини барпо қилади, кишиларнинг моддий фаровонлигини оширади, солиқлар орқали эса давлатнинг ҳам даромадларини ошишига олиб келади.

Жахон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш натижасида мамлакатлар кўйидаги сиёсий манфаатларга эга бўлишади:

- **Лоббистик гуруҳларнинг турли ҳаракатларидан ҳимоя қилиш имконияти пайдо бўлади.** 20 аср мамлакатларнинг савдо тўсиқлари урушига айланиб кетди. Мамлакатлар айрим соҳаларда устунликка эришишлари учун учинчи мамлакатлар билан келишиб кичикроқ мамлакатларга маълум келишувларни амалга оширишга мажбур қилишди. Ташкилот бу каби ҳолатларда чекланиш имкониятини яратади ва мамлакатлар соф иқтисодий рақобат шароитида фаолият олиб бориб ўзаро манфаатли савдо алоқаларини амалга оширадилар.

- **Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш имкониятлари кенгайди.** Кўпгина мамлакатларда ишлаб чиқаришга қўйиладиган квоталарни коорупция йўли билан сотиб олишлар мавжуд. Ташкилот бу каби ноҳолис «келишув»ларни олдини олишга ҳаракат қилади ва уларга қарши каттиқ тадбирлардан фойдаланади. Шунингдек, ташкилот маҳсулот ва хизматларнинг сифатини назорат қилишни ҳам кучайтиради ва истеъмолчилар сифатсиз маҳсулотлардан анча қутулади. Санитария ва фитосанитария қоидаларининг кучли амал қилиши турли сифатсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариб истеъмолчиларга етказишга ҳаракат қилувчи гуруҳларнинг ҳам мақсадларини пучга чиқаради.

- **Аъзо мамлакатларнинг имкониятларини тенглаштиради.**

Ташкилотга аъзо мамлакатлар ҳажмидан қатъий назар маълум ҳужжатларни муҳокама қилишда бир мамлакат бир овоз тамойили асосида қарор қабул қилишади, яъни ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ҳуқуқлари тенглашади.

2. Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO)нинг қишлоқ хўжалиги муаммоларига доир талаблари.

Ҳар бир мамлакат Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлишдан маълум бир мақсадларни амалга оширишга қарор қилади. Қўйилаётган мақсадлар мамлакат аҳолиси ва ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларидан келиб чиқиши билан бир қаторда бошқа аъзо мамлакатларнинг манфаатларига ҳам зарар келтирмаслиги лозим. Шу жиҳатдан олганда йиллар давомида амалга ошиб келаётган келишувлар ва тажрибалар асосида шаклланган фикрлар бир қатор ҳужжатларнинг пайдо бўлиши ва ривожлантирилишига асос бўлди.

Бу ҳужжатлар аъзо мамлакатларнинг савдо ва хизматларни айирбошлаш соҳасидаги кўп томонлама манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва фаолиятлар тартибга солиб борилади. Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг халқаро келишувларида энг кўп муаммога дуч келадиган соҳаси қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг аграр муносабатларга доир фаолиятлари Савдо ва таърифлар бўйича бош келишув асосида тартибга солинади ва тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари «Қишлоқ хўжалиги бўйича келишув» асосида тартибга солинади. «Қишлоқ хўжалиги бўйича келишув» қуйидагича кўриниш олган ва унга мос ҳолдаги фаолият соҳаларини тартибга солишга хизмат қилади.

«Қишлоқ хўжалиги бўйича келишув»

I. Бўлим:

1-модда. Асосий қоидалар(терминлар маъноси). Бу моддада келишув асоси бўладиган асосий терминларнинг маъноси келтирилган. Қишлоқ хўжалиги соҳасида томонлар ўзаро қуйидаги терминлар ва уларга мос фаолият турларини ўзаро келишиб олишлари лозим бўлади: «Қўллаб-

қувватлашнинг умумлашган кўрсаткичи», «Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари», «Бюджет харажатлари», «Қўллаб-қувватлашнинг эквивалент кўрсаткичи», «Экспорт субсидиялари». «амалга ошириш даври», «Бозорга киритиш бўйича ён беришлар», «Қўллаб-қувватлашнинг умумий агрегатлашган кўрсаткичи», «Қўллаб-қувватлашнинг умумий агрегатлашган кўрсаткичи».

2-модда. *Қамраб олинадиган маҳсулотлар.* Бу моддада аъзо мамлакатларнинг қайси қишлоқ хўжалик маҳсулотларига доир келишувлар олиб бораётганлиги ҳақидаги маълумотлар баён қилинади.

II. Бўлим:

3-модда. *Мажбуриятлар ва ён беришлар.* Бу моддада томонларнинг келишувга доир қандай мажбуриятларни бажарилари ва қайси соҳаларда ён беришлари шартлари баён қилинади, томонлар бу шартлардан нимани тотишлари ва нимани ютқазиларини ўзаро манфаатли асосда ҳал қилиб олишлари лозим.

III. Бўлим:

4-модда. *Бозорга қўйиш.* Томонлар ички бозорларига қўйиш бўйича тариф ставкалари ва бошқа мажбуриятларни келишиб оладилар. Бунда умумий қабул қилинган қоидалардан чекланиш мумкин эмас.

5-модда. *Махсус химоя қоидалари.* Бу моддада қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ички бозорини химоя қилиш механизми баён қилинган. Айрим тур маҳсулотлар бўйича ва ривожланаётган мамлакатлар ташкилотга аъзо бўлишда маълум даврда айрим енгилликларга эга бўлишлари мумкин бўладиган ҳолатлар ушбу модда бўйича тартибга солинади.

IV. Бўлим:

6-модда. *Ички қўллаб-қувватлаш бўйича мажбуриятлар.* Ички қўллаб қувватлаш давлатнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг айрим соҳаларига кўрсатадиган ёрдамларини миқдорини белгилаб беради. Агар аграр тармоққа кўрсатилаётган ёрдам миқдори 5 %дан ошмайдиган

бўлса бу бўйича ҳисоб-китобларни тақдим қилиш талаб қилинмайди. Ривожланаётган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 10 %гача бўлишга руҳсат берилади.

7-модда. Ички қўллаб-қувватлаш бўйича умумий қоидалар. Ҳар бир мамлакат ички қўллаб-қувватлашларни умумий бош келишувда келтирилган шартлар асосида амалга оширилиши лозим.

V. Бўлим:

8-модда. Экспорт рақобати бўйича мажбуриятлар. Ҳар бир аъзо ушбу келишувга асосан экспорт субсидиялари қўлламаслик мажбуриятларини оладилар.

9-модда. Экспорт субсидиялари бўйича мажбуриятлар. Давлатлар қайси маҳсулот турлари бўйича экспорт субсидияларини қўллашлари, экспорт қилинаётган маҳсулотларга бериладиган бошқа ёрдамларнинг миқдори ва тартибини беришлари ва умумий асосдаги келишувга эга бўлишлари лозим бўлади. Айрим мамлакатлар учун зарурий бўладиган маҳсулотларни етиштиришда донор мамлакатлар томонидан бериладиган экспорт субсидиялари тартиби ҳам келтирилади.

10-модда. Экспорт субсидиялари бўйича мажбуриятларни кўриб чиқиб огоҳлантириш. Маълум даврда экспорт субсидиялари бўйича мамлакатдаги ҳолатлар бўйича ноаниқликларни кўриб чиқиш ва назорат қилиш тартиби келтирилади.

11-модда. Ички ишлаб чиқаришда қайта ишланадиган маҳсулотлар. Ички ишлаб чиқариш қайта ишланиши мўлжалланган ва субсидияланадиган хом ашёлар экспорт қилинган тақдирда уларга нисбатан субсидиялар қўлланиши мумкин эмас.

VI. Бўлим:

12-модда. Экспортни чегаралаш ва тақиқлаш муносабатлари бўйича қоидалар.

VII. Бўлим:

13-модда. Зарурий тақиқловлар.

VIII. Бўлим:

14-модда. Санитария ва фитосанитария тадбирлари.

IX. Бўлим:

15-модда. Махсус ва дифференциаллашган режимлар.

X. Бўлим:

16-модда. Озиқ-овқат маҳсулотларини нетто-импортерлари ҳисобини кам ривожлантириш ва ривожлантираётган мамлакатлар.

XI. Бўлим:

17-модда. Қишлоқ хўжалиги бўйича қўмита.

18-модда. Мажбуриятларни бажарилишини кўриб чиқиш тартиби.

19-модда. Келишмовчиликларни тартибга солиш ва йўл-йўриқлар.

XII. Бўлим:

20-модда. Ислохотлар жараёнининг давоми.

XIII. Бўлим:

21-модда. Якунловчи қоидалар.

1-илова: Қамраб олинадиган маҳсулотлар.

2-илова: ички қўллаб-қувватлаш турлари. Қисқартиришлар бўйича мажбуриятлардан чекланишини асослаш.

- 1. Ички қўллаб-қувватлаш турлари. Хизмат кўрсатиш бўйича давлат дастурлари.*
- 2. Умумий ҳарактердаги хизматлар.*
- 3. Озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш учун давлат захираларини яратиш.*
- 4. Ички озиқ-овқат маҳсулотлари ёрдами.*
- 5. Ишлаб чиқарувчиларга тўғридан-тўғри тўловлар.*
- 6. «Бозланмаган» даромадларни қўллаб-қувватлаш.*
- 7. Даромадларни таъминлаш ва суғурталаш дастурларига давлатнинг молиявий иштироки.*
- 8. Табиий офатлар пайтидаги ёрдам тарзида бериладиган тўловлар.*

9. Ишлаб чиқарувчиларни ўз фаолиятларини тўхтатишига олиб келадиган дастурларини таркибий ўзгартиришга ҳаркат қилиш.
10. Ресурсларни ишлатишни тўхтатишга даъват қиладиган дастурларни таркибий ўзгартиришни қўллаб-қувватлаш.
11. Инвестицияларни рағбатлантириш воситаларини таркибий ўзгартиришга таъсир ўтказиш.
12. Атроф-муҳитни сақлаш дастурлари бўйича тўловлар
13. Худудий ёрдам дастурлари бўйича тўловлар.

3-илова: Ички қўллаб-қувватлаш: қўллаб-қувватлашнинг умумлашган кўрсаткичини ҳисоб-китоби .

4-илова: Ички қўллаб-қувватлаш: қўллаб-қувватлашнинг эквивалент кўрсаткичини ҳисоб-китоби.

5-илова: 4-модданинг 2-пункти муносабатлари бўйича махсус режим (давлатнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ёрдамлар бўйича).

Ҳар бир мамлакат ва бошқа иқтисодий ташкилотлар ҳам Жаҳон Савдо Ташкилоти билан ўзаро ҳамкорликда ва келишувда фаолият юритадилар. Энг йирик ва мукамал асосга эга бўлган Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳам Жаҳон Савдо Ташкилоти билан ҳамкорликда фаолият олиб боришдан манфаатдордирлар. Европа Иттифоқи ва Европанинг бошқа давлатлари ўртасида ташкил қилинган «Миллениум савдо ташкилоти»(МСТ) ва «Agenda 2000» дастури бу мамлакатларнинг бевосита бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларини таъминлашга хизмат қилади.

Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо мамлакатлар амал қилиши лозим бўлган ва тартибга солиш талаб қилинадиган воситаларидан бири бу ишлаб чиқариш ва сотишга ўрнатиладиган квоталардир. Квоталар қўлланилиши ишлаб чиқарувчиларнинг савдо қобилятлиликларига турлича таъсир кўрсатади.

Квоталар мақсадга мувофиқми ёки йўқ? Танлаш имконияти бўлганда савдога қобилятлиликни нимага имконият яратишини аниқлаш лозим, асосий иқтисодий келишмовчилик нимада, даромадни қайта тақсимлаш ва

самарадорликми, ёки активлар ва натижавийликми эканлигини аниқлаб олиш лозим. Айтиш мумкинки, бир қатор мақсадларга эришиш учун (масалан, чнги фермер хўжаликлари ёки айрим ҳудудларни қўллаб-қувватлаш учун) иқтисодий самарадорликнинг айрим қисмидан воз кечиш мумкин ва бу қандайдир қиймат туради. Шундай савол туғилади, агар қиймат қанча турса қимдир тўлаши керак бўлади. Натижа эса мамлакатлар ва маҳсулотлар бўйича фарқ қилади. Аммо савдога қобилиятлилиқ даражаларидан шу нарса келиб чиқадики, ҳар бир ҳолатдан ютадиганлар бўлади. Квоталарнинг давлат томонидан тақсимланиши ёш фермерлар учун яхши бўлса, бизнестан чиқаётган эски фермерлар учун ёмондир.

Бир қатор мамлакатларда кўпчилик ўртасида квоталар ҳақиқатан ҳам савдони тезлишишига таъсир кўрсатадими, агар таъсир кўрсатса қандай даражада деган квоталарга нисбатан қарама-қарши фикрлар мавжуд. Иқтисодий қизиқишлар нуқтаи назаридан буни тушуниш мумкин. Асосий келишмовчиликларнинг объекти – бу албатта, квоталарнинг баҳосидир. Кўпгина фермерлар асосан, Бирон фермани қўшиб олиб кенгайтишни хоҳлаганлари, баҳоларни ҳамма вақт юқори деб ҳисоблайдилар. Квоталарнинг баҳоси юқори бўлишига энг асосий сабаблардан бири бўлиб, квоталар бозорининг яхши амал қилмаётгани ҳисобланади. Яхши амал қилаётган бозор истеъмолчилар ҳамда хом-ашъё етказиб берувчиларнинг кўпчилиги, такомиллашган ахборотлар ва паст меҳнат ҳаражатлари билан тавсифланади. Агар бозор кичик бўлса, ёки монополлашган бўлса, бозордаги бир неча брокерлар, талаб ва таклиф бир-бирига аралашиб кетганлигидан фойдаланиб, квоталарни аукцион асосида сотиб, фойда олишлари учун унинг баҳосини оширишлари мумкин. Бунда шундай савол туғилади, мавжуд квоталар бозори, самарали бозорми ёки йўқлигини аниқлаш лозим. Агар квоталр бозорида айирбошлаш масаласи ечилмаган бўлса, шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳамма вақт ҳам квоталар айирбошлаш бозори такомиллашмаган бозор ҳисобланади. Фақат бунда хавф шундаки, кишилар квоталарни айирбошлашда кўплаб хатоликларни амалга оширсалар, бир

гурух фермерлар гурухи уларни эгаллаб олади ва савдо чегараларини кўллашга ўтиб оладилар ва бунинг натижасида монополия келиб чиқиши мумкин.

Жаҳон Савдо Ташкилотининг санитария ва фитосанитария талабларини бажаришда ветеринария ва ветеринария тиббиёти хизматларининг ўрни бекиёсдир. Бунинг учун ҳар бир мамлакатда бу каби бозорларни яратиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

3. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик соҳасида Жаҳон Савдо Ташкилоти(WTO)га қўшилиши: манфаат ва йўқотишлар.

Ўзбекистон Жаҳон Савдо Ташкилотига кириш учун 1994 йилда мурожаат қилган бўлсада, лекин бу ҳаракат ҳозиргача бошланғич даражада қолмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Ўзбекистоннинг Жаҳон Савдо Ташкилотига қўшилиш ишларини жадал олиб бормоқдалар. Ҳозиргача Жаҳон Савдо Ташкилоти ва Ўзбекистон ўртасида иккитомонлама ва кўптомонлама музокаралар ўтказилган. Ҳукуматда вазирлар ва вазирлар ўринбосарлари даражасидаги комиссия иш олиб бораяпти, ҳамда тўққизта ишчи гурух тузилган. Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш учун Ўзбекистон ҳукуматидан талаб қилинадиган омиллар асосан миллий тартиб қоидаларни маҳаллий ва хорижий корхоналар учун бир хилда мувофиқлаштириш, импорт ва экспорт учун таъифларини мувозанатда сақлаш, савдо ва ишлаб чиқариш имкониятини барчага тенг қилиш, тадбиркорлар ҳуқуқларини халқаро меъёрларда қафолатлашдир. Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш Ўзбекистон иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатиши хусусан, маҳаллий саноатнинг ривожланишига тўсиқлар бўлиши мумкинлиги ҳақида мутахассислар турлича фикрда.

Жаҳон Савдо Ташкилотига кириш Ўзбекистон иқтисодиёти учун фойда бўлади, жараён савдо ва иқтисодий ривожланишга тўсиқлик қилаётган ҳолатларга барҳам беради ва Ўзбекистон иқтисодиёти дунёнинг 150 дан

ортиқ мамлакатда қабул қилинган халқаро меъёрлар асосида ишлай бошлайди. Бундан ташқари Жаҳон Савдо Ташкилоти низомида ривожланаётган давлатларга ёрдам кўрсатиш, ташкилотга аъзо бўлишнинг хорижий сармоядорлар учун кафолат сифатида тушунилади. Бу эса сармоёга мухтож бўлган Ўзбекистон иқтисодига қўшимча маблағлар жалб қилиш мумкин.

Ўзбекистон Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлишни тезлаштирадиган қатор омиллар бу жараёни тезлаштириши мумкин. Улар сирасига тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий базалари яратилганлиги, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни халқаро мезонлар доирасида олиб боришга қилинаётган ҳаракатлар кабиларни киритиш мумкин. Ўзбекистон республикаси савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзолаган 48 та мамлакатда янада қулай тартиб яратмоқда. Ушбу мамлакатлар импорт қилинадиган маҳсулотларга (автомобилдан ташқари) 3% дан 30% гача божхона солиғи солинади, ноқулай тартибдаги мамлакатлардан эса божхона солиғи икки марта кўп ундирилади. Ўзбекистон билан эркин савдо ҳудуди ташкил қилиш тўғрисидаги битим имзолаган мамлакатлардан олиннадиган моллар божхона солиғига эга эмас. Ушбу мамлакатларга Озарбайжон, Арманистон, Беларуссия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Украина ва Тожикистон республикалари киради.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини оширишда, мамлакатнинг экспорт имкониятларини ўстириш ва кенгайтиришга йўналтирилган яхлит дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш республиканинг ташқи иқтисодий сиёсатидаги асосларидан бири ҳисобланади.

Дастурнинг мақсади экспорт ҳажмининг барқарор ўсиши учун шароитлар яратиш ва мавжуд захира ҳамда ишлаб чиқариш имкониятларидан ҳамда ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиш ва ривожлантиришда унинг тизимини такомиллаштиришдан иборат. Экспорт билан таъминлаш жаҳоннинг 78 та мамлакатларида амалга оширилди. Экспорт тизимида

сезиларли ўзгаришлар юз берди. Жумладан, хом ашёни экспорт қилиш камайди ва бир вақтнинг ўзида тайёр маҳсулотни экспорт қилиш ҳажми, яъни қайта ишлаш маҳсулотлари экспорти ҳажми ошди. Хусусан, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан буюм ва маҳсулотларнинг кўпгина турлари, жумладан, ёқилғи, пойафзал, спиртли ва алкогольсиз ичимликлар импорт қилиш қисқарди. Умумий экспорт ҳажмининг деярли 74% и асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш техникага оид маҳсулотларнинг импортига тўғри келади. Бу эса республика иқтисодиётини ривожлантиришда стратегик мақсадларига мос. Ўзбекистон ўзининг ташқи савдо тартибини эркинлаштириш, Жаҳон Савдо Ташкилоти талабларига мослаштириш бўйича режалаштирилган сиёсатини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлишида энг кўп келишувларни айнан аграр тармоқ билан боғлиқ муносабатларда амалга оширишга мажбур бўлади. Бунинг учун олиб борилаётган аграр сиёсат ва унинг жаҳон андозаларига мос келиши муҳим аҳамият касб этади. Аграр сиёсатнинг аграр иқтисодиётга фаол таъсири аграр сиёсатнинг фаолият доирасини белгилаб олишга ёрдам беради.

Назорат саволлари:

- 1) Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ)нинг моҳияти нимадан иборат?
- 2) ЖСТнинг мақсади нима?
- 3) ЖСТнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
- 4) Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлишдан назарий жиҳатдан нималарни ютади ва нималарни йўқотиши мумкин?
- 5) ЖСТнинг қишлоқ хўжалигига доир талаблари нималардан иборат?
- 6) «Қишлоқ хўжалиги бўйича келишув» қандай ҳужжат ва унда нималар акс эттирилган?
- 7) ЖСТга қўшилиш Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига қандай манфаатлар беради?
- 8) ЖСТга қўшилишдан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги қандай зарарлар кўриш эҳтимоли мавжуд?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Асарлар I-XIV томлар. 1991-2008 йй.
 2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009 й.
 3. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. I ва II томлар, Т.1998 йил.
 4. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар маҳкамаси қарорлари, Вазирликлар буйруқлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар(1991-2009 йиллар).
 5. Аграр соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш муаммолари ва ечимлари. Тошкент. «Меҳнат» 2002.
 6. Бакетт М. «Фермер хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш». «Тошкент» 1998 йил.
 7. Burrell A., Peerlings J. Agricultural and Rural Policy Analysis. Reader. Agricultural Economics and Rural Policy Group, Wageningen University. 2003.
 8. Илина З. М., Мирочичская И. В. «Рынки сельскохозяйственного сырья и продовольствия». Минск. БГЭУ. 2000 г.
 9. Исмоилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Дарелик. Т.: Молия. 2005 й.
 10. Муртазаев О. Пахтачилик агросаноат мажмуаси самарадорлигини ошириш муаммолари. Монография. Т.: Фан. 2005.
 11. Новичков В. И., Калашников И. Б., Новичкова В. И. Аграрная политика. Москва. ИКЦ «Маркетинг». 2001 г.
 12. Sadoulet E., Jangry A., Quantitative Development Policy Analysis. Baltimore. John Hopkins University Press. 1995.
 13. Ғаниев И.М. Аграр сиёсат. (маъруза матнлари). Самарқанд. 2004.
 14. Ўзбекистон аграр иқтисодчи олимлари анжумани форуми. Т. 2001.
- Сайтлар:** www.wto.org, www.usda.gov, www.fao.org, www.dehqon.uz, www.msbx.uz, www.uz.bir.uz, www.chamber.uz, www.qmii.uz

Мундарижа

Кириш	5
1-мавзу: «Аграр сиёсат ва қишлоқ хўжалик бозорлари» фанининг мазмуни, предмети, услубиёти ва вазифалари.....	7
1. «Аграр сиёсат ва қишлоқ хўжалик бозорлари» фанининг мазмуни ва зарурияти.....	7
2. Фаннинг предмети, услуби ва услубиёти.....	9
3. Аграр сиёсатнинг асосий вазифалари.....	11
4. Аграр сиёсатнинг ривожланиш тарихи ва кўринишлари.....	13
2-мавзу: Ўзбекистон аграр сиёсатининг асосий йўналишлари.....	18
1. Ўзбекистон аграр сиёсатининг ҳуқуқий асослари.....	18
2. Аграр таркиб сиёсати: мақсади, воситалари ва элементлари.....	26
3. Хўжалик юритишнинг самарали шакллари ни танлаш.....	30
3-мавзу: Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ислохотларини чуқурлаштириш.....	36
1. Ер ва сув ресурсларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тутган ўрни.....	36
2. Ер ва сув ислохотларининг асосий йўналишлари ва уларни амалга ошириш босқичлари.....	38
3. “Ер Кодекси”нинг моҳияти ва аҳамияти.....	40
4-мавзу: Ишлаб чиқариш сиёсати.....	42
1. Ишлаб чиқариш сиёсатининг моҳияти ва вазифалари.....	42
2. Фойда ва харажатлар функциялари, уларнинг аграр сиёсатга таъсири.....	44
3. Технологик сиёсат: зарурияти, тамойиллари, ривожлантириш йўналишлари.....	48
5-мавзу: Аграр сиёсатнинг асосий воситалари.....	56
1. Аграр сиёсат воситалари ҳақида тушунча ва самарали аграр сиёсатнинг асосий мезонлари.....	56
2. Аграр сиёсат воситаларининг асосий турлари.....	58
3. Солиқлар ва кредит.....	60

6-мавзу: Квоталар.....	65
1. Квоталарнинг моҳияти ва зарурияти.....	65
2. Ишлаб чиқариш ва сотишга ўрнатиладиган квоталар.....	66
3. Квоталарни қўллаш натижасидаги ўзгаришлар ва унга мос тадбирлар.....	69
7-мавзу: Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсатлари.....	71
1. Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсатларининг хусусиятлари.....	71
2. АҚШ аграр сиёсатининг хусусиятлари.....	73
3. Япония аграр сиёсатининг хусусиятлари.....	78
4. Европа Иттифоқи мамлакатлари аграр сиёсатининг хусусиятлари.....	81
8-мавзу: Қишлоқ хўжалик бозорлари ва уларнинг турлари.....	91
1. Қишлоқ хўжалик бозорлари тушунчаси ва вазифалари.....	91
2. Қишлоқ хўжалик бозорларининг функциялари.....	93
3. Қишлоқ хўжалик бозорларининг таркиби.....	94
9-мавзу: Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозорлари.....	99
1. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг аҳамияти.....	99
2. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозорини шакллантириш сиёсати.....	104
3. Қишлоқда меҳнат бандлиги муаммоларини ҳал қилиш йўллари.....	11
10-мавзу: Озиқ-овқат хавфсизлиги – миллий озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг стратегияси.....	113
1. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишнинг назарий асослари.....	113
2. Озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси, таркиби, мезонлари, параметрлари ва стратегияси.....	120
3. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси ва босқичлари.....	127
4. Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг шаклланиши.....	129
5. Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини бошқариш муаммолари.....	133
6. Ғалла маҳсулотлари бозорининг хусусиятлари.....	136
7. Сабзавот маҳсулотлари бозори.....	140

11-мавзу: Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори.....	144
1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори тушунчаси ва турлари.....	144
2. Пахта бозорининг хусусиятлари ва уни ташкил қилиш.....	146
3. Тамаки маҳсулотлари бозори.....	151
12-мавзу: Қишлоқ хўжалиги учун моддий-техник ресурслар бозори.....	154
1. Қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизмлари бозори.....	154
2. Моддий ишлаб чиқариш захиралари бозори.....	155
3. Минерал ва органик ўғитлар бозори.....	156
4. Чорвачилик учун озуқа бозори.....	156
13-мавзу: Хизматлар бозори.....	158
1. Хизматлар бозори тушунчаси ва турлари.....	158
2. Ахборот, консалтинг ва илмий-тадқиқот хизматлари бозори.....	159
3. Техник ва мелиоратив хизматлар бозори.....	161
4. Ветеринария хизматлари бозори.....	162
14-мавзу: Савдо хизматлари бозори.....	164
1. Савдо хизмати бозорларининг моҳияти ва вазифалари.....	164
2. Воситачилик хизматлари бозори.....	165
3. Қайта ишлаш корхоналари хизматлари бозори.....	166
15-мавзу: Жаҳон Савдо Ташкилоти(WTO) ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.....	168
1. Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO)нинг мақсади, таркиби ва асосий тамойиллари.....	168
2. Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO)нинг қишлоқ хўжалиги муаммоларига доир талаблари.....	174
3. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик соҳасида Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO)га қўшилиши: манфаат ва йўқотишлар.....	180
Адабиётлар рўйхати.....	183